

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ж.Абдуллаев**

**Ҳозирги ўзбек адабий тили  
(синтаксис)  
Қўшма гап  
(ўқув-услубий мажмуа)**

***ГУЛИСТОН – 2008***

Абдуллаев Ж. – Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис). Қўшма гап. -112 бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ҳозирги ўзбек адабий тили «синтаксис» фанидан Педагогика ва бошланғич таълим методикаси факултетининг бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши бўйича бакалаврлар учун мўлжалланган бўлиб, замонавий педагогик технология асосида тайёрланган.

Мажмуа Ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан синтаксис бўлимининг қўшма гап қисми бўйича: а) ишчи дастур; б) фан бўйича рейтинг ишланмаси; в) баҳолаш мезонлари; г) маъруза матнлари; д) амалий машғулотлар (машқлар ва уларни бажариш тартиби); е) мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар; ё) ОБ ва ЯБларни ўтказиш учун назорат саволлари; з) асосий мавзулар, масалалар бўйича якуний хулосалар; ж) фан бўйича ечимини кутаётган, янгича ёндашувлар асосида янада чуқурроқ ўрганишни талаб қиладиган илмий муаммолар; и) мавзуларни ўрганиш бўйича тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Педагогик технология тамойилларидан келиб чиқиб, мажмуада ҳар бир мавзу бўйича асосий саволлар, ҳар бир асосий савол бўйича дарс мақсади, идентив ўқув мақсадлари ишлаб чиқилган, мавзуга оид муаммоли саволлар белгиланган, иқтидорли талабалар учун ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар кўрсатилган.

Мажмуа Гулистон давлат университети ўқув - услубий кенгашининг 2007 йил 28 августдаги 2-баённомаси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: катта ўқитувчи М. Ражабов.

Тақризчилар: Низомий номидаги ТДПУ доценти Д. Муҳамедова

ГулДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти Б. Тўйчибоев

Абдуллаев Ж. «Ҳозирги ўзбек адабий тили .Қўшма гап» (учебно-методическая пособие). С.191.

Настоящий учебно-методическая пособие по предмету «Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис)» подготовлено на основе современной педагогической технологии для бакалавриата по направлению «Начальное образование и спортивно-воспитательная работа» факультета Педагогика и методики начального образования.

Пособие состоит из раздела синтаксис по сложному предложению а) рабочие программ; б) рейтинговые разработки по предмету; в) критерии оценок; г) текстов лекций; д) практических занятий (упражнение и порядок их выполнения); е) вопросов и заданий для самостоятельной работы; ё) контрольных вопросов для ПК и ИК; з) итоговых выводов по темам; ж) научных проблем по предмету, которые ждут своего глубокого изучения и решения на основе нового подхода; и) списка использованных основной и дополнительной литературы.

Исходя из принципа педагогической технологии в сборнике даны ключевые вопросы темы, по каждому вопросу определены цель преподавателя и идентифицированные цели (студентов), для одаренных студентов указаны научные проблемы, которые ждут своего глубокого изучения и решения.

Пособие рекомендовано к печати решением Учебно-методического Совета ГулГУ (Протокол № 2 от 28.08.07).

Abdullaev J. « Ҳозирги ўзбек адабий тили.Қўшма гап» teaching methodics collection - 148 pages.

This teaching methodics collection on “Native language (syntax)” has been prepared on the base of modern pedagogical technology. It is meant for Bachelors on the tiend “Elementary education and sports educational work” of “Pedagogics and methodics of elementary education” faculty.

The collection consists of simple sentence section: a) working programs; b) reiting works out on the subject; c) mark criterias; d) lecture texts; e) practical classes (exercises and the order of their carrying-out); f) questions and tasks for individual work; g) tasks for Intermediate and Final control; h) conclusions on the themes; i) scientific problems on the subjects, which are decided on the basis of new approach; j) the list of main and additional literature, prepared on the basis of new

pedagogical technology. The themes on main key questions on themes have been determined in it and for gifted students the scientific problems which are waited for solving have been pointed out.

The text book of methodics is recommended for publishing by the educational methodics counsel of Gulistan state university (pr.#1, 28.08.2007).

### III.Фан бўйича рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари

#### 3.1. Рейтинг ишланмаси

**Фан учун ажратилган соат – 90**

Маъруза – 52

Амалий – 46

Максимал балл – 100

Саралаш бали – 47% - 42,3

Ўтиш бали – 55% - 49,5

Баҳолаш меъёри

«аъло» - 86% - 100% - 77,4 – 90

«яхши» – 71 % - 85% - 63,9 – 76,5

«қониқарли» – 56% - 70% - 51,4 - 63

**Баҳолаш турлари:**

**Жорий баҳолаш - 55 балл**

| №  | 1-оралиқ 25 балл |         |           |           | 2-оралиқ 30 балл |         |           |           |
|----|------------------|---------|-----------|-----------|------------------|---------|-----------|-----------|
|    | Баҳолаш шакли    | Миқдори | Дона балл | Умум Макс | Баҳолаш шакли    | Миқдори | Дона балл | Умум макс |
| 1. | Оғзаки сўров     | 2       | 5         | 10        | Оғзаки сўров     | 2       | 5         | 10        |
| 2. | Уй иши           | 2       | 5         | 10        | Уй иши           | 2       | 5         | 10        |
| 3. | Ёзма таҳлил      | 1       | 5         | 5         | Ёзма таҳлил      | 2       | 5         | 10        |
|    | Жами:            | 5       |           | 25        | Жами:            | 6       |           | 30        |

#### Оралиқ баҳолаш – 30 балл

| №  | 1 оралиқ бали 15 балл               |             |             |            | 2 –оралиқ бали 15 балл              |             |             |            |
|----|-------------------------------------|-------------|-------------|------------|-------------------------------------|-------------|-------------|------------|
|    | Баҳолаш шакли                       | Миқдори     | Дона балл   | Умум макс  | Баҳолаш шакли                       | Миқдори     | Дона балл   | Умум макс. |
| 1. | Ёзма ва оғзаки назорат иши ёки тест | 1<br>(50та) | 10<br>(0,2) | 10<br>(10) | Ёзма ва оғзаки назорат иши ёки тест | 1<br>(50та) | 10<br>(0,2) | 10<br>(10) |
| 2. | ТМИ                                 | 1           | 5           | 5          | ТМИ                                 | 1           | 5           | 5          |
|    | Жами                                | 2           |             | 15         | Жами                                | 2           |             | 15         |

#### Якуний баҳолаш – 15 балл

| №  | Баҳолаш шакли    | Миқдори                          | Дона балл                                                           | Умумий макс. |
|----|------------------|----------------------------------|---------------------------------------------------------------------|--------------|
| 1. | Ёзма иш ёки тест | 1(3та савол)<br>(ёки 30 та тест) | 5 балл(ҳар бир саволга)<br>0,5 балл (ҳар бир тўғри топилган тестга) | 15           |

## **1-мавзу: Қўшма гап ва унинг асосий белгилари.**

### ***АЖРАТИЛГАН ВАҚТ: 2 соат***

#### ***Мавзу бўйича асосий масала(савол)лар***

1. қўшма гап ҳақида тушунча.
2. қўшма гапнинг қўшма гап билан қиёсий характеристикаси.
3. қўшма гап қисмларининг боғланиши.

#### ***Таянч тушунча ва атамалар.***

Гапнинг тузилиши ,грамматик асос, предикатив бирлик, қўшма гап, қўшма гап, қўшма гап компоненти, қўшма гап компоненти, нисбий тугалланган интонация ва тугалланган интонация, мазмуний ва мантииқий мослик, мазмуний ва мантииқий номувофиклик, компонентларнинг боғланиши, тенг ва тобе боғланиш, боғловчи воситалар.

#### ***Мавзуга оид муаммолар***

- 1.Содда гап ва қўшма гап грамматик асосига кўра бир-бирига қарама - қарши қўйилади. Кейинги пайтда қўшма гап ва қўшма гап орасида оралиқ учинчи сифатида уюшган гаплар ажратилмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз? қарашлар ўзгаришининг сабаблари нимада?
- 2.Маълумки, сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан вужудга келади. қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ қўшма гапларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Нима учун унда қўшма гап гап бирикмаси дейилмайди? Моҳият эътибори билан шу тўғри эмасми? Шу ҳақда ўз фикрингизни билдиринг.

#### ***1-масала.қўшма гап ҳақида умумий тушунча.***

***Дарсинг мақсади:*** қўшма гап тушунчасини изоҳлаб бериш, қўшма гапга таъриф бериш.

***Идентив ўқув мақсадлари:***

- 1.1.қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.
- 1.2.қўшма гапни тавсифлайди.
- 1.3.Берилган матндан қўшма гапларни ажрата олади.
- 1.4.қўшма гап гапнинг ўзига хос бир тури эканлигини асослаб беради.

#### ***1-масала баёни.***

Маълумки, нутқ, матн турли ва ҳар хил характердаги катта ва кичик гаплардан ташкил топади. Улар тузулишига кўра асосан икки гуруҳга бўлинади. Қўшма гаплар ва қўшма гаплар. Айни ўринда қўшма гаплар ҳақида фикр юритилади. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, фикр ифодалаш учун гапнинг содда шакли қандай зарур бўлса, қўшма гап формаси ҳам шундай зарурдир. Бошқача айтганда, тилда қўшма гап қолипнинг мавжудлиги содда гап қолипи каби нутқнинг табиий талабидир. Шунинг учун биз нутқимизда ҳар икки гап типидан ҳам баб-баравар фойдаланаверамиз. Чунки ҳар қайсиси ўз вақтида ва ўз ўрнида даркордир. Бундай пайтларда улардан бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди. Тўғри, қўшма гап тузиш содда гапга қараганда бирмунча мураккаб . Бироқ бу ҳолат қўшма гапнинг қўлланишига асло монелик қилмайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, қўшма гаплар содда гаплардан миқдор жиҳатдан ҳам устунлик қилади. Бунда сўзловчининг фикрлаш тарзи, умумий йўналиш, вазият, мақсад каби омиллар муҳим рол ўйнайди. Хуллас, қўшма гап деб аталадиган семантик-синтактик бутунлик нутқнинг содда гап сингари зарур шартидир. Шунинг учун уни ўрганиш синтаксиснинг алоҳида муҳим муаммоси ҳисобланади.

Шундай қилиб қўшма гап нима? У нимаси (нималари ) билан содда гапдан фарқ қилади? Унинг асосий белги -хусусиятлари нималардан иборат?

қўшма гап тузиш учун: биринчидан, камида иккита қўшма гап, предикатив бирлик бўлиши шарт. Иккинчидан, бу қўшма гаплар мазмунан ва мантиқан муносабатга киришган бўлиши лозим. Ҳар қандай қўшма гапларнинг ёнма - ён қўйилишидан қўшма гап юзага келавермайди. Бу йил ёгингарчилик жуда кам бўлди,шунинг учун экинлар гуркираб ўсмоқда. Ҳаво ёнапти,шунинг учун қўйлар совуқдан кирилмоқда. Бу содда гаплар грамматик жиҳатдан тўғри шаклланган бўлса-да, қўшма гап эмас, уларда мазмуний-мантиқий алоқадорлик, мутаносиблик йўқ. Учунчидан, қўшма гаплар бирдан ортиқ содда гапларнинг грамматик алоқага киришидан, грамматик жиҳатдан тўғри шаклланишидан тузилади.

Масалан: Борсак, кетган эканмиз деб бўлмайди- грамматик алоқа бузилади. Борсак, кетган экансиз деса, предикатив бирликлар грамматик алоқага киришади. Тўртинчидан, ёнма-ён келган қўшма гаплар мазмунан бир-бирига боғланган бўлса ҳам, яхлит, бирлаштирувчи интонацион, бутунликка эга бўлмаса, қўшма гап шаклланимаган бўлади. қиёслайлик: Ҳавони булут қоплади. Ёмғир ёға бошлади. Булар алоҳида олинган содда гаплардир. Ҳавони булут қоплади ва ёмғир ёға бошлади. Қўшма гапда - содда гаплар бир интонацион - грамматик бутунликка бирлашган. Демак, қўшма гапнинг шаклланишида яна бир муҳим белги бирлаштирувчи интонациядир. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, қўшма гапга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Икки ва ундан ортиқ қўшма гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топган бир бутун бирлаштирувчи интонация билан айтилувчи синтактик қурилма қўшма гап дейилади.

### **Муҳокама учун саволлар**

1.1.1. қўшма гапнинг таърифи.

1.1.2. Гапларнинг тузилишига кўра неча турга бўлиниши.

1.1.3. қўшма гап тузиш учун нималар зарур?

### **2-масала. қўшма гапнинг содда гап билан қиёсий характеристикаси.**

*Дарснинг мақсади:* Талабаларга қўшма гапнинг содда гапдан фарқ қилувчи мустақил синтактик бутунлик эканлигини асослаб бериш.

*Идентив ўқув мақсадлари:*

2.1. Содда гап ва қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.

2.2. Содда гап ва қўшма гап ўзаро асосан нимага кўра фарқланишини изоҳлаб беради.

2.3. қўшма гапларнинг грамматик асосларини (предикатив бирликларини) топиб беради.

2.4. Қўшма гап билан содда гап таркибий қисмларининг фарқларини кўрсатиб беради.

2.5. Содда гап билан қўшма гапнинг умумий хусусиятлари нимада эканлигини изоҳлаб беради.

2.6. Берилган гапни тузилишига кўра тавсифлайди.

### **2 - масала баёни:**

Содда гап қўшма гап билан ташқи гаплик формаси, ички-коммуникатив вазифа бажариши, тугалланган интонацияга эгалиги каби умумлаштирувчи хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, унда қуйидаги фарқловчи белгилар ҳам мавжуд: Тузилиш белгиси. қўшма гап бирдан ортиқ предикатив қўшилмалардан (қўшма гаплардан) тузилади. Қўшма гап битта предикатив ядро, битта предикатив қўшилмадан ташкил топади. Масалан. Борсак, йўқ экансиз, ҳамма таркалиб кетди. Ушбу гапда учта предикатив ядро борлигидан мураккаб қўшма гап саналади. Қўллар чаман сочдилар ташлаб андуҳларини, жаранглатиб очдилар олтин сандикларини гапи ҳажман аввалги гапдан катта бўлса ҳам, битта предикатив марказ борлигидан қўшма гап ҳисобланади. Материал жиҳатидан. Қўшма гапнинг материали, уни ташкил этувчи компонентлар содда гаплардир. Қўшма гапнинг материали эса гап бўлакларидир. Масалан, Қалин қор ёққан бўлса-да, ҳаво совуқ эмас гапи қўшма гап бўлиб икки компонентдан-икки гапдан; Кўкда қуёш порлайди гапи эса қўшма гап бўлиб, уч компонент- уч гап бўлагидан иборат. Мазмуний белги. қўшма гапда бирдан ортиқ ҳукм-хабар ифодаланади. Қўшма гапда воқеликка ёки бир субъектнинг белги-хусусиятига доир бир ҳукм, хабар берилади. Масалан, Гулсумбиби қизини қучоқлаб кичқирди, лекин унинг ярим очик кўзларида ҳаёт сўнгган эди. Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Биринчисида бирдан ортиқ ҳукм хабар ифодаданган бўлса, иккинчисида бир ҳукм, хабар берилган.

қўшма гапнинг қисмлари: 1) ўзида предикативликни акс эттириши. 2) нисбий тугалланган фикр ифодаланиши 3) интонация жиҳатдан ярим мустақилликка эгалиги билан гап ҳисобланса-да, улар алоҳида олинган қўшма гаплардан фарқ қилади.

қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар шунинг учун ҳам алоҳида олинган содда гаплардай мустақил эмаски, улар қўшма гап доирасида бошқа гаплар билан боғланган ҳолда ҳаракат қилади. Демак, қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуни ва грамматик ҳамда интонацион хусусиятлари шу бутунлиكنинг умумий мазмунини белгилайди. Масалан,

Келин-куёвлар келди. Бошланглар! (иккита алоҳида олинган қўшма гап). Келин-куёвлар келди, бошланглар қўшилмасида эса, Келин-куёвлар келди гапи кейинги гап билан муносабатга киришганлигидан олдинги мустақиллигини йўқотган ва нисбий тугалланган фикр ва интонацияга эга бўлиб қолган. Ўзбек тилида бир қарашда қўшма гапга ўхшаб кетадиган, бироқ аслида содда гап ҳисобланган қуйидаги каби синтактик бутунликлар ҳам мавжуд.

1.Бир эгага тобеланиб келадиган уюшиқ кесимли гаплар: Бунда уюшиқ кесимлар баъзан бир хил, баъзан ҳар хил шаклланган бўлиши мумкин. Мен уларнинг ҳар бирига навбат билан сув ичирардим, чивинларни елпиғич билан қувардим, бошқа ишларига ҳам қўлимдан келганича ёрдам берардим. Шеърни яхши ўқидингиз, лекин бу билан шоирни нима демоқчи эканлигини тушунтириб бера олмадингиз.

2.Равишдош оборотли қўшма гаплар: Икромжон чолга яқинлашгач, унга эҳтиром билан қўл узатди.

3.Сифатдош оборотли қўшма гаплар: Холмурод гузардан ўтар экан, правление дарвозаси олдида Абдурасул билан Меливойни кўрди.

4.Мураккаб таркибли шарт ёки тўсиқсиз ҳолли қўшма гаплар. Мабодо бир ишдан кейин шунда бир пас чўзилиб, бир чимдим ухлаб олсанг, кучга тўлиб, яйраб қоласан. Демак, бу каби синтактик бутунликлар қўшма гап ҳисобланмайди.

Бироқ эгаси мазмунан умумий бўлган қуйидаги синтактик бутунликларни қўшма гап ҳисоблаш лозим:

1.қўшма гапнинг иккинчи қисмида эга у, ўзи олмоши орқали ифодаланади.Мунчоқ эмас виждон, у-гавҳар. Комилани ўтиришга таклиф этди ва ўзи меҳмонлар билан суҳбат бошлади.

2.Ҳар икки қисмида бир хил эга такрорланган синтактик конструкциялар қўшма гап саналади: Йўлчи учун бу қиз энди бегона эмас, у Ёрматнинг қизи, у яқин.

### **Муҳокама учун саволлар**

2.1.1.Тузилиш белгисига кўра қўшма гап содда гапдан нимаси билан фарқланади?

2.1.2.Материлига кўра қўшма ва содда гапларнинг тавсифи.

2.2.2.қўшма гап ва содда гапнинг мазмунига кўра фарқлари.

### **3-масала: қўшма гап қисмларининг боғланиши.**

*Дарсинг мақсади:* қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

3.1.қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланишини айтиб беради.

3.2.Боғловчи воситаларнинг турларини изоҳлайди.

3.3.Боғловчи воситаларни топиб беради.

3.4.Боғловчи воситаларга қўлланишига кўра баҳо беради.

#### *3 - масала баёни:*

қўшма гап маълум воситалар билан ўзаро боғланган гаплар, предикатив бирликлар қўшилмасидан ташкил топган синтактик бутунликдир. Маълум фикр-мазмунни ифодалашда хизмат қилган гаплар қўшма гап доирасида ўзаро турли воситалар ёрдамида бириккан бўлади. Бу воситаларни умумий ва фарқли хусусиятларига кўра тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

1.Грамматик воситалар. Бундай воситаларга тилда мавжудлиги грамматик маъно-вазифа бажариш билан шартланган ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар киради. Маълумки, боғловчилар, қўмакчилар, юкламалар, келишиқ қўшимчалари ана шундай грамматик воситалардир.

Грамматик воситалар боғланган қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилишда фаол қатнашади. Масалан: Сиз яширдингиз, аммо мен яширмайман. Билиб қўйки, сени Ватан кутади. Биринчи қор ёққан кезларда, читтакни тутиш учун тузоқ қўяр эдим.

2.Лексик-грамматик воситалар. қўшма гап қисмларини боғлашда хизмат қиладиган лексик-грамматик воситаларга асосан, феъл шакллари киради. Булар орасида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт майли шакллариининг маъновий вазифадан ташқари боғловчилик

(грамматик) вазифасида ҳам келиши кўпроқ кўзга ташланади. Масалан: Жаҳл келганда, ақл кетади. Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи тушади.

Лексик-грамматик воситалар эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида фаол қатнашади. Улар деярли барча турдаги эргаш гапларнинг кесими вазифасида келиб, уларни бош гапга боғлашда иштирок этади.

3. Лексик воситалар. Айрим лексик воситалар қўшма гапнинг юзага келишида, улар қисмларининг ўзаро мазмун муносабатида киришишида муҳим воситачилик ролини ўйнайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, лексик воситалар қўшма гапнинг ҳамма турида учрайди. Аммо қўшма гапни тузишда грамматик ва лексик-грамматик воситалар қўлланган ўринларда лексик воситаларнинг роли сусаяди. Аксинча, боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг боғланишида лексик воситаларнинг хизмати каттадир. Улар интонация билан бирга боғловчисиз қўшма гапларни ҳосил қилувчи асосий воситадир. қўшма гап қисмларининг боғланишида фаол катнашадиган махсус лексик воситалар асосан қуйидагилардир: яъни, умуман, бир сўз билан, бошқача айтганда, шу билан бирга, тўғрироғи, шунга қарамай, аксинча, акс ҳолда, биринчидан, иккинчидан, аввало, қолаверса, унингча, бахтга қарши, бундан ташқари каби кириш бўлак, кириш бирикмалар шулар жумласидандир. Масалан: Лекин бу нарса қаландаровнинг тафтини боса олмади, аксинча, юрагига ўт ёқилди. Хуринисо икки ёклама қайғуга қолди. Булардан ташқари, шекилли, натижада, бунинг натижасида, ниҳоят, шундан кейин, шундан буён, шунда, унда, шу, у, шундай кабилар ҳам қўшма гап қисмларини боғловчи лексик восита вазифасини ҳам ўтайди. Мисоллар: Отаси ўлганига ўн беш йил бўлди - шундан бери ҳар қанақа ишни йиғиштириб қуйган. Шундай аёллар бўлади, улар ишқни эътиқод каби муқаддас тўтадилар.

3. Гап бўлақларининг такрорланиши. қўшма гап таркибидаги қўшма гаплардаги бир хил гап бўлаги такрорланиб, уларни мазмунан бирлаштириб, муносабатга киришишга хизмат қилади. Такрорланган бўлақлар ҳар икки гапда бир хил ёки турли вазифада бўлиши мумкин. Бир хил вазифада такрорланганда, шу бўлақнинг бир хил вазифаси ва мазмуни таъкидланади.

Агар такрорланувчи гап бўлақлари турли вазифада бўлса, изоҳлаш ёки қиёслаш муносабати ифодаланади. Масалан: Менинг домлам йўқ, домлам икки кўзим. Вақтинг кетди-бахтинг кетди.

Баъзан такрорланган бўлак ифодаланмаслиги мумкин, лекин бу контекстдан билиниб туради. Масалан: Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб.

4. Умумий ва иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши. қўшма гап қисмларининг таркибидаги иккинчи даражали бўлақлардан бири барча қисмларга тегишли бўлиши мумкин. Бундай умумий иккинчи даражали бўлақлар қўшма гап таркибидаги гапларни жипс боғлайди, шу асосда ихчам қўшма гап қурилмалари вужудга келади.

Гапнинг ҳар қандай иккинчи даражали бўлаги умумий бўлиб келиши мумкин. Масалан: Унинг кичик қисқ кўзлари ёмон ёнди, қалин лаблари титраб кетди.

Одатда, умумий иккинчи даражали бўлак қўшма гап таркибидаги биринчи гапнинг таркибида келади.

қўшма гап таркибида эга умумлашган ҳолда кела олмайди. Чунки қўшилманинг ҳар икки қисми учун бир эга бўлса, ундай қурилма содда ёки мураккаб содда гап ҳисобланади. Бунда бир предмет-шахснинг турлича ҳаракат-ҳолати, хусусияти ҳақида ҳукм юритилади, бундай ҳукмлар эса уюшган кесим ҳисобланади.

Умумийлик иккинчи даражали бўлақларгагина эмас, кесим таркибидаги ёрдамчи элементларга ёки тўлиқсиз феълга тааллуқли бўлиши мумкин. Бундан кўпинча бир-бири билан жипс боғланган боғловчисиз қўшма гаплар вужудга келади: Бостирмада чирок паслатилган, кимдир аллақачон хуррак отар эди.

5. Оҳанг ва ўрин. қўшма гап қисмларининг боғланишида интонацион восита – оҳанг, гапларнинг ўринлашиши ҳам алоҳида аҳамият касб этиши мумкин.

Оҳанг, хусусан, қўшма гапларни бириктириб, боғловчисиз қўшма гап ҳосил қилишда катта рол ўйнайди. Масалан: кушлар келди. Кўклам келди гаплари шу ҳолда иккита содда гапдир. Бироқ уларни интонацияни ўзгартириб, бирлаштирувчи оҳанг билан кушлар келди - кўклам келди тарзида талаффуз қилсак, боғловчисиз қўшма гап ҳосил бўлади. Демак,

интонация ҳам ажратувчилик (биринчи ҳолда), ҳам боғловчилик вазифасини ўтаяпти (кейинги ҳолда).

Оҳанг боғловчисиз қўшма гапларнинг турли типини ҳосил қилишда интонацион ажратишда ҳам муҳим рол уйнайди: Пахта очилди, уни териб олиш керак. Бу ерда пахта очилган заҳоти уни териб олиш кераклиги (пайт муносабати) ифодаланган. Пахта очилди, уни териб олиш керак. Бу ҳолда сабаб муносабати ифодаланган. Пахта очилган, шунинг учун уни териб олиш керак. Гапларни бириктирувчи грамматик воситалар ва лексик воситалар қанча кам бўлса, ёки бўлмаса, қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бири билан шунча зич боғланади, оҳангнинг роли шунчалик ортади. Оҳанг боғловчисиз қўшма гаплардагина эмас, ҳар қандай қўшма гапларда ҳам уларнинг қисмларини боғловчи воситаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода у универсал воситадир. Боғловчисиз қўшма гапларда эса у асосий боғловчи воситага айланади. Қўшма гапларнинг бирикиши ва қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида уларнинг ҳар бирининг тартиби ҳам ўзига хос рол ўйнайди. Шу тартиб, ўринга мувофиқ маълум мақсад- фикрни ифодалайди. Ўрин- тартибни ўзгартириш шу қўшма гапнинг бўзилишига сабаб бўлиши мумкин. Ўн минутча ҳам вақт ўтмаган эди, майдоннинг олдида биз кутган одам кўринди - бу қўшма гап. Ундаги гапларнинг тартибини ўзгартириб Биз кутган одам кўринди. Ўн минутча ҳам кутмаган эдик тарзида ифодаласак иккита алоҳида содда гап ҳосил бўлади. қисмларнинг ўрнини ўзгартириш билан бир мазмунли қўшма гап иккинчи бир мазмунли қўшма гапга айланиши мумкин: Сув келди - нур келди-Нур келди - сув келди. Сен келдинг - ясанди дунё. Ясанди дунё-сен келдинг.

Аён бўладики, қўшма гаплар, предикатив бирликларнинг боғланиб, қўшма гапларнинг ҳосил бўлишида фонетик - интонацион воситалардан тартиб, лексик-грамматик, позицион воситаларгача қатнашади.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 3.1.1.қўшма гап қисмларини боғловчи грамматик воситалар қайсилар?
- 3.1.2.қўшма гап қисмларини боғловчи лексик-грамматик воситалар деганда нималар назарда тутилади?
- 3.1.3.қўшма гап қисмларини боғловчи лексик воситаларга нималар киради?
- 3.2.1.Гап бўлагининг такрорланиши қандай вазифаларни бажаради?
- 3.2.2.Умумий иккинчи даражали бўлакларнинг бўлиши қўшма гапларда қандай вазифа ўтайди?
- 3.2.3..қўшма гапни ҳосил қилишда яна қандай воситалар қатнашади?
- 3.2.4.қўшма гап турларининг ҳосил бўлишида интонациянинг роли.

### ***Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар***

- 1.Қўшма гап ҳам, содда гап ҳам ҳисобланмайдиган оралиқ ҳодисалар талқини.
- 2.қўшма гапларнинг таснифи.
- 3.Уюшиқ кесимли қўшма гапларнинг қўшма гапга муносабати ва уларнинг талқини.
- 4.Эргаш гапли қўшма гапларнинг лисоний синтактик қолиплари.

## **1-мавзу бўйича амалий машғулот**

### **Ажратилган вақт - 2**

**Дарснинг мақсади:** талабаларнинг қўшма гап тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матндан қўшма гапларни ажрата олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

### ***Идентив ўқув мақсадлари***

- 1.Берилган матндан қўшма гапларни топади.
- 2.Топган қўшма гапларини таркибига кўра таҳлил қилади.
- 3.қўшма гаплар компонентлари ўзаро қандай боғланганини аниқлайди.
- 4.Топган боғловчи воситаларини турларга ажратади.

### ***Ишнинг бажарилиш тартиби***

- 1.Берилган матндаги қўшма гаплар топилиб ажратиб ёзилади.
- 2.Топилган қўшма гапларни ҳосил қилган қўшма гаплар белгиланади.
- 3.қўшма гаплар компонентлари ўзаро қандай боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.



#### 4.Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.

39- машқ.

Ёлғончининг жазоси унинг гапига ҳеч ким ишонмай қўйишида эмас, балки унинг ўзи энди ҳеч кимга ишонмаслигидадир.(Б.Шоу) Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир. (Л.Н.Толстой). Яхши сўзла, аммо маҳмадона бўлма, эзмалик калтабинликдир. (Кайковус). Инсон одамлар орасидагина одам бўла олади. (И.Бехер). Шаҳар олиб сотарлари хиёнатчи, ўзига фойда ва бошқаларга қаҳат истовчи, унинг фойдаси халққа зиён, арзон олиб қиммат сотиш унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзни мактаб шойи дейди. Молини товар ўрнида ўтказа олса, тўхтатиб туриш йўқ. Дўконида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир. (А.Навоий). Одамлар учун ҳақиқий ҳазина меҳнат қила билишдир. (Эзоп). Салтанатнинг ҳар бир иродасида кирим-чиқимларни, кундалик ҳаражатларни ёзиб бориш учун бир китоб тайинлансин. (А.Темур). Кимики кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши муқаррардир. (Ҳадис). Гўзаллик ҳам улуғ неъмат бўлиб, у ҳар кимсага ҳам берилавермайди. Кишидан ҳаё кетса, тездагина бало етиб келади! (М.Зеҳний). Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса, олам низомига ҳалал етади. (Кошифий). Кимки авлодлар яратган маънавий бойликларни билмаса, демак, у нафосатдан бебаҳра яшаган.(Гегель). Китоблар ақл фарзандларидир. (Ж.Свифт). Ичкиликбозлик-барча иллатларнинг асоси. (Абул Фароҳ). қизғанчиқлик қалбни қуритади. (А.Дюма). Кимки ўзи қаллоб бўлмаса, қаллоблар билан ош-қатиқ бўлишни истамайди.(Ж.Ж.Русо). Меҳнат—энг олий ибодатдир. (Ҳадис). Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган икки хил хоҳиш бор-одамларга яхшилик қилиш ва соф виждонли бўлиш. (Шекспир). Ахлоқ одамлар аро мавжуд бўлган муносабатлар ва шу муносабатлардан келиб чиқадиган масъулиятлар ҳақидаги фандир (П.Гольбах).

**40-машқ.**Инсон кўп ейиш ва ичишдан уятсизларча ўзини тия олмагани учун ўзига ўлчаб берилган умрнинг ярмини ҳам яшамай оламдан кўз юмади. Жониворлар, агарда уларга ноқулай ташқи муҳит таъсир этмаса, ўз умрини тўлиқ кечирадilar. Бу қоидадан истисно бўлган яратик биргина инсондир. Миллионлаб жонзотлар ичида, эҳтимол, биргина инсон табиат ато этган умрни охиригача яшамайди.

Барча соғлом фикрли кишилар узок, бахтли ва фойдали ҳаёт кечиришни хоҳлайдилар. Узок умр кўриш ва мустаҳкам соғлиққа эга бўлиш қоидага айланиши лозим эди, афсуски, ҳаётда истиснога айланган.

Одамлар овқатдан бошқа ҳамма нарсани ўз касалликлари ва барвақт қариб қолаётганликларига сабаб қилиб кўрсатишади. Шунинг учун ҳам кўрган барча азобларининг сабаби уларга сирлигича қолаверади. Аслида, овқатни меъёридан кўп ейиш, танани тозалайдиган очликдан фойдаланмаслик, шунингдек, нотирик озуқаларни истеъмол қилганлиги туфайли унинг вужуди жуда ифлосланиб кетганлигини одам билмайди. Буларнинг барчаси биргаликда организмда кўплаб заҳарли моддалар тўпланиб қолишга олиб келадику!

Тўпланган ана шу заҳарларда инсоннинг келажакда бўладиган касалликлари яширинган бўлади. Табиат ана шу заҳарларни сўриб чиқаришни хоҳласа, касаллик деб ва енгил соғайишнинг ҳамма йўлини ахтаради. У эсдан чиқарадиган биргина нарса бу очликдир.

қонимизда ишқорли таъсир бўлиши кераклигини кашф этиш учун жуда кўп йиллар меҳнат қилишимга тўғри келди. Кўпчиликда эса зардобли реакция тарзида кечади. Ҳуснбузардан тортиб тумовгача ва бош оғриқдан то ошқозон иллатигача бўлган ҳасталикларнинг барчаси ишқорли таъсир ўрнига кислотали таъсирнинг кучайиши, яъни ацидоз туфайли содир бўлади. Ацидозни, ўз навбатида, аутоинтоксикация келтириб чиқаради. қоннинг шунчалар ифлосланганлик шароитида касаллик тарқатувчи микроблардан қандай сақланмоқ мумкин? Биз ўз эътиборсизлигимиз билан микробларга қонимизда худди ўз уйидагидек яшаш муҳити, бизларни ичдан емиришга қулай шароитлар яратиб берамиз.

Ўз вақтида менда ҳам бўлганидек, билмаслик туфайли савол туғилиши табиий: «бу зардобни қандай йўқ қилиш мумкин? қонимизни қандай тозалашимиз керак? Жавоб шундай бўлади: «қонимизни ишқорли компонентлар билан бойитиш ҳисобига амалга ошириш мумкин». Аутоинтоксикациянинг биринчи белгилари кўрингандаёқ уч-тўрт кунлик очланиш ва зардобли реакция берадиган таомлардан тийилган ҳолда, ишқорли реакция берадиган

озуқалар истеъмолига ўтиш лозим бўлади. «қайси озуқалар ишқорли реакция беради?», деб сўрайсиз. Асосан янги узилган мева ва сабзавотлар, кўкатлар қўшилган салатлар бу талабларга жавоб бўлади.

Оч юриш бу- чуқур ички тозаланиш, ҳаётий қувватнинг тикланиши учун физиологик  
хордик.(Поль Брегг)

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1-топшириқ

1. Боғловчи воситаларни сиз қандай ном билан умумлаштирган бўлардингиз?
2. қўшма гап қисмларида гап бўлақларининг такрорланиши нимани англатади?
3. Лексик-грамматик воситалар деганда нималар назарда тутилади?

2-топшириқ

1. Алоҳида олинган содда гап қўшма гапнинг таркибий қисми бўлган содда гапдан нимаси билан фарқланади?
2. Сифатдош, равишдош оборотли ва предикатив моделдаги аниқловчили гапга учта мисол келтиринг ва уларни тузилишига кўра таҳлил қилинг
3. Лексик-грамматик воситаларни изоҳланг.
4. қўшма гап қисмларини боғловчи синтактик воситаларга, сизнингча, нималар киради?

### ***Тавсия қилинадиган асосий адабиётлар***

1. И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.
2. У. Турсунов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1992.
3. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. «Ўқитувчи». Тошкент, 1995 й.
4. Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2- қисм, Тошкент, 1980.
5. А./уломов. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т. 1987.
6. /Абдурахмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси.Т.1999.
7. Р.Сайфуллаева. Ҳозирги ўзбек тилида уюшувчи ва уюштирувчи элементлар. Тошкент, Университет, 1990.
8. Д.Ашурова, Ф.Убайова, Ҳ.Болтобоева. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлақлари. Тошкент, 1962.

### ***қўшимча адабиётлар:***

1. Ўзбек тили грамматикаси. II том, «Фан». Тошкент, 1976 й.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том, Москва, 1981 й.
3. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1985 й.
4. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1974 й.
5. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўзбекистон», Тошкент, 1992 й.
6. А. Нурманов, Р. Расулов. Ўзбек тили жадваллари.Т.,1993.
7. Неъматов Х-, Сайфуллаева Р., К,урбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. - Тошкент: Университет, 1999. -556 б.

### ***2-мавзу: қўшма гапларнинг турлари.Боғланган(тенг таркибли) қўшма гап.***

#### ***Ажратилган вақт : 2 соат***

#### ***Мавзу бўйича асосий саволлар***

1. қўшма гапларни турларга ажратиш мезонлари ва қўшма гап турлари.
2. Боғланган қўшма гап ҳақида тушунча.
3. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.
4. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.
5. Айирув боғловчили боғланган қўшма гап.
6. На инкор боғловчили боғланган қўшма гап.

#### ***Таянч тушунча ва атамалар.***

Тузилиш, материал белги, мазмуний белги, қисмларнинг ўзаро муносабати, синтактик мавке, боғловчилар, боғловчисизлик, интонацион боғланиш, боғланган, эргашган, боғловчисиз қўшма гаплар, тенг алоқа, аралаш алоқа.

### **Мавзуга оид муаммолар**

1. қўшма гаплар турли нуқтаи назардан тасниф қилинади. Уларнинг қайси бирини мақсадга мувофиқ тасниф деб биласиз? Сабабини тушунтиринг.

2. қўшма гапларнинг мавжуд таснифларида ҳар хилликлар ва ички номуносабатлик-нормувофиқликлар бор. Бунинг сабаблари нимада? Фикрингизни далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилинг.

*1-масала.* қўшма гапларни турларга ажратиш, қўшма гапларнинг турлари.

**Дарснинг мақсади:** талабаларда тил ҳодисаларини маълум мезон, нуқтаи назар билан баҳолаш, қўшма гапларни турларга ажратувчи мезонлар, бу борадаги камчилик ва ютуқлар, қўшма гапларнинг турлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. қўшма гаплар қайси жиҳатларига кўра тавсифланишини айтиб беради.

1.2. қўшма гап турлари ва уларнинг мезонларини айтиб беради.

1.3. Асосий ва иккинчи даражали мезонларни изоҳлайди.

1.4. Муайян мезон, асосга кўра тавсифланган қўшма гапларни топиб беради.

1.5. Синтактик алоқа мезони қўшма гапларни турларга ажратишда асосий мезон эканлигини асослайди.

1.6. Мақсадга мувофиқ ёки номувофиқ таснифларни илмий асослайди.

1 - масала баёни:

Ҳар қандай синтактик қурилма сингари қўшма гап ҳам шаклий тузилиш, материал белги ва мазмуний -маъновий муносабат белгисига эга. Биринчи ҳолда қўшма гапнинг ҳажмига, қўшма, мураккаблигига, уни ташкил этган қисмларнинг миқдорида эътибор берилса, иккинчи ҳолда қисмларнинг синтактик мавқеи, мазмуний муносабати, боғланиши асосий рол ўйнайди. қўшма гапларни тасниф қилишда у ёки бу турга ажратишда уларнинг ана шу белги хусусиятлари асос, мезон бўлиб хизмат қилади.

### **Жадвал 30 қўшма гап қисмларининг миқдорида кўра турлари**

| Оддий қўшма гап                                                    | Мураккаб қўшма гап                                                                                                                                                                                                                                                                            |
|--------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Боғланган қўшма гап<br>Эргашган қўшма гап<br>Боғловчисиз қўшма гап | Қўшма период. (Бир типли қўшма гаплардан ҳосил бўлади.)<br>А) боғланиш йўли билан;<br>Б) эргашиш йўли билан;<br>В) боғловчисиз<br>Мураккаб период. (Турли тип (ёки аралаш) қўшма гаплардан ҳосил бўлади).<br>А) бир бутунликдан;<br>Б) икки бутунликдан;<br>В) уч ва ундан ортиқ бутунликдан. |

Шу жиҳатдан қараганда мавжуд дарсликларда қўшма гаплар қуйидаги турларга ажратилганлигини кўриш мумкин,:

1. Икки компонентли қўшма гаплар.

2. Кўп компонентли қўшма гаплар.

3. Мураккаб қўшма гаплар.

4. Боғловчили қўшма гаплар.

5. Боғловчисиз қўшма гаплар.

6. Боғланган қўшма гаплар.

7. Эргаш гапли қўшма гаплар.

8. Боғловчисиз қўшма гаплар.

1-2-3-тур қўшма гапларнинг тузилиши, материал белгисига кўра таснифидир. 4-5-турда қўшма гап қисмларини боғлашда боғловчиларнинг иштироки ёки иштирок этмаслигига асосланган. 6-7-8-турда эса компонентларнинг маълум мазмун муносабатлари, боғланиши,

грамматик белгилари, тузилиши ва оҳанги ҳисобга олинган. Демак, қўшма гаплар уч нуқтаи назардан, уч хил мезон асосида тасниф қилинган.

1. Тузилишига кўра.

2. Компонентларнинг боғланиш усулига кўра.

3. Компонентларнинг мазмун - муносабатига кўра.

Бироқ ушбу белгилар асосида тасниф қилишда ҳамма вақт изчилликка эътибор берилган деб бўлмайди. Жумладан, дарсликларда икки компонентли, кўп компонентли қўшма гаплар қайд этилган бўлса-да, бу ҳолат қўшма гапларнинг тузилишига кўра турлари тарзида берилмаган. Ваҳоланки, қўшма гап содда гап сингари мустақил синтактик бутунлик ва бу ҳамма томондан тан олинган экан, қўшма гапларнинг тузилишига кўра турлари алоҳида рубрика остида берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тўғри, таснифни икки компонентли ва кўп компонентли деб бериш, албатта, шарт эмасдир. Бироқ қўшма гаплар тузилишига кўра турларга ажратилиб берилиши ва бу алоҳида масала сифатида талқин этилиши мантиқан зарур. Шундай йўл тутилмаганлиги сабабли дарсликларда фақат мураккаб қўшма гаплар ҳақида фикр юритилгани ҳолда, унга муқобил бўлган оддий 9ёки сода) қўшма гаплар ҳақида лом-мим дейилмаган. Бу борадаги изчиллик таъминладиган бўлса, қўшма гапларни тузилишига кўра содда ва мураккаб қўшма гаплар тарзида иккига бўлиши ҳам мумкин. Ўзбек тилшунослигида кенг тарқалган тасниф боғланган қўшма гап; эргашган (эргаш гапли) қўшма гап; боғловчисиз қўшма гап) ҳам тил бирликларини таснифлаш талабига тўла жавоб беради, деб бўлмайди: аввало, бу тасниф тадқиқотчиларнинг ўзлари айтганидек, икки компонентли, яъни содда қўшма гаплар асосида амалга оширилган. Бинобарин, у қўшма гапларнинг тўлақонли умумий таснифи бўла олмайди. Чунки бу ерда хусусан, аралаш алоқали қўшма гаплар тасниф доирасига кирмай қолган. Иккинчидан, мазкур тасниф ҳар уч турга тааллуқли мезон, меъёрга эга эмас. Боғланган қўшма гапда компонентларнинг боғловчилар билан боғланганлиги (аслида бу ҳам номланишда акс этмаган, боғланганлик боғловчиларни назарда тутмайди) асосга олинган бўлса, эргашган қўшма гапда компонентларнинг ўзаро мазмун муносабати ҳисобга олинган, учинчи ҳолда боғловчиларнинг иштирок этиши ёки этмаслиги асос бўлиб хизмат қилган. 1- ва 3- мезон шартли равишда бирлаштирилган тақдирда ҳам тасниф икки хил мезон асосида амалга оширилганлиги аён бўлади. Ваҳоланки, тасниф мезони тасниф доирасидаги барча типларга алоқадор бўлиши, барча типлар ана шу мезон ёки мезонлар орқали баҳоланиши керак.

Шу жиҳатдан қараганда, қўшма гапларни боғловчили ва боғловчисиз турларга ажратган тасниф бирмунча муваффақиятлироқ дейиш мумкин. Чунки бу мезон тавсифларнинг бир талабига-умумийлик, барчага тааллуқлилик хусусиятига жавоб беради. Бироқ мезон шу билан бирга, предмет-ҳодисалардаги муҳим, асосий, турлик белгисини мужассам эта олиши лозим. Мазкур мезон, бизнингча, ана шу жиҳатдан бир оз талабга жавоб бермайди. Чунки бир қатор қўшма гаплар боғловчили ва боғловчисизлик мезонига кўра алоҳида турни ташкил этмайди. Бу хусусият уларни икки туркумга ажратиш учун етарли бўлмайди. қолаверса, боғловчи тор маънода тенг ва эргаштирувчи боғловчиларни назарда тутати. Ваҳоланки, боғловчи воситалар бундан кўпдир. Демак, мезонни ўзгартириш ёки улардан бирини асосий қилиб олиш керак. Бундай мезонлик вазифасини қўшма гапнинг қайси хусусияти бажара олади? Олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қўшма гап компонентларининг ўзаро синтактик муносабати ёки синтактик алоқаси ана шундай мезон бўлиб хизмат қила олади. Синтактик алоқа синтактик муносабатга қараганда кенгрок ифодаланиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли компонентларнинг синтактик алоқаси асосий мезон қилиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Гап шундаки, қўшма гапларнинг айрим турларида синтактик муносабат, синтактик алоқа ҳақида гапириш қийин. (масалан сўз-гап, бир сўзли атов, инфинитив гапларда) бироқ қўшма гапларнинг бирон тури синтактик алоқадан четда эмас, чунки улар айни шу синтактик муносабат-алоқа туфайли юзага келган ҳодисалардир.

Шу мезонга кўра қўшма гапларни уч турга бўлиш мумкин:

1. Тенг алоқали қўшма гаплар.

2. Тобе алоқали қўшма гаплар.

3. Аралаш алоқали қўшма гаплар.

Кейинги йилларда ўртага ташланаётган ва мустақкам илмий асосларга эга тасниф, бизнингча, мана шудир. Бироқ бу тасниф ҳали дарсликлардан ўрин олмаган, шу сабабли биз анъанавий тасниф асосида иш кўраимиз. Яъни кўшма гапларни боғланган, эргаш гапли ва боғловчисиз кўшма гаплар тарзида ўрганаимиз.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 1.1.1. кўшма гаплар қайси жиҳатларига кўра турларга ажратилади?
- 1.1.2. кўшма гаплар тузилишига кўра неча турга бўлинади?
- 1.2.1. Боғловчили ва боғловчисиз кўшма гаплар нимасига кўра шундай тасниф қилинган?
- 1.2.2. Таснифий мезон, асос, нуқтаи назар қандай бўлиши керак?
- 1.2.3. Нима учун боғловчиларнинг иштироки ёки иштирок этмаслиги асосий мезон бўла олмайди?
- 1.2.4. Мавжуд таснифларнинг камчиликларини кўрсатиб беринг.

### **2 - масала. Боғланган кўшма гап.**

*Дарсинг мақсади:* талабаларда боғланган кўшма гапнинг семантик -синтактик хусусиятлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

*Идентив ўқув мақсадлари:*

- 2.1. кўшма гапнинг турлари ва уларнинг умумий хусусиятларини айтиб беради.
- 2.2. Боғланган кўшма гапнинг таърифини айтиб беради.
- 2.3. Боғланган кўшма гап семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 2.4. Боғланган кўшма гапни топиб беради.
- 2.5. Боғланган кўшма гапни таҳлил қилади.
- 2.6. Боғланган кўшма гап атамасига баҳо беради.

### *2 - масала баёни:*

кўшма гап қисмларининг ўзаро мазмун-муносабати, структураси ва бирикиш йўллари хилма хилдир. Шуларни ҳисобга олганда, кўшма гаплар уч турга бўлинади.

1. Боғланган кўшма гап
2. Эргаш гапли кўшма гап.
3. Боғловчисиз кўшма гап.

Боғланган кўшма гаплар бириктирув, айирув, зидлов ва чоғиштириш муносабатини ифодаловчи синтактик компонентларнинг бирикишидан ташкил топади. Боғланган кўшма гапнинг қисмлари тенгланиш йўли билан боғланган бўлади. Уларнинг ҳар бири грамматик жиҳатдан мустақил кўшма гап каби шаклланган бўлади.

Эргаш гапли кўшма гапнинг қисмлари тобеланиш (эргашиш) йўли билан бириккан бўлади. Шунинг учун ҳам бу турдаги кўшма гап компонентларининг бир-бирига боғлиқлиги бирининг иккинчисига алоқадорлиги, боғланган кўшма гапга нисбатан кучли бўлади. Ҳатто шундай эргаш гапли кўшма гаплар борки, уларни ташкил қилган содда гаплардан бирининг мазмунини иккинчиси англаш қийин бўлади: Кўз қаерда бўлса, меҳр ўша ерда бўлади.

Боғловчисиз кўшма гап компонентлари ўзаро интонация (оҳанг ёрдамида) бирикади. Бу турдаги кўшма гапларнинг бир типда компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги боғланган кўшма гапдаги сингари кучсиз бўлади, бошқа типда эса компонентлар ўзаро зич алоқадор, бири иккинчисининг бўлишини тақозо қиладиган даражада бўлади. қиёсланг: Ниҳоят, Павел ўрнидан турди, ҳамма ёқни жимжитлик босди. кўшнинг тинч-сен тинч.

кўшма гапнинг қисмлари боғловчисиз бирикканда, уларнинг мазмун ва синтактик жиҳатдан қандай эканлиги - боғланган ёки эргаш гапли кўшма гап эканлиги интонация орқали аниқ сезилиб туради.

Хуллас, ўзбек тилида кўшма гаплар мазмун муносабатлари, грамматик белгилари, тузилиш ва интонациясига кўра ана шу уч турга бўлиб ўрганилади. Энди ҳар бир турнинг лексик-грамматик, семантик-синтактик хусусиятларига эътибор бермайлик.

### **Боғланган кўшма гап.**

Икки ёки ундан ортиқ, бири иккинчисига тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли содда гапларнинг тенг боғловчилар ва шу вазифадаги юкламалар ёрдамида бирикувидан юзага келган кўшма гаплар боғланган кўшма гаплар дейилади. Бундай кўшма гап қисмларининг бир-бирига боғлиқлиги

уларнинг тузилишида, кесимларининг маъно ва грамматик муносабатида, умумий гап бўлакларининг мавжудлигида ҳам кўринади.

1. Боғланган қўшма гап компонентлари ўзаро ва, ҳам, ҳамда каби тенг боғловчилар ва шу вазифадаги -у (-ю), -да юкламалари орқали бирикади. Масалан: Шу онда чироқ шарақлаганича ерга тушиб, чилпарчин бўлди. Абайнинг ранги учди-ю, кўзлари оқ шоҳи чўққиларга тикилганича қолди: Пушкин эсига тушди. Баъзи боғланган қўшма гап компонентлари бўлса, эса ёрдамчилари орқали боғланади. Козимбек қилмишидан хижолат, Саида эса ундан бирон оғиз сўз кутар эди.

Боғланган қўшма гап қисмларининг ўзаро алоқаси орқали бошқарув, киёслаш, сабаб-натижа, айирув каби мазмун муносабатлари ифодаланади ва уларни турларга ажратишда ҳам ана шулар ҳисобга олинади.

## Жадвал 40

## Оддий қўшма гап турлари

| Боғланиш йўлларига кўра                              | Мазмун муносабатига кўра                                                                                                                                                   |
|------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Боғланган қўшма гап                                  | Тенг алоқада бўлади. Бириктирувчи, зидлов, айирув, киёслаш ва изоҳлаш, сабаб- натижа, пайт муносабатларини ифодалайди.                                                     |
| Эргаш гапли қўшма гап                                | Бош гапга нисбатан эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, равиш, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, миқдор, шарт, тўсиқсизлик, ўхшатиш, чоғиштириш, натижа муносабатларини ифодалайди. |
| Боғловчисиз (фақат оҳанг орқали боғланган) қўшма гап | Бириктирув, зидлов, пайт, шарт, тўсиқсизлик, натижа, сабаб, ўхшатиш, изоҳлаш муносабатларини ифодалайди                                                                    |

### Муҳокама учун саволлар

2.1.1. Боғланган қўшма гаплар қандай гаплардан ташкил топади?

2.2.1. Боғланган қўшма гап деб нимага айтилади?

2.2.2. Боғланган қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?

2.2.3. Боғланган қўшма гапда қандай воқеа-ҳодисалар ифодаланади?

2.2.4. Боғланган қўшма гаплар қандай турларга бўлинади?

### 3-масала. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.

Дарсининг мақсади: талабаларда бириктирувчи боғловчили қўшма гапларнинг семантик-синтактик хусусиятлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

*Идентив ўқув мақсадлари:*

3.1. Боғланган қўшма гапларнинг ички турларини санайди.

3.2. Бириктирув боғловчили қўшма гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.

3.3. Бириктирув боғловчили қўшма гапларни топиб беради.

3.4. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар қисмлари ўзаро қандай муносабатларни ифодалашини аниқлаб беради.

### 3 - масала баёни.

Бириктирув боғловчили қўшма гапларнинг қисмлари маълум бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа-ҳодиса, ҳаракатларни билдириб келади ва ва, ҳам, ҳамда, бўлса, эса ёрдамчилари, юкламалар ёрдамида боғланади. Масалан: Кампирнинг хаяжонли товуши чор деворлардан оша кетди ва бу хушхабар бир зумда ҳаммага эшитилди.

Бу мисолда қўшма гап қисмлари параллел ҳаракат-ҳолатни ифодалайди. Умумий бир фикрнинг элементлари саналади. Бириктирув муносабатига киришган қўшма гапларнинг қисмлари кўпинча мазмунан ўзаро жипс боғланади. Бирининг мазмуни иккинчисига боғлиқ бўлади. Турли мазмун оттенкалари, эмоционал маънолар ифодаланади.

Бириктирув муносабати ифодаланган қўшма гапларда қандай қўшимча мазмун оттенкаси ифодаланмасин, қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат, ҳолат, хусусият бир пайтда рўй беради.

Шунга кўра бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар икки гурӯҳга бўлинади:

1. Ҳаракат-ҳолат ёки белгиларнинг бир пайтда рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар.

2. Ҳаракат-ҳолат ёки белгиларнинг кетма-кет рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар.

3. Бир пайтда рўй берувчи ҳаракат-ҳолат ёки белги-хусусиятларни ифодалаган қўшма гаплар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади.

1) уларнинг кесимлари аксарият бир хил замон шаклида бўлади: Абайнинг ранги учди-ю, кўзлари оқ шоҳи чўққиларга тикилганича қолди: Пушкин эсига тушди.

2) қўшма гапнинг иккинчи қисмида бир пайтлик маъносини янада бўрттириш учун шу пайт, худди шунда, шу вақтда, бунда каби лексик элементлар қўлланилади: Ҳаракат-ҳолат ёки белгиларнинг кетма-кет рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гапларда одатда биринчи қисмдан англашилган иш-ҳаракат олдин, иккинчи гапдан англашилган иш-ҳаракат эса кейин рўй беради. Шу пайт тўсатдан кўча эшиги шарақлаб очилди-ю, Зунунхужа ҳаллослаганича кириб келди.

### **Муҳокама учун саволлар**

3.1.1. Боғланган қўшма гап ўз ичида қандай типларга бўлинади?

3.1.2. Боғланган қўшма гапнинг бириктирув боғловчили тури.

3.2.1. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар қандай воқеа-ҳодисаларни ифодалайди?

3.2.2. Бириктирув боғловчиларга қайси боғловчи воситалар киради?

3.2.3. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар ўз ичида неча гуруҳга бўлинади?

4-масала: қиёслов муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гап.

**Дарснинг мақсади:** талабаларда зидлов боғловчили қўшма гапларнинг семантик-синтактик хусусиятлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

4.1. Зидлов боғловчили қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.

4.2. Зидлов боғловчили қўшма гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.

4.3. Зидлов боғловчили қўшма гапни аниқлайди.

4.4. Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари ифодаладиган мазмун муносабатларини изоҳлайди.

### **4 - масала баёни**

Маълум воқеа, ҳодиса, белги-хусусиятларни бир-бирига қиёслашдан мақсад улар орасидаги фарқни аниқлаш ёки уларни зид қўйиш, бир-бирига номувофиқ эканини кўрсатишдир.

Шу сингари қиёслаш мазмун муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар ҳам зидлаш, қиёслаш, изоҳлаш каби маъно оттенкаларини руёбга чиқаради.

1. қўшма гап қисмларининг умумий мазмуни ёки гаплар таркибидаги айрим бўлақлар бирор томондан бир-бирига зид қўйилади. қисмлар аммо, лекин, бироқ зидловчи боғловчилари ёки шу вазифадаги -у, -ю юктамалари орқали бирикади. Най ҳам дурустгина чалинди, лекин Рафиқ дарров синдириб ташлади. қуёш чиқиб турибди-ю, ҳаво совуқ.

Зидлаш муносабати «ва», «лекин» боғловчиларини бирга «ва лекин» тарзида ишлатиш билан ҳам ифодаланади: Ҳамон чопиб боради ва лекин кўкраги қон.

2. қиёслаш орқали воқеа-ҳодиса, предмет ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги фарқлар очилади. қиёслаш муносабати асосан бўлса, эса ёрдамчилар, зидловчи боғловчилар ёрдамида ифодаланади. Бу хил қўшма гап қисмларининг структурасида маълум параллелизм бўлади. Хонзода сен шу ишни бажар, бойдан қутуласан, мен бўлсам ўз мақсадимга етаман.

3. Боғланган қўшма гап зидлаш муносабатини ифодалайди. Бунда қисмларнинг тартибидаги айрим бўлақларнинг маъноси ёки биринчи қисмининг умумий мазмуни изоҳланиши мумкин. Изоҳловчи гап иккинчи ўринда келиб, биринчи гапнинг ҳар бир бўлағи изоҳланиши мумкин.

- 1) эга изоҳланади: Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам илгарироқ инсоф керак.
- 2) кесим изоҳланади: Сидиқжоннинг юраги бир оз ғаш бўлди, лекин бу ғашликнинг сабабини ўзи ҳам билмас эди.
- 3) иккинчи даражали бўлак изоҳланади. Тўғри ташкилотчиликнинг аҳамияти катта, лекин ташкил қилинган одам ташкилотчининг соясида қолиб кетмаслиги керак.

#### **Мухокама учун саволлар**

- 4.1.1. Зидлов боғловчили қўшма гапнинг таърифи.
- 4.2.1. Зидлов боғловчили қўшма гап асосан қандай воқеаларни ифодалайди?
- 4.2.2. Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
- 4.3.1. Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?

#### **5- масала: Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар**

**Дарснинг мақсади:** талабаларда айирув боғловчили қўшма гапларнинг семантик-синтактик хусусиятлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Айирув боғловчили қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.
- 5.1. Айирув боғловчили қўшма гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 5.3. Айирув боғловчили қўшма гапни топиб беради.
- 5.4. Айирув боғловчили қўшма гаплар қисмлари ифодалайдиган мазмун муносабатини изоҳлайди.
- 5.5. Айирув боғловчили гапга баҳо беради.

#### *5 - масала баёни:*

Айирув муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар кетма-кет юзага келадиган ёки бир-бири билан алмашиб турадиган, навбатма-навбат юзага келадиган бирдан ортиқ воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатни ифодалайди. Бундай қўшма гап компонентлари гоҳ..., гоҳ..., баъзан..., баъзан; дам..., дам..., ё...,ё..., хоҳ..., хоҳ; бир..., бир... каби айирув боғловчилари орқали боғланади. Бу боғловчилар қўшма гапдаги компонентларни айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади. Бу боғловчилар деярли ҳар бир предикатив қисмнинг бошида такрорланиб келади. Гоҳ осмонни тутиб ашула янграр, гоҳ аллақерда гармон товуши эшитилиб турар эди.

Айирув боғловчили қўшма гап компонентлари мазмунан турли хусусиятга эга: гоҳ, дам, бир каби боғловчилар бирдан ортиқ воқеанинг кетма-кет юзага келишини кўрсатса, ё, хоҳ боғловчилари ўша воқеалардан бирининггина юзага келишини кўрсатади: Бир тачанка тарақлаб қолар, бир ҳўкизнинг бўйинтуруғи қимирлаб қолар эди. Ё мен борай, ё сиз келинг.

#### **Мухокама учун саволлар**

- 5.1.1. Айирув боғловчили қўшма гап таърифи.
- 5.2.1. Айирув боғловчили қўшма гаплар қандай характердаги воқеа-ҳодисаларни ифодалайди?
- 5.2.2. Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
- 5.2.3. Гоҳ, дам, бир боғловчилари билан боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?
- 5.2.4. Ё, хоҳ боғловчилари орқали боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?

#### **6 - масала На инкор юклама - боғловчили боғланган қўшма гап.**

**Дарснинг мақсади:** талабаларда инкор на юклама- боғловчили қўшма гапларнинг семантик-синтактик хусусиятлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари:*

- 6.1. На инкор боғловчи- юкламали боғланган қўшма гапларнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 6.2. На боғловчи - юкламали қўшма гап билан қўшма гапнинг фарқларини тушунтириб беради.
- 6.3. На инкор боғловчи- юкламали қўшма гап тузади.
- 6.4. Инкор мазмунини ифодаловчи воситалар тўғрисида фикр юритади.

#### *6 - масала баёни:*

Боғланган қўшма гапларнинг яна бир тури қўшма гапларнинг на инкор боғловчи - юкламаси ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан: На кўзимга уйқу келади, на мияга яхши бир фикр.



На инкор боғловчи - юкламаси воситасида бириккан предикатив қисмлар икки ва ундан ортиқ бўлиб, инкор маъносини санаб кўрсатади. На бир уйнинг мўрисидан тутун чиқади, на бирор дарахт кўринади.

На инкор боғловчи - юкламаси ҳам такрорланиб ишлатилади ва инкор маъносидаги қўшма гапларни боғлайди.

Инкор боғловчи - юкламаси на ёрдамчи вазифасида келганда, боғловчидан кўра юкламага яқин туради. Бу ёрдамчи инкор маъносини кучайтиради (ўқимади, ёзмади - на ўқимади, на ёзмади) ёки гапга инкор оттенкасини қўшади. Акамдан хат келди - на акамдан хат келди, на сендан хабар. Умуман на инкор боғловчи юкламаси иштирок этган гапларнинг мазмунидан ҳамма вақт бўлишсизлик маъноси англашилиб туради: На ўқимайди, на ёзмайди - на ўқийди, на ёзади. Унинг боғловчи - юклама дейилиши ҳам шундан.

На инкор боғловчи юкламаси қўшма гапда ҳам уюшиқ бўлакли қўшма гапда ҳам (на таааллуқли бўлақлар қўшма гапда, албатта, уюшиб келади) такрорланиб ишлатилади. На кўча бор, на мустахкам уй-жой кўринади.

### **Муҳокама учун саволлар**

6.1.1. На инкор боғловчи- юкламаси қандай маънодаги қўшма гапларни ҳосил қилади?

6.1.2. На инкор боғловчи - юкламаси қўшма гапларда қандай қўлланади?

6.1.3. На инкор боғловчи - юкламаси қўшма гапларнинг кесимида қандай ўзига хос ҳолат кўзга ташланади?

6.2.1. На инкор боғловчи - юкламасининг содда ва қўшма гапларда қўлланишида қандай фарқлар бор?

### ***Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар***

1. Боғланган қўшма гап атамасининг объектга мослиги.

2. Боғланган қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гап муносабати.

3. Боғланган қўшма гап ва боғловчисиз қўшма гап муносабати.

### **2- мавзу бўйича амалий машғулот**

#### **Ажратилган вақт – 2 соат**

**Дарснинг мақсади:** талабаларнинг боғланган қўшма гап, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги билимларини мустахкамлаш, уларда ҳар қандай матндан боғланган қўшма гапларни ажрата олиш ва мустақил шундай гаплар тузиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### ***Идентив ўқув мақсадлари***

1. Берилган матндан боғланган қўшма гапларни топади.

2. Топган қўшма гапларини таркибига кўра таҳлил қилади.

3. Уларни тузилишига ва материалига кўра турларга ажратади.

4. Топган қўшма гаплар компонентларининг боғланиш усуллари ва воситаларини таҳлил қилади.

### ***Ишнинг бажарилиш тартиби***

1. Берилган матндаги қўшма гаплар топилиб, алоҳида ёзилади.

2. Топилган қўшма гапларни ҳосил қилган содда гаплар белгиланади.

3. қўшма гаплар компонентлари ўзаро қандай боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.

4. Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.

5. Топилган қўшма ганинг тури аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.

**41-машқ.** Одамнинг кимлигини либоси ва салласидан эмас, тилидан билинг! (Ат-Термизий). Юракнинг кучидан қўл куч олади, кимда юрак кучи, қўл ҳам кучлидир. (Абулбарокот қодирий). Луқмони Ҳаким ўз ўғлига деди: -эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди! («Жовидони Ҳирад»). Ер юзида шундай яшашга уринки, топган пулинг фақат тўғрилиқ орқали келган бўлсин! (Абдибек Шерозий). Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга

сарфланган бойликдан кўра яхшироқ бойлик йўқ! (Оталар сўзи). Мана менман у исённинг ўлмас авлоди... Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!! (У.Носир).

Ойим сахар пайти бомдод номозини ўқишга туради. Мени уйғотиб юбормаслиги учун пас товушда куръон тиловат қилади. Тиловатдан сўнг мени узоқ дуо қилади. Ястикдан бош кўтариб кулоқ соламан. «Э худойим, шу мусофиргинани ўзинг қўлла! Шу фариштагинага тикилганларни юзини тескари қил! Бола бечора келин бўлиб нима ҳаловат кўрди... Келин бўлиб яйраб-яшнамади. Борса келмасда бандизиндон бўлиб юрган боламнинг мушкулени осон қил! қаҳри қаттиқ Истаиннинг кўнглига инсоф солгин! Келин бўлиб рўшнолик кўрмаган, ўйнаб-куладиган, яйраб-яшнайдиган пайтида азобларда ўртанган шу бегуноҳ келингинамнинг йўлларида ғовларини олиб ташла! Рўшнолик кўрсин шу болагинам...»(Саида Зуннунова).

**42-машқ.** Ўқинг. Матндаги дарак гапларни модалликка кўра таҳлил қилиб, икки гуруҳга ажратиб ёзинг. Ҳар бир гапнинг кесимларини морфологик таҳлил қилинг.

Ойбек хотиндан ёлчиган одам эди. Зарифахонимдек фидоий аёлни китобларда ҳам учратмаганман. У бутун умрини Ойбекка бағишлади. У Ойбек деб яшади.

Ойбек умрининг охириги йилларида гапиролмай қолди. Бармоқлари қалам тутолмасди. Бўлғуси асарларни бировга айтиб ёздиришнинг ҳам иложи йўқ. Ўзим ёзай, деса бармоқлари қалам тутишга ярамайди.

Эр-хотин бир-бирларига шунчалик ўрганиб кетишган эдики, бир имо билан Ойбекнинг нима демоқчилигини Зарифахоним билиб оларди. (С.Аҳмад)

**43-машқ.** Андижондаги ҳовлимиз эсимга келади. Бувим худди шунақа маҳал ариқ бўйида пиёла ювади. Бармоғидаги узуги пиёлага текканда чиқ-чиқ этиб овоз чиқазарди. Кейин чой дамлаб сочиққа ўраб қўяди. Бошимга келиб : «Тур, тура қол, Саида», деб бошимни силайди, шу топда бувим ҳам чой дамлаб, сингилларимни уйғотаяпти. қандоқ беозор, беармон, кунлар эди Андижондаги кунларим! Мени Тошкентга нима боғлаб турибди? Шу меҳрибон, шу покиза кампир билан тақдиримиз бирлашиб кетганиданми? Унга беҳад меҳр қўйганимданми? Айрилиқ доғида ўртанган шу мусичадек беозор хотинни ташлаб кетиш менга худди хиёнатдек бўлиб туюлишиданми? Шу мунгул, кичкинагина жуссасида тоғдек юкни инграмай, фарёд урмай кўтариб юрган жаннати хотинни ташлаб кетиш мумкинми? Биз ойим билан иккимиз битта вужуд бўлиб кетганимиз ахир! Отилган тошлар икковимизга баробар тегади. (С.Зуннунова).

### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

#### **1-топшириқ**

1.қўшма гапга оид қайси таснифни мақсадга мувофиқ деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосланг.

2.Боғланган ва эргашган қўшма гаплар атамаларига қандай қарайсиз?

3.Таснифий мезон , асос, нуқтаи назар қандай бўлиши керак?

#### **2-топшириқ**

1.Нима учун боғловчиларнинг иштироки ёки иштирок этмаслиги асосий мезон бўла олмайди?

2.Мавжуд таснифларнинг камчиликларини кўрсатиб беринг.

#### **3-топшириқ**

1.Компонентларнинг синтактик алоқасига кўра тасниф қўшма гапларни турларга ажратишда нима учун асосий рол уйнайди?

2..Компонентларнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра қўшма гаплар нима учун уч турга бўлинади?

### **АДАБИЁТЛАР.**

1.А. /уломов, М.Аскарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Университетлар ва педагогика институтларинг филология факультетлари учун дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» 1987.

2. Г. Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси «Синтаксис» Олий ўқув юртлири учун дарслик . Тошкент. «Ўқитувчи» 1996.
3. Н. Маҳмудов, А. Нурмонов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис) Тошкент . «Ўқитувчи» 1995.
4. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент «Фан» 1976.

### **3- МАВЗУ: ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР.**

*Ажратилган вақт : 4 соат*

*Мавзу бўйича асосий саволлар:*

1. Эргаш гапли қўшма гап, эргаш ва бош гап ҳақида умумий тушунча.
2. Эргаш гапли бош гапга боғловчи воситалар.
3. Бош гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар.
4. Шартланганлик муносабатларини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар.
5. Ўрин, пайт, равиш, ўлчов – даража, чоғиштириш – ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар.

*Таянч тушунча ва атамалар.*

Эргаш гап, бош гап, эргаштирувчи боғловчилар, эргашини формалари, гап бўлаклари ва эргаш гаплар, ҳавола бўлакли бош гаплар, шартланганлик муносабатини ифодаловчи эргаш гаплар, ҳол уринли эргаш гаплар.

*Мавзуга оид муаммолар*

1. Айтайлик, ташқарида қор ёғпти. Мана шу воқеа-ҳодиса асосида ҳам тенг алоқали, ҳам тобе алоқали гап тузиш мумкин. Сиз ҳам шундай гап тузинг ва нима сабабдан бу ҳодиса тўғрисида икки хил гап тузиш мумкинлигини тушунтиринг.
2. Эргаш гапли қўшма гап, боғланган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гаплар ўзаро синонимик муносабатларга эга. қандай пайтда шундай ҳолат юз беради? Фикрингизни далиллар асосида исботланг.
3. Ҳозиргача эргаш гапларнинг 14 тури аниқланган. Бу турларга ном қўйишда гап бўлакларининг номидан фойдаланилган. Аниқловчи, тўлдирувчи, эга, кесим эргаш гаплар бунинг исботидир. Нима сабабдан шундай йўл тўтилган? қолган эргаш гапларни ҳол эргаш гаплар десак тўғри бўладими?

**1-масала:** Эргаш гапли қўшма гап, эргаш ва бош гап ҳақида тушунча.

**Дарсинг мақсади :** Эргаш гапли қўшма гап ва унинг компонентлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

- 1.1. Эргаш гапли қўшма гап ва унинг қисмлари таърифини айтиб беради.
- 1.2. Бош ва эргаш гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини тушунтиради.
- 1.3. Бош ва эргаш гапларни топиб беради.
- 1.4. Бош гапнинг ҳокимлик мавқеини асослайди.

1-масала баёни.

Эргашган қўшма гап ҳам боғланган қўшма гап сингари камида иккита содда гап. предикатив марказдан ташкил топади. Бироқ боғланган қўшма гап компонентлари ўзаро тенг боғловчилар, шундай вазифадаги воситалар орқали тенг боғланса, эргашган қўшма гап компонентлари ўзаро эргаштирувчи боғловчилар (кенг маънода) орқали боғланади ва тобе алоқада бўлади. Бу ҳолда қўшма гап компонентлари ўзаро боғланган қўшма гапга нисбатан зич муносабатда боғланган бўлади.

-Бири ҳоким, бири тобе бўлган гапларнинг ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ва шу вазифадаги бошқа грамматик воситалар орқали Боғланиши асосида юзага келган синтактик конструкция эргашган қўшма гап дейилади.

Ҳоким ҳолатидаги гап бош гап, тобе ҳолатдаги гап эса эргаш гап деб юритилади. Бош гап ҳоким бўлса-да, маъноси ноаниқ, номаълум бўлади, изоҳлашни, аниқлашни, тулдиришни талаб қилади. Эргаш гап бош гапга боғланиб, унинг бирор бўлагини ёки бутун бир гапли

изоҳлайди.Бу хусусияти билан эргаш гап қўшма гапдаги гап бўлакларига ўхшайди.: Эшитдимки, қаҳрамон ном олибсан. гапдаги эргаш гап– бош гапдаги Ҳаракат объектини изоҳлайди.

Эргаш гапларнинг ҳаммаси мустакил содда гапларга хос асосий бир шартга –маълум мазмун муносабатини ифодалаш, пауза билан ажралиш хусусиятларига эгадир.

Тилимизда шундай гаплар ҳам учрайдики, уларда баъзи гап бўлаклари эга-кесим муносабатидаги бирикмалар билан ифодаланади.Айрим олимлар бундай бирикмаларни эргаш гап, улар иштирокидаги гапларни эса эргаш гапли қўшма гап ҳисоблашади.М: Сочу-у ўзун қиз келди.Ўзбек тилидаги бундай синтактик бирикларнинг табиати уларнинг эргаш гап эмаслигини кўрсатади.Булар қуйидагилардан иборат:

Бундай синтактик қурилманинг кесими вазифасида кўпинча сифат, сифатдош,бор,йўқ каби сўзлар, кўп,оз каби равишлар, семантик жиҳатдан кўпроқ сифатга яқинлашган отлар келади. М:Меҳнати тақдирланган аёллар тўпланишди.

2.Бундай синтактик қурилма гапдаги бирор бўлакка бевосита боғланади.Шунга кўра гап бўлаги вазифасида келади,гап бўлаги сўроғига жавоб бўлади. Бахти кулган болалар байрами нишонланди.

3.Бундай синтактик қурилма гап бўлаги вазифасида келгани сабабли унда эргаш гапга хос интонация бўлмайди:бундай бўлак гапнинг бошқа қисмларидан ҳеч қандай пауза билан ажралиб турмайди.

### **Муҳокама учун саволлар**

1.1.1.Эргаш гапли қўшма гап деб нимага айтилади?

1.1.2.қандай гап бош гап дейилади?

1.2.1. Бош гап мазмунан қандай белги-хусусиятга эга бўлади?

1.2.2.Бош гапнинг грамматик белги- хусусиятлари.

1.1.3. Эргаш гапнинг таърифи.

1.2.3.Эргаш гапнинг вазифаси нималардан иборат?

1.2.4.Эргаш гап қандай грамматик белги-хусусиятларга эга?

**2-Масала: Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар**

*Дарсинг мақсади:* Талабаларда эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари**

2.1.Эргаш гап бош гапга қандай воситалар билан боғланишини айтиб беради.

2.2 Ҳар бир турдаги боғловчи воситаларни изоҳлайди.

2.3 Боғловчи воситаларни аниқлайди.

2.4 Боғловчи воситаларни турларга ажратади.

2.5.Боғловчи воситаларга фаоллик нуқтаи назаридан баҳо беради.

### **2-масала баёни**

Ўзбек тилида эргаш гапни бош гапга бириктиришда эргаштирувчи боғловчилар,феъл формалари,юкламалар, кўмакчилар,боғловчи сўзлар,нисбий сўзлар, келишиқ қўшимчалари,- дай (дек) аффикслари,интонация ва тартиб каби воситалар хизмат қилади.

Эргаштирувчи боғловчилар эргаш гаплардаги вазифаси жиҳатидан маълум хусусиятларга эга.Шунга кўра эргаштирувчи боғловчиларни уч турга бўлиш мумкин.

1.Соф боғловчилар. Булар тамомила Боғловчига айланган, факат бош ва эргаш гапларни бир- бирига боғлайдиган сўз ва формалардир.Бундай ёрдамчиларга –ки, чунки, негаки, сабабки кабилар киради.

2.Боғловчи- юкламалар. Айрим ёрдамчилар ўз табиатига кўра юкламаларга ўхшаб кетади.Агар, бордию, башарти, мабодо, гуё, токи, гарчи сўзлари шундай боғловчилардир.Шунинг учун улар боғловчи –юкламалар дейилади.

3.Боғловчи сўзлар. Айрим ёрдамчилар эргаш гапни бош гапга боғлашда ўз асил маъноларини маълум даражада сақлайди. Шунинг учун улар боғловчи сўзлар деб юритилади. Буларга шунинг учун , деб, шу сабабли, дегунча, деса каби сўзлар киради.

4. Феълнинг вазифадош шакллари кучун, билан каби кўмакчилар еки келишик қўшимчалари. Бунда сифатдош деярли ҳамма вақт эргаш гапнинг эгасига мослашган ҳолда эгалик аффиксини олиб келади: Эргаш бизникига тез-тез келиб тўргани учун, онам ҳам мени уларникига бориб туришга мажбур қилади.

Сифатдош қ чиқиш ёки ўрин-пайт келишиги қўшимчаси билан: Жаҳл келганда, ақл қочади. Келишик қўшимчалари қ пайт равиши билан : Рухсат берилгандан кейин, биз ҳам кетдик.

- ган,-р-ар қўшимчали сифатдош ва экан, эди тўлиқсиз феъли билан: Анварга ишлашни таклиф қилган эдим, рози бўлди; Йўлда ўйланиб кетиб борар экан, хаёлига Ҳайдар келди.

Равишдошнинг -б, - иб, - гунча, гач,май (бўлишсиз) қўшимчали шакллари билан: Тумшуклари тилиниб, балиқ чиқди илиниб. Отаси ўша кун ҳам келмагач, уларни ваҳима босди. Кўп вақт сув ташийдиган одам топилмай, сувсиз ўтирамиз.

Харакат номи ва кўмакчилар билан. Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди.

#### 5. Феълнинг шахсли формаси орқали бириқиш.

Феълнинг ҳар уч майли эргаш гапнинг кесими бўлиб келиб, маълум ёрдамчилар билан бирга келган ҳолда эргаш ва бош гапни бириктиради. Масалан: Шарт майли: Кўзим тезроқ очилса-ю, боғларни, майсаларни, одамларни кўрсам. Буйруқ майли : бугун мамлакатимизнинг қаерига борманг, у ерда бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ижро майли: -ган ҳам эдики, -ганича йўқ эдики, - и (б) эдики шаклидаги ижро майлидаги феъллар эргаш гапнинг кесими бўлиб келган ҳолда, компонентларни боғлайди: Бир кун у қўлтиғига нон қистириб эшикдан чиқиб эдики, қаршисидан отаси келиб қолди.

6. Юкламалар : - ку, - да,-ми,- ҳам юкламалари кўпинча эргаш гапнинг кесими таркибида қўлланиб, компонентларни бириктиришда иккинчи даражали восита ҳисобланади. Масалан: Кўрдингиз-ку, қанча ерга экин экканман. Пахта очилдими-теримни бошлаймиз. Ҳаво булут бўлса-да, ёмғир ёғади.

7. Келишик қўшимчалари: Келишик қўшимчалари содда гапдагина эмас, қўшма гапда ҳам кўпинча сифатдошларга кушилиб бош ва эргаш гапларни боғлашга хизмат қилади. Масалан: Ота- оналар йиғилганда, мажлисни бошлар эдик. Машина теракка қаттиқ урилганидан, у олдинги ойнадан отилиб чиқиб кетибди.

8. Нисбий сўзлар: Нисбий сўзлар қўшма гапнинг ҳар икки компонентида қўлланивчи ўзаро мослашган муносабатдош сўзлардир. Олдинги компонентдаги нисбий сўзлар кўпинча сўроқ олмошлари ёки суроқни ифодаловчи равишлар орқали ифодаланса, кейинги гапда унга мутаносиб равишда кўрсатиш олмошлари ёки улар билан бирга қўлланган равишлар келади. Шуниси муҳимки, нисбий сўзлар кўпинча бир хил келишик шакллари олиб бир-бирига мослашиб келади. Бунда сўроқ характеридаги нисбий сўзлар эргаш гап таркибида бўлади ва эргаш гап бош гапдан олдин келиши билан характерланади. Масалан:Кенг далада нимаики кўринса, ҳаммаси ҳам Умирзоқ отанинг тириклигидан далолат берар эди.

Нисбий сўзлар шахс (ким-у, қайси бири-у, -ўша, ҳар ким-у), предмет (нима-шу-ўша), ўлчов-микдор (қанча-шунча, неча-шунча (ўшанча)), белги-даража (қандай-шундай, нечоғли-шу даражада), ўрин (қаер-шу ер. қай томон-шу томон) каби маъно муносабатларини билдиради.

9. Интонация. Эргаш гапли қўшма гаплар компонентларининг шаклланишида интонация асосий рол ўйнамаса-да, лексик-грамматик воситалар билан бирга бириктириш вазифасини ҳам ўтайди. Чунки эргаш гаплар нисбий тугалланган интонацияга, ўзидан кейин келувчи интонацион-грамматик компонентни талаб қилувчи оҳангга-қисқа тухтамга эга бўлади. Уюшиқ эргаш гапларда эса санаш интонацияси боғловчилик вазифасини ўтайди. Бу ҳолда унинг роли кучаяди. Демак, эргаш гапли қўшма гапларда интонациянинг роли икки хилдир : Икки компонентли эргаш гапли қўшма гапларда қўшимча восита, бир неча эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапларни боғлашда асосий воситадир. Масалан: Ҳаво булут бўлса ҳам, ёмғир ёғади. Юрса агар томирда қонинг, азиз бўлса бир парча нонинг, керак бўлса номус, виждонинг, бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол, қўлингга қурол ол !

10. Тартиб. Компонентларнинг ўринлашиши-тартиб ҳам қўшма гап қисмларини бириктирувчи, уларнинг синтактик муносабатини кўрсатувчи воситадир. Бу, айниқса, лексик-грамматик воситаларсиз бириккан қўшма гапларда кўзга ташланади. Хусусан, шарт, тўсиқсизлик, пайт каби мазмун англатилган боғловчисиз қўшма гапларда тартибни ўзгартириш билан маъно ҳам

ўзгаради, аввалгидай маъно англашилмайди. Масалан: қўшнинг тинч-сен тинч.- Сен тинч-қўшнинг тинч. Сув келди-нур келди,-нур келди- сув келди.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 2.1.1. Эргаш гап бош гапга неча турли воситалар орқали боғланади?
- 2.2.1. Боғловчили эргашиш усулини изоҳланг?
- 2.2.2. Боғловчисиз эргашиш деганда нимани тушунасиз?
- 2.2.3. Нисбий сўзларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
- 2.2.4. Боғловчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.
- 2.2.5. Юкламаларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.
- 2.2.6. Эргаш гапни бош гапга боғлашда қайси келишиқ қўшимчалари фаол катнашади?
- 2.2.7. Эргаш гапни бош гапга боғлашда оҳанг қандай рол уйнайди?
- 2.2.8. Компонентларнинг ўринлашиши уларнинг боғланишига таъсирини изоҳланг.

### **3-Масала. Бош гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар.**

**Дарсинг мақсади :** Эга, кесим, аниқловчи, тулдирувчи эргаш гаплар тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### **ИДЕНТИВ Ўқув МАҚСАДЛАРИ :**

- 1.1. Бош гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар қайсилар эканини айтиб беради.
- 3.2 Бу гуруҳга кирувчи ҳар бир эргаш гапни изоҳлайди.
- 3.3 Мазкур гуруҳга кирувчи эргаш гаплар иштирок этган қўшма гапларни топиб беради.
- 3.4 Мазкур гуруҳга оид эргаш гаплар нима учун шундай аталишини изоҳлайди.
- 1.5.Эргаш гапли қўшма гапларга баҳо беради.

### **ЭГА ЭРГАШ ГАП**

Бош гапдаги олмош билан ифодаланган ёки кулланмаган эганинг маъносини изоҳлаб, тўлдириб келади.Ҳозирданок кўриниб турибдики, дангасалиқ, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз. Кўзига нима кўринса,шу уни қизиқтира бошлайди.

Эга эргаш бош гапга феълнинг шарт майли формаси,баъзан-ки Боғловчиси орқали бирикади.Бош ва эргаш гапни боғлашда нима,нимаки,шу ,ким,ўзи каби нисбий сўзлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бунда кимки,нимаки,кимдаким,нима сўзлари эргаш гапда шу,у,уша, шу нарса сўзлари эса бош гапда бўлади.М:Кимки ватанпарварлик ишқи билан ёнса,у албатта,МАҚСАДига эришади.қозонга нима тушса,чўмичга ҳам ўша чиқади.

Эга эргаш бош гапдан олдин ҳам,кейин ҳам келиши мумкин.Олдин келса,-са орқали, кейин келса-ки орқали боғланади. Ким бировга чуқур қазиса,унга ўзи йиқилади.Шуниси ҳам борки,биз ўз ташвишимиз билан овора бўлиб қолишимиз ярамайди.

#### **Жадвал 41 Эргаш гапнинг бош гапга боғланиш йўллари**

| №  | Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситаларга кўра турлари       | Бириктирувчи воситалар                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|----|-------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Боғловчили эргашиш:<br>А)соф боғловчилар<br>Б)боғловчи- юкламалар | -ки, чунки, негаки, сабабки, шу сабабли, шунинг учун, шекилли, бўлмаса, нега десангиз, нега деганда агар, борди-ю, башарти, мабодо, гўё, токи, гарчи, деб (демай, дегунча, деган, деса)                                                                                                                               |
| 2. | Боғловчисиз эргашиш:<br>Грамматик шакллар орқали эргашиш.         | Сифатдош шакли:- ган<br>Равишдош шакли: -и (б), - май, -гач,- гунча<br>Ҳаракат номи шакли: -ш (-иш)<br>Шарт майли шакли:- са<br>Буйруқ майли шакли:-й (-ай), -син ва б<br>Юкламалар: -ми, -чи, ахир, наҳотки ва б<br>Кўмакчилар: билан, учун, бери ва б<br>Келишиқ қўшимчалари: -га, -да,- дан<br>Ўхшатиш шакли:- дай |

## КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП.

Бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ёки бошқа сўз билан ифодаланган кесимнинг мазмунини аниқлаб, тулдириб келувчи эргаш гап кесим эргаш гап дейилади.

Ниятимиз шуки, ҳар бир талаба эртага ҳаётда қийналмасин.

Шуниси характерлики, бош гапнинг кесими ўзича бирор ҳукми тўлиқ ифодамай олмайди, шунинг учун ҳам кесимдан кейин унинг мазмунини тулдириш, аниқлаш учун бошқа бирор гап (эргаш гап) унга тобеланиб келади: Гапнинг хулосаси шуки, бундан кейин ўқиш билангина мурудингизга етасиз.

Кесим эргаш гап бош гап билан унинг кесимига кушилувчи –ки (ким) боғловчиси воситасида бирикади. Вазифа шундан иборатки, ўзбек тилини ўзлаштирмаган бирон талаби қолмасин.

Кесим эргаш гап бош гапнинг кесимини куйидагича изоҳлайди:

А) шу олмош билан ифодаланган кесимнинг мазмунини изоҳлайди:

Гапнинг рости шуки, беҳуда келиб кетишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ.

Б) Ким сўроқ олмоши билан ифодаланган кесимни изоҳлаб келади. Бунда бош гапнинг кесими шахс кўрсаткичини ҳам олган бўлади: Сен кимсанки, овозингга ҳамма уйгонса.

В) Кўрсатиш олмоши ва ўрин келишигидаги от билан ифодаланган кесимни изоҳлаб келади: Муваффақиятларимизнинг сири шундаки, биз тинчлик сиёсатига эринмай амал қилаётимиз.

Шундан иборатки бирикмаси билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлайди. қиладиган ишинг шундан иборатки, келганларнинг ҳар бирига мана шу китобдан биттадан бериб чиқасан.

Кўрсатиш олмоши шу эди, бўлди ёрдамчилари билан бирга келиб, кесимнинг мазмунини изоҳлаб келади. Бунда бош гапдаги иш-ҳаракатнинг турли замонда юзага келганлиги ҳам ифодаланади: Мажлисни олиб боришдаги камчилик шу бўлдики, раис кун тартибини эълон қилмасдан сўзга чиқиб кетди.

Шуниси характерлики, бош гапнинг кесими шуни сўзи билан ифодаланганда, кесим эргаш гапдаги мазмун энди мўлжалланаётган бўлади. Шу эдики билан ифодаланса, кесим эргаш гапдаги мазмун илгари мўлжалланган фикр сўзлаш пайтида эслатилади.

Кесим эргаш гап бош гапнинг кесими вазифасидаги шундай, шунақа, шунчалик сўзларининг мазмунини ойдинлаштиради: Бизнинг ҳалкимиз шундайки, у меҳмоннинг кунглини сира оғритмайди.

### Жадвал 42 Эргаш гапли қўшма гап

| Маъно хусусияти                                                     | Эргаш гапнинг тури ва маъноси                                                                                                       | Мисоллар                                                                                                                                                                                      |
|---------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| I гуруҳ<br>Бош гапдаги мазмуни абстракт олмошни изоҳлайдиган гаплар | А)Эга эргаш гап<br>Бош гапдаги мазмуни абстракт олмош эгани изоҳлайди ёки унга нисбатан эга функциясида келади.                     | Кимки ҳалол меҳнат қилса, у Ватанимиз томонидан тақдирланади.<br>Ким эпчил бўлса, у ҳамма ерда ўзини кўрсатади.<br>Шуниси менга маълум эдики, унинг вазминлиги дилидагини тилига келтирмасди. |
|                                                                     | Б)Тўлдирувчи эргаш гап<br>Бош гапдаги мазмуни абстракт олмош тўлдирувчини изоҳлайди ёки унга нисбатан тўлдирувчи вазифасида келади. | Уйдагилар нимани буюрса, шуни бажар. (X.X)<br>Билиб қўйки, сени ватан кўтади. (/./)<br>Она биладики, энди ҳар наҳор, Бутун ватан бўйлаб тўлишар баҳор. (X.O.)                                 |

|                                                                           |                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                              |
|---------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                           | В) Аниқловчи эргаш гап<br>Бош гапдаги мазмуни абстракт олмош аниқловчини изоҳлайди.                      | Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади.<br>Шундай чиройли хат ёзиш керакки, уни ўқувчи ҳамиша юрагига босиб юрсин, ҳар куни ўқисин. (О.)<br>Россияда шундай бир муҳит ҳукм суриб қолдики, бугун бўлмаса, эртага инқилоб олови ловуллаб ёниб кетади. (М.Исм) |
|                                                                           | Г) Кесим эргаш гап<br>Бош гапдаги мазмуни абстракт ломош кесимини изоҳлайди.                             | Орамиздаги фарқ шуки, мен нима учун шу ишни қилаётганимни биламан, аммо сизлар билмайсизлар. (А.қ.)<br>Сиздан умидимиз шумидики, кўпчиликнинг фикрига қарши турасиз. (А.қ.)                                                                                                  |
|                                                                           | Д) Равиш эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг қай тарзда юзага келишини билдиради.                   | Йўл четидаги жар узоқлашиб, қушларнинг овозлари ҳам тинди. (Ш.Х.)<br>Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. (А.қ.)                                                                                                                                              |
|                                                                           | Е) Ўрин эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг юзага келиш, бошланиш, йўналиш ўрнини кўрсатади.        | Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда бўлади.<br>қаерда кўраш бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди.<br>Катта кема қаердан юрса, кичик кема ҳам шу ердан юради.                                                                                                                     |
|                                                                           | А) пайт эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг юзага келиш вақтини билдиради.                          | То Ашурали ҳақиқатнинг тагига етмагунча, Мирҳосил яшайди. (Ҳ./.)<br>Дилшод йўлга чиққанда, хўрозлар ҳали тонг мадҳини бошламаган эди. (М.Исм.)                                                                                                                               |
|                                                                           | Б) Саба эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг юзага келиш сабабини, бош гап эса натижасини билдиради. | Пахта ёнади, чунки атрофи тез тўтайдиган тола. (М.Исм.)<br>Ҳар кун ортар кўзларимда нур, шунинг учун йўқ асло ғамим. (Ҳ.О.)                                                                                                                                                  |
| II гуруҳ<br><br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг белгисини билдирадиган гаплар | В) Мақсад эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради.         | Сўзим қандай таъсир этаркин деб, диққат билан унга тикилдим. (А.қ.)<br>Тоғдай оғирлик билак бердим, Ёвлар муштласин деб. (Ҳ.О.)                                                                                                                                              |
|                                                                           | Г) Микдор- даража эргаш гап<br>Бош гапдаги иш- ҳаракатни ўлчаш, даражасини аниқлаш учун хизмат қилади.   | Инсонга ҳаво нечоғлик зарур бўлса, халққа тинчлик, озодлик ва бахт-саодат ҳам шунчалик зарур.<br>Чуқур қанча кўп бўлса, аравакаш ҳам шунча нотинч бўлади.                                                                                                                    |
|                                                                           | Д) Шарт эргаш гап<br>Бош гапдаги воқеанинг қандай юзага келиш шартини билдиради.                         | қалб саломат бўлса, ақл ҳам, фирк ҳам саломат бўлади. (С.Аҳм)<br>Агар мажбуриятни бажарсак, байроқ биз томонда. (А.қ.)<br>Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди.                                                                                                     |



|                                                                  |                                                                                   |                                                                                                                                                                 |
|------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>III гуруҳ</b><br><br>Бош гапдаги мазмунни изоҳлайдиган гаплар | А) Натижа эргаш гап<br>Бош гапдаги воқеага тўсиқ бўлмаган шартни билдиради.       | Баъзи одамларнинг қўли ишда бўлса ҳам, ҳаёли ўз ерида. (А.қ.)<br>У кексайган бўлса-да, кўзларининг ўти сўнмаган эди. (О.)                                       |
|                                                                  | Б) Тўсиқсиз эргаш гап.<br>Бош гапдаги воқеанинг натижасини, хулосасини билдиради. | Ўт тафти шу қадар кучли эдики, юзини тўсиб зўрга- зўрга ичкарилаб борди. (М.Исм.)<br>қиз помидорни шундай майда тўғрадики, йигитнинг ҳаваси келди. (М.Исм.)     |
|                                                                  | В) Ўхшатиш эргаш гап<br>Бош гапдаги воқеани бошқа воқеага ўхшатади.               | Адирларга қип-қизил гилам ёпгандай, лолалар чаман бўлиб очилиб ётибди. (Ойдин)<br>Бектемир худди отасининг соғинчи билан кўнгли тўлгандек, хўрсиниб қўйди. (О.) |

### *АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП.*

Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги олмош ёки олмош каби умумий ,мавҳум маъноли сўзларнинг маъноларини аниқлаб, изоҳлаб келади. М: Табиатда шундай моддалар борки, қисқа муддат ичида куёш нурини ўзига сингдириб, қоронғиликда яна бўшликка қайтаради.Бу ўринда аниқловчи эргаш гап бош гапдан кейин келиб, бош гапдаги шундай олмоши билан ифодаланган аниқловчининг маъносини котретлаштириб келяпти. Аниқловчи эргаш гаплар бош гапдаги қуйидаги гап бўлакларининг маъносини изоҳлайди.

1.Эганинг аниқловчисини изоҳлайди: Шундай талабалар борки, ўзларининг билимига эмас, ота-оналарининг пулига ишонадилар:

2.Кесимнинг аниқловчисини изоҳлайди: Алпомиш шундай қаҳрамонки, у ўзида ўзбек ҳалқининг энг гўзал фазилатларини мужассамлаштирган.

3.Тўлдурувчининг аниқловчисини изоҳлайди: Мен сиз билан шундай ишларни орзу қиламанки, Тўғонбек жаноблари, ундай ишлар дунёда ҳеч бир тождорга муяссар бўлмаган;

4.Аниқловчининг аниқловчисини изоҳлайди;Унинг акаси шундай яхши ишлар қиляптики, унинг ҳатто кўзига ёш олдиришга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ.

5.Бош гап ҳолининг аниқловчисини изоҳлайди: Али кушчининг назарида Улуғбек шундай одам бўлиб гавдаланадики,у оддий одам эмас, балки бутун халқнинг, бутун мамлакатнинг каттакон дардларини ўйлайдиган,унинг маърифати учун ҳар қандай ишга тайёр турган қудратли азиз киши эди.

Аниқловчи эргаш гап бош гапга - ки боғловчиси ва шарт майли формаси ёрдами билан бирикади.

А.)-ки ёрдами билан бириккан эргаш гап бош гапда аниқловчи бўлиб келган, қуйидаги сўзларнинг маъносини изоҳлайди:

-бош гапдаги шундай сўзининг маъносини изоҳлайди: Шундай кунлар бўлганки, Алишер майда ҳаржлари учун ҳам тангасиз колган.

-бош гапдаги баъзи, айрим, бир хил каби сўзларнинг маъносини изоҳлаб келади:Баъзи кишилар борки, ўз қоринлари учун ҳам пулдан қизғонадилар. Айрим қизларимиз борки , мода кетидан қувиб, ҳаёни унутишяпти.Яна бир хил ёшларимиз борки, жамоат жойларда, нақ эркакларнинг кўз ўнгида ўн марталаб ўпишиб кўришадилар.

-бош гапдаги ҳеч бир сўзининг маъносини аниқлаб келади: Бугун ҳеч бир қишлоқ йўқки, унда мактаб, кинотеатрлар,клуб бўлмасин. ;

Шу кунларда ўзини билган ҳеч бир ўзбек йўқки, суюқасдчилардан нафратланмаган , уларни ланатламаган бўлса.

-бош гапдаги бир , бир қанча каби сўзларнинг маъносини аниқлаб келади: Мустақилликнинг дастлабки кунларида бир қанча кишилар бўлдики, улар мустақилликнинг моҳиятини тўла тушуниб етмадилар, уни фақат қорин билан баҳоладилар. Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, ўзга халқлар ибрат ола билсинлар.

Аниқловчи эргаш гап баъзан бош гапдаги қўлланмаган аниқловчининг маъносини изоҳлаши мумкин: Одам борки, одамларнинг нақшидир... Ёзувчи ажойиб асарида ёритиб бердики, бу асарлар ҳозирда халқнинг қўлидан- қўлига ўтиб келмоқда. Бу мисоллардаги қўшма гапнинг бош гап қисмига бош гапда қўлланиши мумкин бўлган шундай, баъзи каби сўзларни киритиш мумкин.

Аниқловчи эргаш гапнинг бу тури -ки воситаси билан бириккан эргаш гаплардан фарқ қилади. –са воситасида бириккан аниқловчи эргаш гапларда шарт маъноси ҳам сезилиб туради. Бироқ улар аниқловчи эргаш гап ҳисобланаверадилар.

Аниқловчи эргаш гап бош гапдан олдин ва кейин кела олади. Агар аниқловчи эргаш гап бош гапга -ки воситасида бирикса, бош гапдан кейин келади. Агар аниқловчи эргаш гапга –са воситасида бирикса, бош гапдан олдин келади.; Сиз қайси китобларни ўқиган бўлсангиз, мен ҳам ўша китобларни ўқиганман.

#### Жадвал 43

#### Кесим эргаш гап

| Мазмуни                                                                  | Бириктирувчи воситалар                                                                                                  | Ўрни                     | Мисоллар                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|--------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бош гапдаги мавҳум (кўрсатиш) олмош билан ифодаланган кесимини изоҳлайди | ки<br>(Бош гапнинг кесими: шундай, шу, шу ерда, шун да), шундан иборат, шу бўлди, кимсан каби сўзлар билан ифодаланади) | Бош гапдан кейин келади. | Гапнинг хулосаси шуки, электростанция қурамиз. (О)<br>Масаланинг қизиғи шу ердаки, улар уч соатнинг ичида шунча иш қилишган. (А.қ.)<br>Лекин, энг ёмони шундаки, Рихсибой ака қўлга киритилган ютуқ билан таққа тўхтаб қолди. (Р.Ф.)<br>Бизнинг халқимиз шундайки, у дўстини қўллаб- қуватлайди. (А.қ.) |

#### ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП

Тўлдурувчи эргашган гап бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган ёки қўлланмаган тўлдурувчининг мазмунини аниқлаб , тўлдириб, изоҳлаб келади.

Тулдурувчи эргаш гап бош гапдаги ҳаракат объектининг маъносини кенгайтириш ёки унинг мазмунини тўлиқ очиб бериш, изоҳлаш учун ишлатилади. М: Шунинг унутмагинки, ушбу хонадондан ҳеч ким норози бўлиб чиқиб кетган эмас. Ҳеч қачон унутмайликки, бизнинг аёлларимиз ўтмишда ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган. Сиз кимга ишонч билдирсангиз, мен уни ўзимга шерик қилиб оламан.

Тўлдурувчи эргаш гап бош гапга -ки, -са, -ми, -ку каби воситалар ёрдами билан эргашади:

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга –ки воситасида боғланса, бош гапдаги объект мазмунини аниқлаб, таъкидлаб кўрсатади. Шунинг унутмангки, Азиз, Саттор Тоирга ўхшаб номардлик қилмайди. Бундай ҳолларда бош гапнинг кесими вазифасида ишонч, таажжуб, илтимос ифодаловчи сўз келади.

Бош гапнинг хурсанд бўлмоқ, умид қилмоқ, шубҳаланмоқ каби феъллар билан ифодаланган кесими воситали тўлдирувчига мос гапни талаб қилади, ўйламоқ, эшитмоқ, унутмоқ, кўрмоқ, билмоқ, тушунмоқ, эсламоқ, айтмоқ, талаб қилмоқ, қайд қилмоқ, кўрсатмоқ

каби феъллар бош гапнинг кесими бўлиб келса, функцияси жиҳатидан воситасиз тўлдирувчига мос бўлган гапни талаб қилади .

Тўлдирувчи эргаш гапнинг кесими шарт майли формасида ифодаланиб , гапдан шарт маъноси англатилса-да, эргаш гап бош гапдаги кимни ?ёки нимани? сўроғига жавоб бўлган объектнинг мазмунини аниқлаб келади. Кимдан гумонинг бўлса, уни кўздан қочирма.

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга -ми юкламаси ёрдамида боғланса, бош гап мазмунида тингловчига нисбатан сўроқ маъноси англашилиб, эргаш гап бош гапдаги фикрнинг мазмунини кенгайтириб, тўлдириб туради.Эшитдингизми, Неъмат билан Раъно яна ярашиб олишибди.

Баъзан –ми юкламаси эргаш гап таркибида ҳам келиши мумкин.Бундай эргаш гап бош гапдан олдин келади.Бу унинг лакабими, ростакам исмими, ҳеч ким билмасди.

Тўлдирувчи эргашган гап бош гапга –ку юкламаси билан боғланганда тўлдирувчи эргаш гапдаги фикр олдиндан маълум бўлиб бош гап орқали шу фикр яна таъкидланади, эслатилади. Кеча сизга айтган эдимку, Саиджон бу нарсанинг ҳаммаси сизнинг тегишингиз.

**Жадвал 44 Эга эргаш гап**

| Мазмуни                                                                                      | Бириктирувчи воситалар                    | Ўрни  | Мисоллар                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|-------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бош гапдаги эга вазифасида келган умумлашган маъно ифодаловчи олмошнинг маъносини изоҳлайди. | са<br>ким-у, нима-шу,<br>ким-ўзи, кимни-у | Олдин | Ким сенинг камчиликларингни кўрсатса, у сенинг яқин дўстинг.<br>Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади<br>кўзига нима кўринса, шу уни қизиқтира бошлайди. (Ойдин)<br>қозонга нима тушса, чўмичга ўша чиқади. (М)<br>Кимда –ким хўжаликни сиёсатдан ажралиб қараса, уалбатта боши берк кўчага киради.(А.к.) |
|                                                                                              | -ки                                       | Кейин | Шуниси ҳам борки, биз қишлоқларни обод қилиш билан хотиржам бўлиб қолишимиз ярамайди. (Р.Ф.)                                                                                                                                                                                                                    |

### **Муҳокама учун саволлар**

- 3.1.1 Бош гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар қайсилар?
- 3..2.1. Эга эргаш гапнинг талқини .
- 3.2.2. Кесим эргаш гапнинг грамматик хусусиятлари.
- 3 .2.3. Аниқловчи эргаш гапнинг изоҳи.
- 3.2.4. Тўлдирувчи эргаш гапнинг семантик-синтактик хусусиятлари.
- 3.2.5. Аниқловчи эргаш гапнинг ўлчов-даража эргаш гапга ўхшаш ва фарқли томонлари.

**4-М а с а л а:**Шартланганлик муносабатини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар.

**Дарсинг мақсади:** Шартланганлик муносабати ва шундай муносабатли эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :**

- 4.1.Шартланганлик муносабати нима эканлигини айтиб беради.
- 4.2.Шартланганлик муносабатини ифодаловчи эргаш гапларни санайди.
- 4.3.Шартланганлик муносабатини ифодаловчи эргаш гапларни изоҳлайди.
- 4.4.Шартланганлик муносабатини ифодаловчи қўшма гапларни аниқлайди.
- 4.5.Шартланган гапларнинг фарқларини кўрсатиб беради.

**4- М а с а л а б а ё н и :**

Шартланганлик муносабати бир қатор ўзаро алоқадор, шунинг учун бир доирага бирлашувчи, бир гоя асосида бирлашувчи муносабатларни мужассам этган синтактик

муносабатдир. Бу муносабат шарт, сабаб. тусиксизлик. Мақсад ва натижа муносабатлари комплексидан иборат. Бу муносабатларнинг ҳаммасининг асосида бир умумий гоё, бир умумий моҳият-«сабаб-натижа» гоёси ётади.

Шартланганлик муносабатида воқеалар талқинининг табиати, нутқ эгасининг мақсади ҳал қилувчи рол ўйнайди, ана шуларга кўра бу муносабатнинг конкрет типлари (шарт, тўсиқсизлик, мақсад, сабаб, натижа) ажратилади. Мисол учун қуйидаги икки воқеани олайлик: деҳқонларнинг астойдил меҳнат қилиши (1- воқеа) ва озик- овқатнинг мўл бўлиши (2-воқеа).

Бўлардан биринчи воқеа келтириб чиқарувчи. 2-воқеа келиб чиқувчи воқеалардир. Улар «сабаб-натижа» гоёси асосида муносабатда бўлиб, шартланганлик муносабатининг қуйидаги канкрет шакллари намоён қилиши мумкин:

1. Сабаб муносабати. Бу қуйидаги кўринишларда ифодаланади: Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озик-овқат мўл бўлди. Озик-овқат мул бўлди, чунки деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилганликлари учун озик-овқат мўл бўлди. Шунинг учун озик-овқат мўл бўлдики, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилганлигидан озик-овқат мўл бўлди.

2. Шарт муносабати. Бунда 2-воқеанинг амалга ошириши учун 1- воқеанинг бўлиши шарт бўлади, шундай бўлма-са, воқеалар амалга ошмайди, шунинг учун бундай муносабатда воқеалар фарқ қилинади. Бу ҳам бир қанча кўринишларда ифодаланади: Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озик-овқат мўл бўлади, деҳқонлар астойдил меҳнат қилганларида эди, озик-овқат мўл бўларди каби.

3. Тўсиқсизлик муносабати: Бунда 2-воқеанинг бажарилиши учун шарт бўлган , бироқ унинг бажарилишига тўсиқ бўла олмаган воқеа ифодаланади: Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озик-овқат мўл бўлмади. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилмасалар ҳам, озик-овқат мўл бўлди.

4. Мақсад муносабати. Бунда 2-воқеа 1- воқеани амалга оширишнинг мақсадли натижаси сифатида юзага келади. Озик-овқат мўл бўлсин деб, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Озик-овқат мўл бўлсин учун деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар.

5. Натижа муносабати. Бунда 2-воқеа 1-воқеанинг ўз-ўзидан юзага келадиган натижаси сифатида юзага келади: Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, озик-овқат мўл бўлди. Деҳқонлар шунақанги астойдил меҳнат қилдиларки, натижада озик-овқат мўл бўлди.

Шартланганлик муносабатининг конкрет типлари, хусусан сабаб, шарт ва мақсад муносабатлари бир-биридан шундай фарқланади: Агар 1- воқеа объектив воқеликка нисбатан реал бўлса, сабаб муносабати, агар бу воқеа реал эмас. Тахминий бўлса, шарт муносабати, агар 2- воқеа амалга оширилиш мўлжалланган ният бўлса мақсад муносабати юзага келади. Демак, сабаб ва шарт муносабатида келтириб чиқарувчи воқеа муҳим бўлса, мақсад мазмунида келиб чиқувчи мазмун муҳим бўлади.

Шартланганлик муносабатларининг юқорида келтирилган-беш типи беш хил эргаш гапли қўшма гап орқали ифодаланади. Бўлар сабаб, шарт, тўсиқсиз мақсад ва натижа эргаш гаплардир.

### *САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП*

Сабаб эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага келиш, мавжуд бўлиш сабабини билдиради, бош гап эса унинг натижасини билдиради. М: Уйимиз меҳмонлар билан тўлди, шунинг учун биз қўшничида ўтирдик.

Сабаб эргашган бош гапга чунки, шунинг учун, негаки, сабабки, -ки, шу сабабли, шу боис, шу вайдан, шекилли, чамаси каби эргаштирувчи боғловчилар ва сўзлар, сифатдошнинг –ган формасиқэғалик қўшимчасиққелишиқ қўшимчалари ёки қўмақчилар ёрдамида боғланади.

Бу боғловчи воситалардан шунинг учун, шу сабабли, шу боис, шу вайдан.-ки, лар бош гап; сабабки, чамаси, шекилли, ганидан, -гани учун, -са керак кабилар эргаш гап таркибида келиб, боғловчи вазифасини ўтайди.

Бўлардан шекилли сўзи, феълнинг шарт майли (-са) формаси қкерак сўзи ,шунингдек,

Сабаб эргаш гап ёрдамчиларнинг қўлланишига ва турли услубий талабга кўра бош гапдан олдин, кейин ёки унинг ўртасида келади:

2.Чунки, негаки,сабабки,-ки воситасида бириккан эргаш гап бош гапдан кейин келади:  
Китобни эъзозланг, чунки кишининг дўстидир.

3. Бош гапдаги бирон бўлакка аҳамият беришимиз керак бўлганда эргаш гап бош гап ўртасида келади. М: Унинг болаларча беғубор қўнғироқ товуши, зал кенг ва зич бўлганидан, ўзи қўтганидек кўчлироқ жаранглаб чиқди.

Мақсад эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради.

Мақсад эргаш гапдаги фикр кўпинча кучирма гап мазмунини беради, бу гап орқали ифодаланган ҳаракат ҳали бошланмаган, юзага келиши эндигина мўлжалланган бўлади. Мақсад эргаш гап бош гапга –деб, ми юклагаси, экан формаси, деб буйруқ майлиқ учун формаси, токи ёрдамчиси орқали боғланади.

Мақсад мазмунини янада бўрттириб кўрсатиш ёки орзу қилинган, исталган, мақсадни ифодалаш учун эргаш гап олдида зора, шояд сўзлари ишлатилади. М: Зора хўжайиннинг кўнгли бир оз очилсин деб, мезбон гаплашади, ҳасратлашади.

Мақсад эргаш гап кўпинча бош гапдан олдин келади. Бунда эргаш гап --син, деб, р(ар) деб, миқ экан деб, -син учун каби воситалар билан боғланган бўлади. Токи —боғловчиси билан боғланганда эргаш гап одатда бош гапдан кейин келади ва токи боғловчиси эргаш гап таркибида бўлади.

[illegible]

|  |                                   |        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|--|-----------------------------------|--------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | Чунки<br>Негаки<br>Сабабки<br>-ки | Ўртада | <p>олиб, дўстининг қўлига тутқазди.<br/>Бойнинг сўзи ўтмай, ерга кучи етмай, қишлоқдан чиқиб кетди.<br/>Ойсултон тўғри гапирди шекилли, ҳамма жим қолди.<br/>Мажлис кўп давом этмаган бўлса керак, Сергей тез қайтди.<br/>Оёқлари ерга ёпишиб қолдими, сира қимирлай олмади.</p> <p>Унинг жаҳл устида районга кетмаганлиги аниқ бўлиб қолди, чунки ўз қишлоғига бу ҳолда кетмас эди.<br/>Энди чиройли ёзишга ўрганмасак бўлмайди, негаки ўзимиздан шоирлар пайдо бўлаяптиди.<br/>Гапни чўзишнинг ҳожати йўқ, сабабки одамлар тайёр.<br/>Мен сизга шунинг учун ишонаманки, сиз олға қараб эмас, орқага қараб кетяпсиз.<br/>Бахтим борки, ҳар нарса гўзал, Кўринади менинг кўзимга.</p> <p>Унинг болаларча кўнғирок товуши, зал кенг бўлганидан, ўзи кутгандан ҳам кучлироқ жаранглаб кетди.</p> |
|--|-----------------------------------|--------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

### **5-М а с а л а: Ўрин, пайт, равиш, ўлчов –даража чоғишгирма-ўхшатиш, эргаш гапли қўшма гаплар.**

**Дарсинг мақсади:** Ўрин, пайт, равиш. Ўлчов- даража чоғиштириш-ўхшатиш эргаш гаплар ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### **ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :**

- 5.1. Ўрин, пайт, равиш, ўлчов-даража гапларнинг таърифини айтиб беради.
- 5.2. Ўрин, пайт, равиш. ўлчов-даража эргаш гапларнинг семантик, синтактик хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 5.3. Мазкур эргаш гаплар қатнашган эргаш гапли қўшма гапларни топиб беради.
- 5.4. Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапларнинг фарқли хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 5.5. Пайт маъносини ифодаловчи синтактик қурилмалар тузади.
- 5.6. Равишдош оборот ва равиш эргаш гапларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини таққослайди.

#### **ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛАР.**

Пайт эргаш гаплар бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш Вақтини билдиради: Дилшод йўлга чиққанда, хўрозлар ҳали тонг мадҳини бошламаган эди.

Пайт эргаш гап бош гапга –ганда-, гандан кейин (сўнг, аввал)-ган вақтда(пайтда, замон,) -масдан, -масдан олдин (бурун, аввал), ган эди, -ган ҳам эдики, р-(ар) экан,-б-(иб), –ш(иши) билан, -гач, -гунча каби сўз шакллари, боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида боғланади.

М: Жаҳл келганда, ақл кетади.

Баъзан шарт майли формаси ҳам пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Баҳор келса, гул бўлади бу боғлар.

Пайт эргаш гаплар бош гапда ифодаланган воқеа-ҳодисадан олдинма-кетин ёки у билан бир вақтда юзага келган воқеа-ҳодисаларни билдиради.: «Дехқонобод» кишлогининг чегараси кўринган замон, қизнинг юраги орзиқиб кетди. Биз университетга келганимизда, дарслар энди бошланган экан.

Пайт эргаш гап кўпинча бош гапдан олдин келади. Баъзан бош гап орасида ёки ундан кейин ҳам келиши мумкин. Пахта очилдими, терим бошланади.

### *ЎРИН ЭРГАШ ГАП.*

Бош гапдаги иш-ҳаракат, воқеа ҳодисанинг юзага келиш ёки йўналиш ўрнини билдирувчи эргаш гаплар ўрин эргаш гап ҳисобланади. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда .

Ўрин эргаш гап бош гапга шарт майли ,буйрук майли формасидаги феъллар, экан тўлиқсиз феъли орқали боғланади.Бўлардан ташқари эргаш ва бош гап тартибидаги қаерда, қаерга, қаердан, у ерда ,шу ерда, ўша ерда сўзлари ҳам уларни боғлашда иштирок этади. Гулсум қаера ўйнаса, Ҳолмуроднинг кўзи ҳам ўша ерда эди.

Ўрин эргаш гап кўпинча бош гапнинг олдида келади. Ўрин эргаш гап ва бош гап тартибидаги нисбий сўзлар уларни ана шундай тартибда ўринлашишини талаб қилади. Катта арава қаёққа юрса, кичик арава ҳам шу ёққа юради.

#### **Жадвал 46**

#### **Ўрин эргаш гап**

| Мазмуни                                                                       | Бириктирувчи воситалар                                                                                              | Ўрни  | Мисоллар                                                                                                                                     |
|-------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бош гапдаги ҳаракат- нинг юзага келиш, бошланиш ёки йўналиш ўрнини билдиради. | Са<br>(қаердан, қайга, қаерга,қаерда, шу ерда, ўша ерда, шунда, шу ерга, шу ердан, у ерда)<br>Манг<br>Масин<br>Экан | Олдин | Гулсум қаерда ўйнаса, Ҳолмуроднинг кўзи ҳам ўша ерда.<br>Ватанимизнинг қаерига борманг, у ерда элаектр чириоклари нур сочиб турибди. (Ойдин) |

### *РАВИШ ЭРГАШ ГАП*

Равиш эргаш гап бош гапдаги кесимдан англашилган ҳаракатнинг ёки бош гапдаги бутун воқеанинг қай тарзда юзага келишини кўрсатади.М: Ёзнинг кучи кетиб, ҳаво бир оз салқинланган эди. Дастурхон ёзилиб бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди.

Равиш эргаш гап бир қарашда равишдош оборотга жуда ўхшаб кетади.Чунки ҳар иккисида ҳам иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдириш бор. Ҳар иккисида-б,-иб қўшимчали равишдош иштирок этади. Бироқ равиш эргаш гап тартибида эга ва кесим мавжудлиги билан равишдош оборотлардан фарқ қилади.

Ҳар бир равиш эргаш гапда эргаш гапларга хос уч белги мавжуд бўлади.Равишдош оборотлари эса эргаш гапларга хос бу уч белгига эга эмас.Шунинг учун улар эргаш гаплар ҳисобланмайди.

Баъзан равиш эргаш гап бош гапдаги «шундай» олмошининг маъносини изоҳлайди. Назокат шундай гапирдики, унинг сўзлари ҳаммага маъқул тушди.

### *ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП.*

Бош гапдаги иш-ҳаракат, воқеа- ҳодисага зид бўлган, аммо унга тўсиқ бўлмайдиган иш-ҳаракатни билдирадиган эргаш гаплар тўсиқсиз эргаш гаплар дейилади.

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга -са ҳам, -са-да,-ганига қарамай, -шига қарамай каби сўз-шакллар орқали боғланади. Ҳаво бўлут бўлса ҳам ёмғир, ёғмади.

#### **ЎЛЧОВ ДАРАЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП.**

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гап бош гапдаги воқеани унинг ҳажми ва даражасига кўра ўлчаб кўрсатади. Мас: Меҳнат канча қийин бўлса, самараси шунча ширин бўлади.

Ўлчов-даража эргаш гаплар бош гапга кўпинча феълнинг шарт майли формаси –са орқали боғланади.

Баъзан ўлчов даража эргаш гап бош гапга –ки боғловчиси ёрдамида боғланади. Бунда ўлчов-даража эргаш гап кўпинча бош гап кесими олдидаги ҳолни, сифат ёки равиш билан ифодаланган кесимни изоҳлайди.

М: Шундай хушмуомила, шундай ширин сўз, шундай камтаринки, суҳбатлашиб тўймайсиз.

Одатдагидек ўлчов-даража эргаш гаплар бош гапга феълнинг шарт формаси –са, ва сифатдош қ сари (сайин) кўмакчиси билан боғланганда, бош гапдан олдин, -ки боғловчиси билан боғланганда бош гапдан кейин келади.

Тоҳиржоннинг дарди қанча оғирлашса, у шунча қувонади. Бир йилда кабинетини шу даражада ўзгартириб юбордики, кўрсангиз, тарих музейи дейсиз.

#### **ЧО/ИШТИРИШ ВА ЎХШАТИШ ЭРГАШ ГАПЛАР.**

Чоғиштириш эргаш гап бир ҳаракат билан иккинчи ҳаракатни, бир воқеа билан иккинчи шахсни чоғиштиради. Чоғиштириладиган эргаш гапларда бош гаплардаги ҳаракат ёки белги билан ўхшашлик моменти аниқланади. Сенга зарра озор бергандан кўра, яхшидир кўзимга тупроқ тўлгани.

Чоғиштириш эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли формаси орқали боғланганда эргаш гап ва бош гап таркибида ўзаро мос равишда қандай-шундай, қандай қилиб, шундай қилиб каби нисбий сўзлар ҳам иштирок этиб, компонентларни янада зичроқ боғлаш учун хизмат қилади. М: Чавандозлар боши кесилган улоққа қандай муомала қилсалар, бандитлар тирик Саъдуллага ҳам шундай муомала қилдилар.

Чоғиштириш эргаш гап бош гапга равишдошнинг -гунча формаси воситасида бирикканда кўпинча чоғиштириладиган нарсаларнинг қайси бири афзал эканлиги ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай қўшма гапларда бош гапнинг кесими яхши, афзал каби сўзлар билан ифодаланади. М: Ўйигитнинг сазаси сингунча, хўкизнинг шохи синсин. қошинг қора бўлгунча, кўзинг қора бўлса-чи.

Чоғиштириш эргаш гапнинг кесими сифатдошқўра кўмакчиси билан ёки чиқиш келишигидаги ҳаракат номиққўра кўмакчиси билан ифодаланиб уни бош гапга боғлаб келади. М: Сизнинг юзингизни ерга қаратгандан кўра, афзалдир юртимга қайтиб кетганим.

Эргаш гапнинг кесими сифатдошдан сўнг-дай-гани, ганидан аффиксларини ёки каби, сингари, сари, гўё ёрдамчиларидан бирини келтириш билан ифодаланса, эргаш гап бош гапдаги предмет ҳаракатига ўхшаш ҳаракатни билдиради.

Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гаплар бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. -ки боғловчиси ва гўё... воситасида боғланганда бош гапдан кейин келади. Ҳозир мен сизнинг олдингизда шундай аҳволдаманки, гўё сиз билан илк бор учрашяпман.

Феълнинг шарт майли формаси ва нисбий сўзлар билан шунингдек, -ганидек, гўё ...орқали боғланса, бош гапдан олдин келади.

Гулнор, гўё Ўлчи уни ҳам чақирган каби, нақ Унсин билан баравар ўрнидан турди. Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешин чоғи у белбоғини езарди.

#### **Муҳокама учун саволлар**

5.1.1 Ўрин эргаш гапнинг семантик – синтактик хусусиятларини кўрсатинг.

5.1.2 Пайт эргаш гап ҳақида маълумот беринг.

5.1.3 Равиш эргаш гап қандай семантик- синтактик хусусиятларга эга?

5.2.1 Ўлчов-даража эргаш гаплар қайси жиҳатлари билан характерланади.

5.2.2 Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гаплар ҳақида маълумот беринг.

#### **ШАРТ ЭРГАШ ГАП**



Шарт эргаш гап бош гапдаги иш ҳаркат, воқеа –ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келгани ёки юзага келажагини билдиради.Инсон боласи астойдил жазм қилса, томга лавлаги экиб, ҳосилини бўғотнинг орасидан олиши ҳеч гап эмас.

Шарт эргаш гап икки хил бўлади: реал воқеа-ҳодисани ифодалайдиган шарт эргаш гаплар; мўлжаллаган, тахминланган воқеа- ҳодисани ифодалайдиган шарт эргаш гаплар.

Эргаш гапда шарт бош гапдаги натижани келтириб чиқарган бўлса, бу реал воқеа – ҳодисани ифодалаган шарт эргаш гап ҳисобланади. М: Аҳвол шу ҳолда кетаверса,деярли ҳамма бир-бир тижорат йўлига кириб чиқади.

Эргаш гапдаги шарт тахминланган, мўлжалланган воқеани ҳам ифодалаши мумкин. Кўзим илгари очилган бўлса эди, мен ўз юрагимни буриларга едирар эдимми?.

Шарт эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли формаси ё-ганда, -ганда эди ёрдамчиси, шунингдек, -(а) рқ экан формалари орқали боғланади.Мустақиллик бўлмаганда, биз бундай эркин ҳаёт кечирмас эдик.

Баъзан шарт мазмунини кучайтириш учун эргаш гапнинг бошида агар, бордию, мабодо, башарти каби сўзлар қўлланилади.Агар шу тупроқ бўлмаганда эди, менда на юрак, на бахт, на оила бўлар эди.

Шарт эргаш гаплар баъзан бир составли ёки тўлиқсиз гап шаклидаги бош гапни изоҳлаб келади. қари келса- ошга, ёш келса, ишга.

Шарт эргаш гап баъзан сўз-гап ҳолидаги бош гапни изоҳлаб, шарт маъносини ифодалаб келади.Менга битта ишора қилса, бўлгани- ҳаммангиз кетсангиз ҳам майли.

#### **ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП**

Таркибида бош гапдаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага келиши учун зарур ва шарт бўлган, лекин унга тўсиқ бўла олмаган эргаш гапи бўлган қўшма гаплар тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап дейилади. Масалан: Шабада эсиб турган бўлса-да, ҳаво дим ва иссиқ.

Тўсиқсиз эргаш гап кўпинча бош гапдан олдин келади ва бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

1. Феълнинг шарт майли формаси:- сақхам юкламаси орқали: Водий нафаси келиб турса ҳам, ҳали айланма тоғ йўллари тикка, ҳатарли.
2. Феълнинг шарт майли формаси: сақда юкламаси: Гаплар эшитилмаган бўлса-да, мартенчилар бир-бирларини кўз қарашларидан англадилар.
3. Феълнинг сифатдош формаси: ганқдақ ҳам(ям) орқали Боғланади: Бу фактни Носиров таҳлил қилиб берганда ҳам. Саида эътибор бермаган эди.
4. –гани билан формаси орқали боғланади: Отаси насихат қилгани билан, қизи бунга кўнмади.
5. Бўлишсиз шаклдаги буйруқ-истак майли феъллари орқали бирикади. Бунда эргаш гаплар таркибида қанча, ҳар қанча, қанчалик, қандай каби олмошлар иштирок этади. қундузхон ўзини ҳар қанча тутишга уринмасин, оғир йўқотишнинг азоби уни қийнар эзарди.
6. «қарамай», «қарамасдан» кўмакчилари орқали бирикади. Бунда эргаш гапдаги воқеа муҳим бўлишига қарамай, бош гапдаги воқеа-ҳодиса юз бериши ифодаланади: Мартабаси улуғ бўлишига қарамай, энг яқин дўсти ғамхўрлик қилган.
7. – и (б) шаклидаги равишдош орқали бирикади: Чироқ ўчиб, биз қоронғида қолмасмиз. Бунда бош гапнинг кесими кўпинча равишдош формасида бўлади. Равишдош ҳам юкламасини олиб келиши ҳам мумкин. Январ ойи кириб ҳам, ҳавода биронта булут кўринмайди.
8. – гани ҳолда шакли орқали боғланади: Офтоб чарақлаб тургани ҳолда, ёмғир ёғмоқда эди.
9. Аниқ утган замон феълиқхамки ёрдамида бирикади: Орадан икки ой ўтди ҳамки Икромдан дарак бўлмади. Бу ҳолда ҳам бош гапнинг кесими инкор шаклда бўлади.
10. Бўлишли –бўлишсиз ҳолда такрорланган буйруқ, шарт майлидаги феъл билан боғланади: Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кеча томорқамизга катта ҳаво шари кўнди.
11. Баъзан тўсиқсиз эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли формасида боғланади: қилич солса, тўғралмайман. Ўлмайман, ўқ қадалса.

**Жадвал 47**

**Микдор – даража эргаш гап**

| Мазмуни                                                             | Бириктирувчи воситалар                                                  | Ўрни  | Мисоллар                                                                                                                                                                                                                                                                         |
|---------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|-------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бош гапдаги воқеани унинг ҳажми ва даражасига кўра ўлчаб кўрсатади. | са<br>ган сари<br>ган сайин<br>(қанча- шунча,<br>қанчалик-<br>шунчалик) | олдин | У кучаниб қанча қаттиқ пуфласа, пилик шунча ловиллаб ёнарди.<br>Ерга қанча меҳнат сарф қилинса, ҳосил шунча мўл бўлади.<br>қиладиган ишингиз қанчалик улуғвор бўлса, ғайратингиз шунчалик қайнайверади.<br>Биз қанча кўп йўл юрган сайин, манзил шунчалик узоқлашгандай бўларди. |
|                                                                     | ки<br>(шундай, шу<br>қадар, шунчалик,<br>шу даража)                     | кейин | У шундай хушмуомила, шундай ширин сўзки, суҳбатлашиб тўймайсиз.<br>Конверт устидаги адреслар ҳам, фамилиялар ҳам шундай чиройли —либ ёзилганки, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади.                                                                                               |

### **НАТИЖА ЭРГАШ ГАП.**

Бош гапдаги ҳаракатнинг, белгининг натижасини ёки воқеанинг хулосасини кўрсатадиган эргашган натижа, эргаш гар дейилади.

Натижа эргаш гап бош гапга —ки боғловчиси орқали бирикади. Бундай эргаш гаплар кўпинча бош гапдаги ҳаркат белгисини кўрсатадиган шундай, шунақанги, чунки онам каби сўзларнинг маъносини аниқлаштириб келади. Бундай сўзларнинг кўпи аниқловчи эргаш гапли кўшма гапда ҳам қўлланилади: Фарқ шундаки, бу сўзлар аниқловчи эргаш гапли кўшма гап ичида келганда отнинг белгисини билдиради. Натижа эргаш гап кўшма гап ичида келганда эса иш ҳаракатнинг белгисини билдиради. қиёсланг: Шундай одамлар борки, ўзларида ҳеч нима йўқ, бошқаларни кўролмайдилар.

Баъзан натижа эргаш гап бош гапдаги бирам сўзининг маъносини конкретлаштириб келади: Бечора қиз бошига тушган савдоларни бирам йиғлаб қақшаб айтдики, ачинганимиздан кўзларимизга ёш олди.

Натижа эргаш гап доимо бош гапдан кейин келади. Ёмғир шунақанги қўйиб бердики, уйдан чиқолмай қолдик.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 4.1.1. Шартланганлик муносабати нима?
- 4.2.1. Шартланганлик муносабати неча хил эргаш гаплар орқали ифодаланади?
- 4.2.2. Шартланганлик муносабати кўшма гапларда қандай ифодаланади?
- 4.2.3. Сабаб эргаш гапнинг таърифи.
- 4.2.4. Шарт эргаш гап деб нимага айтилади?
- 4.2.5. Тўсиқсиз, мақсад ва натижа эргаш гапнинг таърифлари.

### ***Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар***

1. Эргаш гапларнинг гаплик мақоми.
2. Эргаш гапларнинг таснифи.
3. Эргаш гапларнинг лисоний синтактик қолипдаги ўрни.
4. Эргаш гапли кўшма гаплар ва эргаш гапли кўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз кўшма гаплар талқини.

### **3-мавзу бўйича амалий машғулот**

#### **Ажратилган вақт – 4 соат**

**Дарснинг мақсади:** талабаларнинг эргаш гапли кўшма гаплар, эргаш гаплар, бош гаплар, уларнинг боғланиши, кўшма гап турларининг ўзаро муносабати тўғрисидаги

билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матндан эргаш гапли қўшма гапларни ва уларнинг компонентларини ажрата олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

- 1.Берилган матндан эргаш гапли қўшма гапларни топади.
- 2.Топган эргаш гапли қўшма гапларни таркибий қисмларга ажратади..
- 3.Таркибий қисмларнинг боғланиш усуллари ва воситаларини аниқлайди.
- 4.Эргаш гапларни турларга ажратади.

#### *Ишнинг бажарилиш тартиби*

- 1.Берилган матндаги эргаш гапли қўшма гаплар топилиб, алоҳида ёзилади.
- 2.Топилган қўшма гапларни ҳосил қилган содда гаплар-предикатив қисмлар белгиланади.
- 3.Бу предикатив қисмлар ўзаро қандай боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.
- 4.Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.
- 5.Топилган эргаш гапнинг тури аниқланиб,ёнига ёзиб қўйилади.

#### **44-машқ**

Тошкентнинг Арпаоя маҳалласидаги биринчи уй /афур /уломники эди. Бу ҳовлида бутун дунё шоиру адибларининг йўллари кесишган. Бу уйда ҳинд,араб, италян,турк,чех,афғон, олмон, инглиз,куба,поляк, покистон, фаранг шоирлари мушоира тузишган. Бу уйда ўтмиш, бугун, эртанги адабиётлар ҳақида қизғин баҳслар бўлган. Ўрта Осиё ва қозоғистон,Кавказ адиблари бу уйни ўз уйларидай билишарди. Бу уйда мен Петр Павленкони, Луговскойни, Вера Инберни, Якуб Коласни, Микола Бажан, Николай Тихонов,Константин Симонов,Берди Кербобоев, Самад Вурғун, Жалол Икромий, Абашидзе, Турсунзода, Лохутий, Айнийларни кўрганман.

Бу давраларда /афур /улом тўлиб-тошиб шеърлар ўқирди. Нимаики бисотида бўлса, барини дастурхонга тўкарди. Ҳовлисида пишиб ётган гилосларни сават-сават қилиб ўртага қўярди. Ўғил-қизлар одоб билан хизмат қилишарди. Бу уй Ҳамид /улом, Мирмухсин,Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Разм Бобожон, Шухрат каби шоирлар учун билим юрти эди.

(С. Аҳмад).

#### **45-машқ**

Ойбек ўша пайтларда болалари билан тор бир уйда яшарди. Ижод қилиш учун мутлақо шароит йўқ эди. Эр-хотин ўйлаб-ўйлаб яшаб турган хонанинг шифти билан поли оралиғида болаҳона қилишди. Ойбек унга нарвонда чиқар, то сахаргача мук тушиб ёзарди.Ёзиб чарчаган пайтларда қаддини ростласа, боши шифтга тегарди. Кундузлари баъзан Эски Жувадаги «Октябрь» кутубхонасига бориб ёзарди.

Бу кутубхона илгари «Турон»номи билан аталган. Абдулла қодирий, Чўлпон, Фитрат, /афур /улом, Ойбек, Миртемирлар бу ерга тез-тез келиб туришган «Турон» сўзини эшитганда, Шўро ҳукуматининг лабига учуқ тошарди. Ҳамзанинг «Яша Турон» шеъри ҳам «Яша, Шўро» қилиб ўзгартирилди. Илгари Турон замонга қофия этиларди. Энди Шўро замонга қофия бўлибди. Бечора шеърни куппа-кундузи қароқчилар ечинтириб, қофиясини ўғирлаб кетган эдилар. (С.Аҳмад).

Сўзга чиққан Назир Сафаров шундай дегани кечагидек эсимда (жумлаларни, сўздарни айнан келтираман):

-Ойбекнинг бу романи аригинал асар эмас, плагат. Сиймон Бобойвсканинг «Коволерия золотой звизда» китобидан кўчириб олинган.

Залда гуррос кулгу кўтарилди. Сафаров одамларнинг нимага кулаётганига ҳайрон эди. Ойбек ҳам силкиниб-силкиниб,мириқиб куларди. Сафаров унга ўкрайиб қаради.

-Нега куласиз?

Ойбек ўтирган жойида жавоб қилди:

-Сиз умуман ўрисча билмайсиз. Ўқимагансиз. Китобнинг номини ҳам, авторининг фамилиясини ҳам билмайсиз. Ундан кўчириб олганимни қаёқдан билақолдингиз. Дўстларингиз дурустроқ ўргатишмабди-да...

Пастдагилар чапак чалиб юборишди. Айниқса, студентлар жон- жаҳдлари билан қарсак уришарди.

#### 46-машк

Ватанлар, ватанлар, майли гулласин, боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо, юртим сени фақат бойликларинг-чун севган фарзанд бўлса, кечирма асло! (А.Орипов). Кўнгил!.. тириксан, ўлмагансан. Сен-да одам, сен-да инсон сен. Кишан кийма, бўйин эгма, кий, сен ҳам ҳур туғилгонсен!.. (Чўлпон). Мозийга қараб иш тутиш ҳайрлидир! (А.қодирий). Итоат эт! Агар сендан ватан рози эмас бўлса, ёрил, чақмоққа айлан сен, ёрил! Майли, тамом ўлсам!.. (У.Носир). Ҳар лаҳза замонлар умридан узун, асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал, умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун қудратли қўл билан қурайлик ҳайкал (/./улом). Хуррият, келдингми, наҳотки келдинг, келар йўлларида пинҳона толдим. Менинг ота-онам, жон Ватанимда, элим тақдирида абадий қолдинг! (Зулфия). Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир!(Муҳаммад Зехний). Инсоният фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш қанчалар буюк ишдир, ўзини меҳнатдан озод қилиш жиноятдир (Л.Н.Толстой). Софдил кишилар, саййитлар, олмлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди, чунки бу инсонлар мамлакат ривожда устундирлар (А.Темур). Маданий вахшийлик-барча вахшийликдан ёмонроқдир. (К.Велер). Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.(М.Сервантес).

#### 47-машк

Инсоннинг икки умри бор, бири ҳаётлигида, бири оламдан ўтганида, дедилар. Иккинчи умр асосий умр эмиш. Билмадим, бу гапни қайси донишманд ўйлаб топдидикин? Бу гап биронта қорни тўқ, омади чопган одамдан чиққан бўлса ажабмас. Ахир инсон бу дунёга нима учун келади? Ёруғ жаҳоннинг жамолига тўйсам, роҳат-фароғатда яшасам, худо берган умримни одамдек яшаб ўтказсам, дейди. (С.Аҳмад).

Шойимардон бир лаҳза жим қолди. Микрофон яна баттарроқ бижиллаб, бўғиқ овоз чиқарди. Яна Шойимардоннинг хириллаган овози эшитилди:

-Эдике, айланай сендан, ҳа деб бошимни ачитаверма. Ўлган бўлса ўлибди, энди нима ҳам қилардик... Менда бошқа одам йўқ. Ўликнинг бошида ўтиришдан не фойда? Марҳум тирилиб қолади, деб ўйлайсанми?

...- Нима демоқчисан ўзи? ўрнингга одам йўқ. Ўликнинг ёнига ярим тунда бориб нима қиласан?

Жаноза ўқийман. Ирим-сиримини қилиб, марҳумнинг ҳаққига дуо қиламан.

-Жаноза ўқийсан? Сен-а, Эдигей Бўрон-а?

-Ҳа, мен. Жаноза ўқийман.

Ана ҳолос... Ҳалигидай, Совет ҳокимиятининг ташкил этилганига олтмиш йил тўлганда-я? (Ч.Айтматов).

Балки бу беклар чиндан ҳам Бобурни алдаётгандир? Балки мана шунақа беклар Ахсида Умаршайх Мирзони жардан итариб юбориб ўлдиргандирлар? Балки булар эрта-индин Бобурнинг жонига ҳам қасд қилишар? Бирдан Бобурнинг беғам юрган дамлари эсига тушди. Кечагина у тенгдош ўртоқлари билан от чоптириб ўйнаб юрмаганмиди? Бобурни чирмаб айлантираётган даҳшатли қуюун мана шу қора булутларнинг шамоли эмасмикан? (П.қодиоров).

#### 48-машк

Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг тоқ бўлса, ўтма номард кўпригидан, сув сени оқизса ҳам. (Оразий). Доно аёл! Агар эринг барча бўш вақтини сен учун сарфлашини истасанг, унга ҳеч қаерда кўрмаган, ҳис қилмаган иззат-икром ва лаззатлар ато қил. (Пифагор) Молу-пулинг кетса-кетсин, аммо вақтингни зое кетказма. (Оталар сўзи). Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз.(Бехбудий). Дарих тутманг, илм учун кетса молу-жон,

ўқув фарзлиги минг йўл қуръонда фармон. (Ҳамза). Яхшиси биз ўзимизни мақтамайлик, биров бизни мактасин.(Демокрит). Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак. (И.Каримов). Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳр-муҳаббат уйғонур. (Ҳадисдан). Ҳақиқатни астойдил яхши кўрмасдан, уни тан олиш мумкин эмас. (Р.Тагор). Инсонда ҳамма нарса: чеҳра ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, тафаккур ҳам гўзал бўлиши керак. (А.П.Чехов) кўрқув нималигини билмай, ўлимга мардона тик борган одамни мард деса бўлади. (Арасту) Давлатингдан айрилсанг – кўп нарса йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг – кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг – ҳамма нарсангни йўқотганинг. (И.Гёте) Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради (Ҳадис)

### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

#### **1-топшириқ.**

1. Пайт маъносини ифодаловчи синтактик қурилмаларга 6 та мисол топинг.
- 2.Пайт эргаш гапли 2 та қўшма гап тузинг. Эргаш гапнинг кесими,-б, иб, қўшимчали равишдош ва шарт майли орқали ифодалансин.
3. Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапларга қиёсий характеристика беринг.

#### **2-топшириқ**

1. Шартланганлик муносабати нима?
- 2.Ушбу гапларнинг бош ва эргаш компонентларини топинг ва эргаш гапларнинг турини белгиланг: Бахтим борки, олам гўзал кўринар. Одам борки, одамларнинг нақшидир.
3. Боғловчи воситаларни умумлаштириб беш турга ажратинг.

#### **3-топшириқ**

1. Шартланганлик муносабати неча хил эргаш гаплар орқали ифодаланади?
2. Шартланганлик муносабати қўшма гапларда қандай ифодаланади?
3. Натижа эргаш гап билан аниқловчи эргаш гапнинг фарқини тушунтиринг.

### **АДАБИЁТЛАР**

- 1.А./уломов, М. Аскарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили .Синтаксис.Дарслик. Т «Ўқитувчи» 1987 , 171-194 бетлар.
2. Н.Маҳмудов А Нурманов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси .Т. «Ўқитувчи» 1995 , 156-172 бетлар.
3. А.Нурманов, Р.Расулов .Ўзбек тили жадвалларда. Методик қўлланма. Т.«Ўқитувчи» 1998 , 137-144 бетлар.

### **4- МАВЗУ: БО/ЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАП.**

#### **АЖРАТИЛГАН ВАҚТ : 2 соат**

#### **Мавзу бўйича асосий саволлар :**

1. Боғловчисиз қўшма гап ва унинг турлари ҳақида умумий тушунча.
2. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.
3. Эргаш гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.

#### **Таянч тушунча ва атамалар.**

Боғловчисиз боғланиш, тенгловчи интонация, тобеловчи интонация.Мазмуний боғланиш. Синтактик параллелизм (мувозийлик), эллипсис, умумий иккинчи даражали бўлақлар.

#### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапнинг алоҳида тури сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатда ҳам шундайми?Ёки у тобе ва тенг алоқали қўшма гапларнинг боғловчисиз бир кўринишими?

2. Боғловчисиз қўшма гаплар ўз ичида иккига бўлинади: боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап. Боғловчисиз қўшма гапларнинг на боғланган, на эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлмаган махсус тури борми? Бор бўлса, унинг қисмлари ўзаро қандай синтактик муносабатда бўлади?

**1-м а с а л а . Боғловчисиз қўшма гап ва унинг турлари тўғрисида умумий тушунча.**

**Дарснинг мақсади:** талабаларда боғловчисиз қўшма гап ва унинг турлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :**

- 1.1. Боғловчисиз қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.
- 1.2. Боғловчисиз қўшма гапнинг ички типларини айтиб беради.
- 1.3. Боғловчисиз қўшма гапни топиб беради.
- 1.4. Боғловчисиз қўшма гапнинг асосий хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 1.5. Боғловчисиз қўшма гапларида интонациянинг асосий восита эканлигини асослаб беради.

1-масала баёни.

1. Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг боғловчиларсиз, фақат мазмун ва бирлаштирувчи интонация ёрдамида боғланишидан ташкил топган синтактик тузилмалар боғловчисиз қўшма гап дейилади. Одамнинг танасида чоракам беш литр қон бор, шунинг ҳаммаси тахминан ҳар минутда бир марта юракдан ўтиб туради.

Боғловчисиз қўшма гапнинг компонентлари бир-биридан санаш интонациясига ўхшаш тугалланмаган интонация билан ажралиб туради ва унда воқеаларнинг бир вақтда ёки кетма-кет юз бериши кўпроқ тасвирий тарзда ифодаланади. Дарахтларнинг устидан онда-сонда қушларнинг садоси бир зумгина янграб, яна жимлик чўкарди.

Боғловчисиз қўшма гап компонентлари тенг ёки эргаштирувчи боғловчиларсиз бирикади. Бироқ боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган содда гапларнинг тузилишида лексик, морфологик, синтактик параллелезм (мувозийлик) мавжуд бўлади. Бу ҳолатлар қисмларни боғланган қўшма гапга ҳам, эргаш гапли қўшма гапга нисбатан ҳам зич бўлаб, маълум қўшма гап турининг тузилишига сабаб бўлади.

Хуллас, оҳанг, интонация боғловчисиз қўшма гаплар тузилишида асосий, ҳал қилувчи восита ҳисобланади. оҳанг боғловчисиз қўшма гапларда турлича маъно ва маъно нозикликларининг ифодаланишида ҳам асосий омилдир.

Шу маънода боғловчисиз қўшма гап боғланган ёки эргаш гапли қўшма гапларнинг бир варианты эмас, балки алоҳида бир типидир, дейиш мумкин.

Гапларни бириктирувчи грамматик воситалар қатнашмаганда айрим сўз ва оҳанг воситаларининг роли ортади. Шу сабабли боғловчисиз қўшма гапларнинг компонентларини боғлашда айрим сўзлар, умумий иккинчи даражали бўлақлар, айрим гап бўлақларининг такрорланиши, компонентлар кесимларининг бир хил замон ва шаклда бўлиши, эллиптик қурилмалар муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун бу хил қўшма гапларга нисбатан боғловчисиз атамасини қуллаш шартли бўлиб қолади. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтилган воситалар ҳам кенг маънода боғловчи воситалардир.

Боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг муносабати жиҳатидан икки хил бўлади: 1) тенг қисмли қўшма гап, 2) тобе қисмли қўшма гап.

Биринчи тур боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро мазмунан тенг муносабатда бўлади ва тенгловчи интонация (оҳанг) орқали боғланади. Шу жиҳатдан боғланган қўшма гапга ўхшайди. Улар ўртасидаги фарқ боғловчисиз қўшма гапларда тенг боғловчиларнинг қўлланмаслигидадир. қиёс учун: Ялпи йиғилиш ўз ишини соат ўн икки тугатди, шўбаларники соат бешда. Ялпи йиғилиш ўз ишини соат ўн иккида тугатди, шўбалар эса соат бешда тугатди.

Иккинчи тур боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро тобе муносабатда бўлади ва тобеловчи интонация (оҳанг) орқали боғланади. Шу жиҳатдан улар эргашган (эргаш гапли) қўшма гапга ўхшайди. қўшнинг тинч – сен тинч. қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинч бўласан. Шулардан келиб чиққан ҳолда боғловчисиз қўшма гапларни икки турга ажратиш мумкин.

1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.
2. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 1.1.1. Боғловчисиз қўшма гап деб нимага айтилади ?
- 1.2.1. Боғловчисиз қўшма гаплар ўз ичида қандай турларга бўлинади?
- 1.4.1. Боғловчисиз қўшма гапнинг асосий хусусиятлари.
- 1.5.1. Боғловчисиз қўшма гапни юзага келтирувчи асосий восита нима?

**3-масала.Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.**

**Дарсининг мақсади:** Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :**

- 3.1.1.Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни тавсифлайди.
- 3.2.1.Шу турдаги боғловчисиз қўшма гапни топиб беради.
- 3.3.1.Боғловчисиз қўшма гапнинг эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлишини асослаб беради.
- 3.4.1. Берилган боғловчисиз қўшма гапга баҳо беради.

**3- масала баёни :**

Боғловчисиз қўшма гапнинг яна бир тури эргаш гапли қўшма гапга ўхшайди, шунга кўра уларни эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап дейиш мумкин. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

1. Эргаш гапли қўшма гаплар эргаштирувчи боғловчилар ёки шу вазифалардаги бошқа грамматик воситалар орқали боғланса, уларга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар тобеловчи интонация ёрдамида боғланади. Бунда олдинги компонентда интонация баландроқ, кейингисида пастроқ бўлади. Бировга айта кўрманг-икковимиз ҳам балога қоламиз. Бировга айтсангиз, икковимиз ҳам балога қоламиз.
2. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап компонентлари ҳам эргаш гапли қўшма гаплар сингари шарт, пайт, тўсиқсизлик, сабаб, ўхшатиш, натижа каби маъно- муносабатларини ифодалайди. Масалан: Олдига яқинлашдинг- шовкин солади. (пайт). Ит хуради – карвон ўтади. (тўсиқсизлик) У дарёга шунчалик берилиб термилди, сойнинг ўртасида сув ичаётган отнинг пишиллаши ҳам эшитилмади. қор ёғди-дон ёғди (ўхшатиш), Сизга ишонаман, акамдек кишисиз.(сабаб). Ҳозирданоқ кўриниб турибди: сиз дангасалик, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз. (боғловчисиз).

Бундай қўшма гапларнинг кўпчилигини уларга эргаштирувчи боғловчиларни киритиб эргашган қўшма гапларга айлантириш мумкин. Лекин эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳамма тури ҳам боғловчисиз формада келавермайди. Чунончи, равиш, чоғиштириш, ўлчов-даража, ўрин эргаш гаплар боғловчисиз келмайди. Чунки бу хил гапларда боғловчилар ёки нисбий сўзлар туширилганда, шу турдаги қўшма гап ҳосил бўлмайди.

қуйидаги эргаш гаплар боғловчисиз қўшма гапларга синоним бўлади:

Шарт эргаш гап, пайт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап, сабаб эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, эга эргаш гап, кесим эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап.

Масалан: Тўғри бўлинг – беҳавотир бўласиз.

Ўзим ҳар жойдаман – кўнглим сендадир.

Кўркитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз.


Яхшиси шу: биздан ҳавотир олмай, капсанчилар олдига боринг.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг шундай типлари ҳам борки, уларнинг компонентларини боғлаш учун ҳеч қандай боғловчини қўллаб бўлмайди. Бўлар боғловчисиз қўшма гапнинг боғловчили қўшма гапларга синоним бўлмаган ўзига хос бир турини ташқил

килади. Мақол, матал, топишмоқлар доирасида бундай боғловчисиз қўшма гаплар модели кўп учрайди. Масалан: Усма кетар- кош колар. Меҳнатсиз турмуш-ўғирлик, санъатсиз турмуш – вахшийликдир.

Боғловчисиз қўшма гапнинг таҳлил намунаси. Ҳаёт бор-мудрашдир, ҳаёт бор-қўраш!

1. Иккита боғловчисиз қўшма гапдан тўзилган боғловчисиз мураккаб қўшма гап.
2. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга синоним.
3. Схемаси:



#### Муҳокама учун саволлар

- 3.1.1. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?
- 3.1.2. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро қандай боғланади?
- 3.3.1. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапнинг қайси турларига боғловчи грамматик воситаларни киритиш мумкин, қайси турларига киритиш мумкин эмас?

#### 2-м а с а л а . Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.

**Дарсининг мақсади:** Талабаларда боғланган қўшма гапга ўхшаш боғловчисиз қўшма гаплар тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ :

- 2.1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни тавсифлайди.
- 2.2. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни ажратиб бера олади.
- 2.3. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапнинг боғланган қўшма гапга ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлайди.
- 2.4. Берилган боғловчисиз қўшма гапга баҳо беради.

#### 2-м а с а л а б а ё н и :

Боғловчисиз қўшма гапнинг бир тури компонентларнинг мазмун муносабатига, грамматик шаклига кўра боғланган қўшма гапга ўхшайди. Шунинг учун уларни боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап дейиш мумкин. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топган.

1. Боғловчисиз қўшма гапнинг бу тури боғланган қўшма гап сингари ўзаро тенг муносабатдаги икки содда гап компонентидан ташқил топади. Тушга бориб паға-паға қор ёғди, ҳамма ёқ оппоқ либосга бурканди.
2. Ҳар икки турдаги қўшма гапда ҳам бир вақтда ёки кетма-кет юзага келадиган воқеа - ҳодисалар ифодаланади: Деразадан шамол кирди, қоғозлар учиб кетди – кўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.
3. Боғланган қўшма гап тенг боғловчилар, унга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап тенгловчи интонация билан боғланади: Бирдан чироқ ўчиб қолди ва шовқин- сурон бошланди – Бирдан чироқ ўчиб қолди, шовқин-сурон бошланди.
4. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар сингари чоғиштириш, зидлаш маъноларини ифодалайди. Масалан, Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб. Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар. Тиғ-яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.

Боғловчисиз қўшма гапнинг боғланган қўшма гапга синонимлигини, ўхшашлигини кўрсатувчи яна қуйидаги белги- хусусиятлари бор:

1. Кетма-кет юзага келадиган воқеа-ҳодисани ифодаловчи компонентларнинг феъл кесимлари боғланган қўшма гаплардаги сингари бир хил формада ҳам (бу кўп кузатилади), Ҳар хил формада ҳам қўлланади. Масалан: қўявер, яна бироз синаб кўрайлик. Гулнор бошини Йўлчининг кўкрагига суқиб йиғлади, Йўлчи уни эшик олдига олиб борди.



2. Кетма-кет юзага келадиган ҳаракат ҳали бажарилмаган, эндигина мўлжалланган бўлиши мумкин: Келса овора бўлмасин, ўзимиз бора қолайлик.
3. Кетма-кетлик мазмунини аниқроқ кўрсатиш учун боғланган қўшма гапдаги сингари пайт равишлари қўлланади. Масалан: Саида ҳақида яна икки оғиз гапирай, сўнг бошқа гапларга ўтамыз.
4. Предикатив қисмлар учун умумий сўзлар ишлатилади: Собирнинг юраги пўкиллайди, оқлари калтирайди. Бир оздан сўнг музика чалинади, ўйин бошланади.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 2.1.1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қандай воқеаларни ифодалайди?
- 2.1.2. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган қўшма гап компонентлари ўзаро қандай мазмун муносабатига эга?
- 2.1.3. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап компонентлари ўзаро қандай боғланади?
- 2.1.4. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап кесимлари қандай ифодаланади?

### ***Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар***

1. Боғловчисиз қўшма гап қўшма гапнинг алоҳида турими?
2. Боғловчисиз қўшма гап турларининг аслида боғланган қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гапларнинг бир типи эканлиги.

### ***4- мавзу бўйича амалий машғулот***

#### ***Ажратилган вақт – 2 соат***

Дарснинг мақсади: талабаларнинг боғловчисиз қўшма гаплар, уларнинг хусусиятлари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матндан боғловчисиз қўшма гапни ажрата олиш ва мустақил ҳолда шундай гаплар туза олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### ***Идентив ўқув мақсадлари***

1. Берилган матндан боғловчисиз қўшма гапларни топади.
2. Топган боғловчисиз қўшма гапларни таркибий қисмларга ажратади..
3. Таркибий қисмларнинг боғланиш усуллари ва воситаларини аниқлайди.
4. Боғловчисиз қўшма гапларни турларга ажратади.

### ***Ишнинг бажарилиш тартиби***

1. Берилган матн (машқ)даги боғловчисиз қўшма гаплар топилиб, алоҳида ёзилади.
  2. Топилган қўшма гапларни ҳосил қилган содда гаплар-предикатив қисмлар белгиланади.
  3. Бу предикатив қисмлар ўзаро қандай воситалар орқали боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.
  4. Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.
  5. Топилган қўшма гапнинг тури аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.
- 49-машқ. Сени ҳурмат қилишларини истасанг, ўзингни ҳурмат қил (Б.Грасиан). Нуқсонсиз одам эмас, балки фазилатли одам ҳурматлидир (В.О.Ключевский). Одамлар билан уларнинг ақлига монанд гаплаш (Саъдий). Тилнинг ақлдан олдинга кетишига йўл қўйма (Хлон). Сўз таъсир қилмаган одамга, калтак ҳам ўтмайди (Сукрот). Айтар сўзинг бўлмаса, сукут сақлаганинг маъкул (В.Г.Белинский). Инсонлик баҳсда ва сафарда билинади (Ж.Гербет). Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг, ухлаганларни агар қодир эсак, уйғотамиз (А.қодирий). /афлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод, ким етар мақсадга, ҳар ким бўлса бедорроқ (Бобур). Биз шундай лирик шеърлар, лирик қўшиқлар яратайликки, улар меҳнаткаш омманинг ичига кириб кетсин. (Ойбек). Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчидир. (А.Навоий). Икки бора қилинган иш пухта бўлади. (Арасту). Иш-қайсар ва кучли ҳайвондек гап уни усталик билан бошқариш керак, жилловини яхши тутмасанг, сени

янчиб кўяди.(М.Горький). Агар сен нимадир қилаётган бўлсанг, яхшилаб бажар. Яхши бажариш кўлингдан келмаса ёки хоҳламасанг, яхшиси, у ишни йиғиштириб қўй. (Л.Н.Толстой). Ишни яхши бошласанг-ярмини бажардим деявер.(Афлотун). Ишнинг боши-ишнинг ярмидан ҳам кўпроқ.(Арасту). Биринчидан, ҳеч бир ишни сабабсиз ва мақсадсиз қилма, иккинчидан, жамият фойдасига ўтмайдиган ҳеч бир иш қилма.(М.Аврели). Ишни унинг мақсади бошқариб туради, буюк мақсадга қаратилган иш буюк иш деб ҳисобланади.(А.П.Чехов).

#### **50-машқ**

Саидахон уйим-жойим деган одамлардан эди. қай юртга бормасин бир кундаёқ уйини соғиниб қоларди. 1963 йили бир муддат ҳасталаниб қолди. Врачларнинг маслаҳати билан Трускавец деган курортда даволаниши керак эди. Бу курортга путёвка топиш жуда мушкул экан. У ёққа югуриб, бу ёққа югуриб иложини қилолмадик. Охири собиқ Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари аралашиб, Украина Компартияси Марказий Комитети орқали путёвка олинди. Хуллас, кўпчилик бўлиб Саидахонни поездга чиқариб қўйдик. Кетар олдидан эндигина уч ёшга тўлган Нодирани бағрига босиб йиғлаб юборди.

-Боламга яхши қаранглар. Иссиқ-совуғига хушёр бўлинглар,- деб қайта-қайта тайинлади. – Ҳиди келиб турсин, деб битта ювилмаган кўйлагини олиб кетаяпман, кидириб юрманглар. Эртасига ишдан келиб дарвоза ёнбошидаги қўнғироқ тутмасини босдим. Эшикни Саидахон очди.

Уни қарангки, поезд Саксовул деган станцияга етганда Саидахон вагондан тушиб қолибди. Боласини соғиниб кечаси билан мижжа қоқмабди. қизининг кўйлагини ҳидлаган сайин баттар соғиниб кетаверибди. Охири Львовгача олинган билетини проводникка бериб орқага қайтибди. Шунча пуллик путёвка ҳам, Тошкент-Москва, Москва-Киев, Киев-Львов поездининг билетлари ҳам қўйиб қолаверди. (С.Аҳмад)

Шундай гаплар, йигитларжон, сизнинг ўрнингизни ҳеч ким босолмайди. Ота-она учун ўғилдан кўрган роҳат ҳақиқий роҳат, қолгани миннатлидай туйилаверади.. ўнта бўлса ўрни бошқа, дейди халқ. Акаларим ё укаларим қараяпти, деб ғофил бўлманг. Улар ўша келмаган боласига умидвор бўлаверадилар. Ўн ўғлон бир нонвойдан биттадан нон олиб келтирса, билингки, ота-онангиз бу нонлардан ўн хил маза туйиб ейдилар.

Ўғлоним, ўғилни ўтиб кетсам уйимнинг чироғини ўчирмайди, деб ҳам тилайдилар. Падарингиз уйи авлодингизнинг руҳлари-ю, тириклари тўпланадиган жой. Имконингиз етганча у ерни обод қилишга интилинг. Жами дунёнингизни сотсангиз ҳам уни сотманг, йўқотманг. Ёки мерос илинжида у ерни жанжалхонага айлантирманг. Ота-онамизни тириклигида баъзиларимиз куйдирганимиз етади, уларнинг руҳларини ҳам чирқиратиб қўймайлик.

Улар руҳини шод этишни жуда истасангиз, мол-қўй суйишнинг ўрнига улардан қолган амаки-тоға, амма-холаларни йўқланг, дўсту қадрдонларини, улар ёқтирган кишиларни зиёрат қилинг. Ота-онангиз ўтгандан кейин, ўзингизни синамоқ учун ҳам уларни танийдиганлар билан бир суҳбатлашиб кўринг-тамоман янгиланасиз, юрагингиз сув ичгандай бўлади... (Т.Содиқова).

#### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

##### **1-топшириқ**

- 1.Боғловчисиз қўшма гапнинг асосий хусусиятларини шарҳланг.
2. Боғловчисиз қўшма гапни юзага келтирувчи асосий восита интонация эканлигини асосланг.
- 3.Эргаш гапли қўшма гапда интонация асосий восита бўлмаслигини исботланг.

##### **2-топшириқ**

1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапнинг боғланган қўшма гапга ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб беринг.

- 2.Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапнинг қайси турларига боғловчи грамматик воситаларни киритиш мумкин, қайси турларига киритиш мумкин эмас? Сабабларини баён қилинг.

## МОДУЛ БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

1.Фикр ифодалаш учун гапнинг содда шакли қандай зарур бўлса, қўшма гап формаси ҳам шундай зарурдир. Чунки уларнинг ҳар қайсиси нутқда ўз ўрни, ўз вазифасига эга. Шунинг учун ҳамма вақт ҳам уларнинг бирининг ўрнида иккинчисини ишлатиб бўлмайди, уларнинг ҳар бири ўз вақти ва ўз ўрнида даркордир. қўшма гап тузиш учун: биринчидан, камида иккита содда гап, предикатив бирлик бўлиши, иккинчидан, бу содда гаплар мазмунан ва мантииқан муносабатга киришган бўлиши, учинчидан, улар грамматик жиҳатдан тўғри шаклланган, яхлит, бирлаштирувчи интонацион, бутунликка эга бўлиши лозим. Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топган бир бутун бирлаштирувчи интонация билан айтилувчи синтактик қурилма қўшма гап дейилади.

2.Ўзбек тилида бир қарашда қўшма гапга ўхшаб кетадиган, бироқ аслида содда гап ҳисобланган қуйидаги каби синтактик бутунликлар мавжуд:

1)бир эгага тобеланиб келадиган уюшиқ кесимли гаплар: Бунда уюшиқ кесимлар баъзан бир хил, баъзан ҳар хил шаклланган бўлиши мумкин. Мен уларнинг ҳар бирига навбат билан сув ичираддим, чивинларни елпиғич билан қувардим, бошқа ишларига ҳам қўлимдан келганича ёрдам берардим.

2)равишдош оборотли содда гаплар: Икромжон чолга яқинлашгач, унга эҳтиром билан қўл узатди.

3)сифатдош оборотли қўшма гаплар: Холмурод гузардан ўтар экан, правление дарвозаси олдида Абдурашул билан Меливойни кўрди.

4)мураккаб таркибли шарт ёки тўсиқсиз ҳолли содда гаплар. Мабодо бир ишдан кейин шунда бир пас чўзилиб, бир чимдим ухлаб олсанг, кучга тўлиб, яйраб коласан. Демак, бу каби синтактик бутунликлар қўшма гап ҳисобланмайди.

3. Бироқ эгаси мазмунан умумий бўлган қуйидаги синтактик бутунликларни қўшма гап ҳисоблаш лозим:

а)қўшма гапнинг иккинчи қисмида эга у, ўзи олмоши орқали ифодаланади. Мунчоқ эмас виждон, у-гавҳар.

б)ҳар икки қисмида бир хил эга такрорланган синтактик конструкциялар қўшма гап саналади: Йўлчи учун бу қиз энди бегона эмас, у Ёрматнинг кизи, у яқин.

4. қўшма гап қисмлари ўзаро турли воситалар: грамматик воситалар(боғловчилар, қўмакчилар, юкламалар, келишиқ қўшимчалари ана шундай воситалардир), лексик-грамматик воситалар( феълнинг нокатегориал – функционал шакллари), лексик воситалар(боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг боғланишида лексик воситаларнинг хизмати каттадир. Улар интонация билан бирга боғловчисиз қўшма гапларни ҳосил қилувчи асосий воситадир. қўшма гап қисмларининг боғланишида фаол қатнашадиган махсус лексик воситалар асосан қуйидагилардир: яъни, умуман, бир сўз билан, бошқача айтганда, шу билан бирга, тўғрироғи, шунга қарамай, аксинча, акс ҳолда, биринчидан, иккинчидан, аввало, қолаверса, унингча, бахтга қарши, бундан ташқари, шекилли, натижада, бунинг натижасида, ниҳоят, шундан кейин, шундан буён, шунда, унда, шу, у, шундай кабилар шулар жумласидандир), гап бўлақларининг такрорланиши (Масалан: Менинг домлам йўқ, домлам икки кўзим), умумий иккинчи даражали бўлақлар(Масалан: Унинг кичик қисик кўзлари ёмон ёнди, қалин лаблари титраб кетди), оҳанг ва тартиб (Оҳанг боғловчисиз қўшма гапларнинг турли типини ҳосил қилишда муҳим рол ўйнайди: қўшнинг тинч-сен тинч. Сув келди - нур келди-Нур келди - сув келди.)

5.қўшма гаплар уч нуктаи назардан, уч хил мезон асосида тасниф қилинади:

-тузилишига кўра.

-боғловчи воситаларнинг иштирок этиши-этмаслигига кўра.

-компонентларнинг мазмун - муносабатига кўра.

қўшма гаплар тузилишига кўра иккига бўлинади: а) икки компонентли қўшма гаплар; б) кўп компонентли қўшма гаплар; боғловчиларнинг иштирок этиши-этмаслигига кўра ҳам иккига бўлинади: а) боғловчили қўшма гаплар; б) боғловчисиз қўшма гаплар;

компонентларнинг мазмун-муносабатига кўра эса учга бўлинади: 1. Тенг алоқали қўшма гаплар. 2. Тобе алоқали қўшма гаплар. 3. Аралаш алоқали қўшма гаплар. Сўнгги тасниф қўшма гапларни турларга ажратишда асосий ҳисобланади. Чунки унда қўшма гапларнинг фарқловчи белгисига асосланилган. Бошқа таснифларда асосий ролни ташқи-шаклий белгилар ўйнаган. Шунинг учун улар қўшма гапларни тўлиқ белгисини кўрсата олмайди. Бироқ анъанавий грамматикада қўшма гаплар қуйидагича уч турга бўлиб ўрганилади:

1. Боғланган қўшма гап
2. Эргаш гапли қўшма гап.
3. Боғловчисиз қўшма гап.

**Боғланган қўшма гап.** Икки ёки ундан ортиқ, бири иккинчисига тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли содда гапларнинг тенг боғловчилар ва шу вазифадаги юкламалар ёрдамида бирикувидан юзага келган қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар дейилади. Боғланган қўшма гап компонентлари ўзаро ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, ё, ёки, дам ... дам, баъзан ... баъзан, гоҳ .. гоҳ каби тенг боғловчилар ва шу вазифадаги -у (-ю), -да юкламалари баъзан бўлса, эса ёрдамчилари орқали бирикади. Масалан: Шу онда чироқ шарақлаганича ерга тушиб, чилпарчин бўлди. Абайнинг ранги ўчди-ю, кўзлари оқ шоҳи чўққиларга тикилганича қолди: Пушкин эсига тушди. Козимбек қилмишидан ҳижолат, Саида эса ундан бирон оғиз сўз кутар эди.

Боғланган қўшма гаплар ўз ичида тўртга бўлинади: а) бириктирув боғловчили қўшма гап; б) зидлов боғловчили боғланган қўшма гап; в) айирув боғловчили боғланган қўшма гап; г) инкор боғловчили боғланган қўшма гап.

\*Бириктирув боғловчили қўшма гапларнинг қисмлари маълум бир пайтда ёки кетма-кет руй берган воқеа-ҳодиса, ҳаракатларни билдириб келади ва ва, ҳам, ҳамда, бўлса, эса ёрдамчилари, юкламалар ёрдамида боғланади. Масалан: Кампирнинг ҳаяжонли товуши чор деворлардан оша кетди ва бу хушхабар бир зумда ҳаммага эшитилди.

\*қиёслаш мазмун муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар зидлаш, қиёслаш, изоҳлаш каби маъно оттенкаларини руёбга чиқаради.

-қўшма гап қисмларининг умумий мазмуни ёки гаплар таркибидаги айрим бўлақлар бирор томондан бир-бирига зид қўйилади. қисмлар аммо, лекин, бироқ зидловчи боғловчилари ёки шу вазифадаги -у, -ю юкламалари орқали бирикади. Най ҳам дурустгина чалинди, лекин Рафийқ дарров синдириб ташлади. қуёш чикиб турибди-ю, ҳаво совук.

Зидлаш муносабати «ва», «лекин» боғловчиларини бирга «ва лекин» тарзида ишлатиш билан ҳам ифодаланади: Ҳамон чопиб боради ва лекин кўкраги қон.

-қиёслаш орқали воқеа-ҳодиса предмет ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги фарқлар очилади. қиёслаш муносабати асосан бўлса, эса шаклидаги юкламалар, зидловчи боғловчилар ёрдамида ифодаланади. Бу хил қўшма гап қисмларининг структурасида маълум параллелизм бўлади. Хонзода сен шу ишни бажар, бойдан кутулсан, мен бўлсам ўз мақсадимга етаман.

-Айирув муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар кетма-кет ёки бир-бири билан алмашилиб турадиган, навбатма-навбат юзага келадиган бирдан ортиқ воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатни ифодалайди. Бундай қўшма гап компонентлари гоҳ..., гоҳ..., баъзан..., баъзан; дам..., дам..., ё..., ё..., хоҳ..., хоҳ; бир..., бир... каби айирув боғловчилари орқали боғланади. Бу боғловчилар қўшма гапдаги компонентларни айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади. Бу боғловчилар деярли ҳар бир предикатив қисмнинг бошида такрорланиб келади. Гоҳ осмонни тутиб ашула янграр, гоҳ аллакаерда гармон товуши эшитилиб турар эди.

-Инкор боғловчи - юкламаси воситасида бириккан предикатив қисмлар икки ва ундан ортиқ бўлиб, инкор маъносини санаб кўрсатади. На бир уйнинг мўрисида тутун чиқади, на бирор дарахт кўринади.

На инкор боғловчи - юкламаси ҳам такрорланиб ишлатилади ва инкор маъносидаги содда гапларни боғлайди.

Инкор боғловчи - юкламаси на ёрдамчи вазифасида келганда боғловчидан кўра юкламага яқин туради. Бу ёрдамчи инкор маъносини кучайтиради (ўқимади, ёзмади - на уқимади, на ёзмади) ёки гапга инкор оттенкасини қўшади. Акамдан хат келди - на акамдан хат келди, на сендан хабар. Умуман на инкор боғловчи юкламаси иштирок этган гапларнинг мазмунидан

ҳамма вақт бўлишсизлик маъноси англашилиб туради: На ўқимайди, на ёзмайди - на ўқийди, на ёзади. Унинг боғловчи - юклама дейилиши ҳам шундан.

Эргаш гапли қўшма гап.Бири ҳоким, бири тобе бўлган гапларнинг ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчи вазифасидаги бошқа грамматик воситалар орқали боғланиши асосида юзага келган синтактик конструкция эргашган қўшма гап дейилади.

-Ҳоким ҳолатидаги гап бош гап, тобе ҳолатдаги гап эса эргаш гап деб юритилади. Бош гап ҳоким бўлса-да, маъноси ноаниқ, номаълум бўлади, изоҳлашни, аниқлашни, тўлдиришни талаб қилади. Эргаш гап бош гапга боғланиб, унинг бирор бўлагини ёки бутун бир гапни изоҳлайди. Бу хусусияти билан эргаш гап содда гап бўлакларига ухшайди.: Эшитдимки, қаҳрамон ном олибсан. гапидаги эргаш гап– бош гапдаги ҳаракат объектини изоҳлайди.

Эргаш гапларнинг ҳаммаси мустақил содда гапларга хос асосий бир шартга –маълум мазмун муносабатини ифодалаш, пауза билан ажралиш хусусиятларига эгадир.

Ўзбек тилида эргаш гапни бош гапга бириктиришда эргаштирувчи боғловчилар,феъл формалари,юкламалар, кўмакчилар,боғловчи сўзлар,нисбий сўзлар, келишиқ қўшимчалари,-дай (дек) аффикслари,интонация ва тартиб каби воситалар хизмат қилади.

\*Эргашган қўшма гаплар эргаш гапларнинг маъноларига қараб турларга ажратилади. Эргаш гаплар бош гапнинг ёки бош гапдаги гап бўлакларидан бирининг маъносини аниқлаб, изоҳлаб келади. Шу жиҳати билан у гап бўлакларига ўхшайди. Шунинг учун эргаш гапларни турларга ажратишда гап бўлаклари номидан унумли фойдаланилган. Эргаш гапларнинг тўрт тури тўғридан-тўғри гап бўлаклари номи билан юритилса, қолганларининг номланишида ҳам гап бўлаги (ҳол)нинг маъно турлари муҳим рол ўйнайди.

Ўзбек тилида эргаш гапларнинг қуйидаги турлари аниқланган:

эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, шарт, тўсиқсизлик, мақсад,, сабаб, натижа, ўрин, пайт, равиш, ўлчов–даража, чоғиштира-ўхшатиш эргаш гаплар.

Боғловчисиз қўшма гап. Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг боғловчиларсиз факат мазмун ва бирлаштирувчи интонация ёрдамида боғланишидан ташкил топган синтактик тузилмалар боғловчисиз қўшма гап дейилади. Масалан: Одамнинг танасида чоракам беш литр қон бор, шунинг ҳаммаси тахминан ҳар минутда бир марта юракдан ўтиб туради.

Оҳанг, интонация боғловчисиз қўшма гаплар тузилишида асосий, ҳал қилувчи восита ҳисобланади. Оҳанг боғловчисиз қўшма гапларда турлича маъно ва маъно нозикликларининг ифодаланишида ҳам асосий омилдир. Бироқ боғловчисиз қўшма гапларнинг компонентларини боғлашда оҳангдан ташқари айрим сўзлар, умумий иккинчи даражали бўлақлар, айрим гап бўлақларининг такрорланиши, компонентлар кесимларининг бир хил замон ва шаклда бўлиши, эллиптик қурилмалар муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун бу хил қўшма гапларга нисбатан боғловчисиз атамасини қўллаш шартли бўлиб қолади.

Боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг муносабати жиҳатидан икки хил бўлади:

1) боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.

2)эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап.

Биринчи тур боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро мазмунан тенг муносабатда бўлади ва тенгловчи интонация (оҳанг) орқали боғланади. Шу жиҳатдан боғланган қўшма гапга ўхшайди. Улар ўртасидаги фарқ боғловчисиз қўшма гапларда тенг боғловчиларнинг қўлланмаслигидадир. қиёс учун: Ялпи йиғилиш ўз ишини соат ўн икки тугатди, шўбаларники соат бешда.\* Ялпи йиғилиш ўз ишини соат ўн иккида тугатди,шўбалар эса соат бешда тугатди.

Иккинчи тур боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро тобе муносабатда бўлади ва тобеловчи интонация (оҳанг) орқали боғланади. Шу жиҳатдан улар эргашган (эргаш гапли) қўшма гапга ўхшайди.қиёс учун: қўшнинг тинч – сен тинч.\* қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинч бўласан.

Назорат саволлари ва топшириқлари.

*1-мавзу бўйича*

- 1.1.3.қўшма гапнинг таърифини айтиб беринг.
- 1.1.4.Гапларнинг тузилишига кўра неча турга бўлинишини айтинг.
- 1.2.2.қўшма гап нутқнинг зарур талаби эканлигини изоҳланг.
- 1.2.3.қўшма гап тузиш учун нималар зарур?
- 1.3.1.қўшма гап берилган жавобни топинг.
- А) Сидикжон Бутазор кўчасидаги уйлардан бирига кўчган Рўзиматни табриклагани борди.
- В) Тушимда Гавҳарнинг хушҳол кулимсираб тургани эсга тушар ва соғинч ҳиссини бир кадар бўлса ҳам босар эди.
- С) Бормасак, келмайди.
- Д) Чўллар чаман сочдилар ташлаб андуҳларини, жаранглатиб очдилар олтин сандиқларини.
- Е) Тарбиячиларнинг шунча ҳаракат қилишига қарамай, Камолани «далага айлантириш» жуда секинлик билан борди.
- 1.4.1.Нутқда содда гаплар билан бирга яна қандай гаплар қўлланади?
- 1.4.2.қўшма гапларсиз нутқ (кенг маънода) бўлиши мумкинми?
- 1.5.1.Ушбу қўшма гапнинг, грамматик асослари қайси жавобда кўрсатилган? Майли, жуда ғариб бўлса ҳам, ҳеч кимга айтмаган қўшиғингни айт.
- А) ҳеч кимга айтмаган қўшиғингни айт.
- В) жуда ғариб бўлса ҳам майли.
- С) ғариб бўлса ҳам, айт.
- Д) ҳеч кимга айтмаган, ғариб бўлса ҳам.
- Е) А ва В жавоблар тўғри.
- 2.3.2.қўшма гапни топинг.
- А) Адабий асар буюмлар тўғрисида эмас, киши, инсон тақдиридан баҳс очади.
- В) Йўлчи учун бу қиз энди бегона эмас.
- С) Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.
- Д) Ўша қизни кўрдим-у, ҳаёлимда илк бор кўнглимда ишқ алангаланди.
- Е) Мен балоғат ёшига етган бўлсам-да, ҳали илк севгига дуч келмагандим.
- 2.4.1.Сифатдош оборотли содда гап билан қўшма гапни қиёсланг.
- 2.5.1.Содда гап билан қўшма гап қандай умумий хусусиятларга эга?
- 2.6.1.Ўзлаштира гап қўшма гапми, содда гапми?
- 2.6.2.Холмурод йўлда келар экан, касалхонага бурилишда иккита янги машинани кўрди гапини тузилишига кўра талқин қилинг.
- 3.1.1.қўшма гап қисмларини боғловчи грамматик воситаларни кўрсатинг.
- 3.2.1.қўшма гап қисмларини боғловчи лексик воситаларни сананг.
- 3.3.1.Гап бўлагининг такрорланиши ҳодисасини тушунтиринг.
- 3.2.2.Умумий иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши қўшма гапларда қандай вазифа ўтайди?
- 3.2.3.қўшма гапни ҳосил қилишда яна қандай воситалар қатнашади?
- 3.2.4.қўшма гап турларининг ҳосил бўлишида интонациянинг ролини тушунтиринг.
- 3.2.5.қўшма гапнинг қайси турларида грамматик воситалар фаол рол ўйнайди?
- 3.3.1.Ушбу гапда боғловчи воситаларнинг қайси турлари иштирок этган? Ҳақиқат осмонда эмас, ҳақиқат ерда.
- 3.3.2.Уйғонганида, суяклари зирқирар, туришга ҳам мадори йўқ эди, гапидаги боғловчи воситалар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
- а) замон муносабати;
- в) кесимларнинг шакли;
- с) умумий иккинчи даражали бўлақ;
- д) эди.
- е) келишиқ қўшимчаси, тўлиқсиз феъл.
- 3.4.1.Боғловчи воситаларнинг қайси бири энг универсал восита ҳисобланади?
- 3.4.2.Нима учун баъзан такрорланиши керак бўлган бўлақ иккинчи гапда ифодаланмайди?

- 3.4.3. Кесими умумий бўлган гап содда гап бўладими, қўшма гап?
- 3.4.4. қайси олмошлар кўпроқ боғловчи восита вазифасини ҳам ўтайди?
- 3.5.1. Боғловчи, кўмакчи, юкламаларни грамматик воситалар дейилиши тўғрими?

## 2- мавзу бўйича

- 1.1.1. қўшма гаплар қайси жиҳатларига кўра турларга ажратилади?
- 1.1.2. қўшма гаплар тузилишига кўра неча турга бўлинади?
- 1.2.1. Боғловчили ва боғловчисиз қўшма гаплар нимасига кўра шундай тасниф қилинган?
- 1.3.1. Компонентларнинг синтактик алоқасига кўра тасниф берилган қаторни топинг.
- а) бош ва эргаш гапли қўшма гап
  - в) тобе ва эргаш алоқали қўшма гап
  - с) тенг, тобе ва аралаш алоқали қўшма гап.
  - д) тенг қисмли ва тобе қисмли гаплар
  - е) предикатив ва нопредикатив алоқали
- 1.3.2. қўшма гапларнинг тузилишига кўра таснифи берилган жавоб қайси?
- а) ёйиқ ва ййиқ содда гаплардан тузилган қўшма гаплар
  - в) предикатив бирликлардан ташкил топган қўшма гаплар
  - с) нопредикатив бирликлардан ташкил топган қўшма гаплар.
  - д) икки компонентли ва кўп компонентли, содда ва мураккаб қўшма гаплар.
  - е) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплардан ташкил топган қўшма гаплар.
- 2.1.2. Эргаш гапли қўшма гапнинг умумий хусусиятларини айтинг.
- 2.1.3. Боғловчисиз қўшма гаплар қандай ҳосил бўлади?
- 2.1.4. Боғланган қўшма гаплар қандай гаплардан ташкил топади?
- 2.2.5. Боғланган қўшма гап деб нимага айтилади?
- 2.2.6. Боғланган қўшма гап типлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
- 2.2.7. Боғланган қўшма гапда қандай воқеа-ҳодисалар ифодаланади?
- 2.3.1. Боғланган қўшма гап берилган жавобни топинг.
- А) Шу пайт тўсатдан кўча эшиги очилди-ю, Ҳусанхужа ҳаллослаганича кириб келди.
  - В) Ким бўлар эди: сув ёқалаб юрган сувчилардан бирида.
  - С) кушлар баланд учганда, ҳаво очик бўлади.
  - Д) Музлаган сув қисирласа, у бир чўчиб тушарди.
- 2.3.2. Сен бундан қутуласан, мен эса ўз маақсадимга етаман. Бу қўшма гапнинг қайси тури?
- 2.4.4. Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам олдин инсоф керак қўшма гапини изоҳланг.
- 2.5.1. Боғланган қўшма гап атамаси тўғрисида нима дейсиз? У ҳодиса хусусиятини тўлиқ акс эттира олганми?
- 3.1.3. Боғланган қўшма гап ўз ичида қандай типларга бўлинади?
- 3.1.4. Боғланган қўшма гапнинг боғловчили турини айтинг.
- 3.2.4. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар қандай воқеа-ҳодисаларни ифодалайди?
- 3.2.5. Бириктирув боғловчиларга қайси боғловчи воситалар киради?
- 3.2.6. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар ўз ичида неча гуруҳга бўлинади?
- 3.3.1. Ҳам куласиз, ҳам куюсиз гапи тўғрисидаги қайси ҳукм тўғри.
- А) бириктирув боғловчили қўшма гап.
  - В) юкламали боғланган қўшма гап
  - С) шахси аниқ содда гап.
  - Д) эгасиз бош бўлакли (кесимли) содда гап
  - Е) эгаси топиладиган гап
- 3.4.1. Бириктирув боғловчили қўшма гапларнинг қисмлари ўзаро қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?
- 3.4.2. қуйидаги қўшма гапда қандай мазмун муносабати ифодаланган?
- 3.4.3. Ҳамон чопиб боради ва лекин кўкраги қон.
- 4.1.2. Зидлов боғловчили қўшма гапнинг таърифини айтинг.
- 4.2.1. Зидлов боғловчили қўшма гап асосан қандай воқеаларни ифодалайди?
- 4.2.2. Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?
- 4.3.1. Зидлов боғловчили қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?

4.4.1.Зидлов боғловчили қўшма гапни топинг.

- А) У эрта ётди, аммо ярим тунгача ухлай олмади.
- В) Бироқ бу ҳолатлар фикримизга монелик қила олмайди
- С) Аммо лекин жуда зўр чизибсиз-да.
- Д) Бу ерда зидлов боғловчили қўшма гап йўқ.

4.5.1.Сиз пулга эга бўласиз, мен эса мансабга гапида қандай мазмун муносабати ифодаланганини изоҳланг.

4.5.2.Изоҳлаш муносабати ифодаланган зидлов боғловчили гап топиб уни изоҳланг.

5.1.2.Айирув боғловчили қўшма гапни таърифланг.

5.2.5.Айирув боғловчили қўшма гаплар қандай характердаги воқеа-ҳодисаларни ифодалайди? Мисиллар келтиринг.

5.2.6.Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар орқали боғланади?

5.2.7.Гоҳ, дам, бир боғловчилари билан боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?

5.2.8.Ё, хоҳ боғловчилари орқали боғланган қўшма гапларда қандай воқеалар ифодаланади?

5.3.1.Дам кулади, дам йиғлайди. Ушбу гап ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?

- А) қўшма гап.В) ёйиқ содда гап С) йиғиқ содда гап.

Д) айирув боғловчили қўшма гап Е) уюшиқ бўлакли содда гап Ж) С,Е жавоблар тўғри.

5.4.1. Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?

5.4.2. Дам кулгим келади, дам жаҳлим чиқади гапи тўғрисида ўз фикрингизни айтинг.

6.1.4.На-инкор боғловчи юкламаси қандай маънодаги қўшма гапларни ҳосил қилади?

6.1.5.На инкор боғловчи - юкламаси қўшма гапларда қандай қўлланади?

6.1.6.На инкор боғловчи - юкламаси қўшма гапларнинг кесимида қандай ўзига хос ҳолат кўзга ташланади?

6.2.1.На инкор боғловчи - юкламасининг содда ва қўшма гапларда қўлланишида қандай фарқлар бор.

6.3.1.Осмондан, ердан сўзлари ёрдамида на инкор боғловчи - юкламали қўшма гап тузинг.

6.4.1.Инкор мазмуни на инкор боғловчи юкламасидан ташқари яна қандай воситалар ёрдамида ифодаланади?

### **3- мавзу бўйича**

1.1.1.Эргаш гапли қўшма гап деб нимага айтилади?

1.1.2.қандай гап бош гап дейилади?

1.1.3. Эргаш гапнинг таърифини айтинг?

1.2.1. Бош гап мазмунан қандай белги-хусусиятга эга бўлади?

1.2.2.Бош гапнинг грамматик белги- хусусиятларини кўрсатинг.

1.2.3.Эргаш гапнинг вазифаси нималардан иборат?

1.2.4.Эргаш гап қандай грамматик белги-хусусиятларга эга.

1.2.5.Эргаш гапли қўшма гапнинг қайси компоненти мавҳум, умумий маъноли бўлади.?

1.4.1.Бош гап ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?

А.) Аниқ мазмунли бўлади.

В.)Ҳавола бўлакли бўлади.

С.) Маъноси изоҳланаётган бўлади.

Д. ) Умумий,мавҳум мазмунли бўлади.

Е.) С, Д жавоблар тўғри.

1.5.1.Бош гапнинг ҳокимлик мавқеини мисоллар асосида исботланг.

2.1.1. Эргаш гап бош гапга неча турли воситалар орқали боғланади?

2.2.1. Боғловчили эргашини усулини изоҳланг?

2.2.2. Боғловчисиз эргашини деганда нимани тушунасиз?

2.2.3. Нисбий сўзларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.

2.2.4. Боғловчи сўзлар ҳақида маълумот беринг.

2.2.5. Юкламаларнинг боғловчилик вазифасини тушунтиринг.

2.2.6. Эргаш гапни бош гапга боғлашда қайси келишиқ қўшимчалари фаол қатнашади?

2.2.7. Эргаш гапни бош гапга боғлашда оҳанг қандай рол ўйнайди?



- 2.2.8. Компонентларнинг ўринлашиши уларнинг боғланишига таъсирини изоҳланг.
- 2.3.1. Бечора қиз бошига тушган савдоларни бирам қақшаб туриб айтдики, ачинганимиздан кўзимизга ёш олди. Гапдаги боғловчи воситаларни аниқланг.
- 2.3.2. Уюшиқ эргаш гапли қўшма гаплар компонентларини боғловчи воситалар берилган жавоб қайси?
- А) феъл формалари, келишиқ қўшимчалари;  
 В) эргаштирувчи боғловчилар, юкламалар;  
 С) нисбий сўзлар, оҳанг;  
 Д) боғловчи сўзлар;  
 Е) айтилганларнинг ҳаммаси тўғри.
- 2.5.1. Боғловчи воситаларнинг қайси тури эргаш гапни бош гапга боғлашда энг фаол ҳисобланади?
- 3.1.1. Бош гапдаги бирор бўлакни изоҳловчи эргаш гаплар қайсилар?
- 3.2.1. Эга эргаш гап ҳақида маълумот беринг.
- 3.2.2. Кесим эргаш гапнинг грамматик хусусиятларини айтинг.
- 3.2.3. Аниқловчи эргаш гапни изоҳланг.
- 3.2.4. Тўлдирувчи эргаш гапнинг семантик-синтактик хусусиятларини кўрсатинг.
- 3.2.5. Аниқловчи эргаш гапни ўлчов-даража эргаш гапга ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтиринг.
- 3.3.1. Юрак тандир эмаски, ўт қўйиб қиздирсанг. Мазкур гап ҳақидаги ҳукмнинг қайси бири тўғри?
- А) кесим эргаш гапли қўшма гап;  
 В) боғловчисиз қўшма гап;  
 С) мураккаблашган содда гап;  
 Д) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап;  
 Е) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
- 3.3.2. Ушбу гапдаги эргаш гап эргаш гапнинг қайси турига киради?  
 Узумимиз бу йил шундай бўлиб бердики, ҳосилни сиғдиролмай қолдик.
- А.) Аниқловчи эргаш гап.  
 В.) Ўлчов-даража эргаш гап.  
 С.) Тўлдирувчи эргаш гап.  
 Д.) Равиш эргаш гап.  
 Е.) Натижа эргаш гап.
- 3.4.1. Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гапларни номлашда нимага асосланилган?
- 4.2.3. Сабаб эргаш гапнинг таърифини айтинг.
- 4.2.4. Шарт эргаш гап деб нимага айтилади?
- 4.2.5. Тўсиқсиз, мақсад ва натижа эргаш гапнинг таърифини айтинг.
- 4.3.1. Сабаб эргаш гап бош гапга қайси воситалар орқали боғланади?
- 4.3.2. Шарт эргаш гап ёзилган жавобни топинг.
- а) Меҳнат қилсангиз, баракаси оширади.  
 б) Келмасангиз, олмайсиз.  
 Г) Ер кўкармай, мол тўймас.  
 Д) борсам, йўқ экансиз.
- 4.3.3. Тўлиқсиз эргаш гаплар бош гапга қайси воситалар орқали боғланади?
- 4.3.4. Мақсад эргаш гапларга 2 та мисол ёзинг.
- 4.3.5. Натижа эргаш гап қандай ҳосил бўлади?
- 4.5.1. Шартланганлик муносабати содда гапда ҳам ифодаланадими?
- 4.5.2. Сабаб муносабати қандай воситалар ёрдамида ифодаланади?
- 5.1.1. Ўрин эргаш гапнинг семантик – синтактик хусусиятларини кўрсатинг.
- 5.1.2. Пайт эргаш гап ҳақида маълумот беринг.
- 5.1.3. Равиш эргаш гап қандай семантик- синтактик хусусиятларга эга?
- 5.2.1. Ўлчов-даража эргаш гаплар қайси жиҳатлари билан характерланади?
- 5.2.2. Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гаплар ҳақида маълумот беринг.

5.3.1 Пайт ва ўрин эргаш гаплар берилган жавобларни топинг?

- A.) Отни эгарлаб турган эдим, полвон отам кириб келиб колди.
- B.) Сен каерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўламан.
- C.) Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир.
- D.) Баҳор келса, гул бўлади бу тоғлар.
- E.) A, B, D жавоблар тўғри.

4- мавзу бўйича :

1.1.2. Боғловчисиз қўшма гап деб нимага айтилади ?

1.2.1.Боғловчисиз қўшма гаплар ўз ичида қандай турларга бўлинади?

1.3.1.Боғловчисиз қўшма гап берилган жавоб қайси?

- A) Шундай кунлар бўлган, Алишер майда тавишлар учун ҳам тангасиз қолган.
- B) Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди.
- C) Аёл борки, олам мунаввар.
- D) Борсам, йўқ экансиз.
- E) Инсон кўнгли шишадан нозик, тошдан қаттиқ.

2.1.1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қандай воқеаларни ифодалайди?

2.1.2.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган қўшма гап компонентлари ўзаро қандай мазмун муносабатига эга?

2.1.3.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап компонентлари ўзаро қандай боғланади?

2.1.4.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап кесимлари қандай ифодаланади?

2.1.5.Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар яна қандай хусусиятлар билан характерланади?

2.2.1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни топинг.

- A.) Ўқтамнинг нияти ҳолис, юраги тоза.
- B.) Чўллар бўстон бўлди, қумлоқлар гулзор.
- C.)кўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.
- D.) Боғда майин куй янграр, гоҳо ёшларнинг қаҳқаҳаси эшитилиб қолар эди.
- E.) A ва B жавоблар тўғри.

2.4.1.Турғуной биринчи товушни эшитишда сесканди,сўнгра эса ваҳимага тушди гапи тўғрисидаги ҳукмингизни айтинг.

3.1.3. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари қандай мазмун муносабатларини ифодалайди? Мисоллар келтиринг.

3.1.4. Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро қандай боғланади?

3.3.2.Эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гапни топинг.

- A) тўғри бўлинг – беҳавотир бўласиз;
- B) арава нотинч бўлди-сут чайқалади, тўкилади;
- C) яхши топиб гапиради, ёмон-қопиб;
- D.) чироқлар ёнди,ҳамма ёқ ёришиб кетди;
- E.) A ва B жавоблар тўғри.

3.4.1.Этларимни ништар билан тилсинлар, хону монимга ўт қўйсинлар, бошимдан тегирмон тоши юргизсинлар, мен сиздан ажралмайман. Ушбу гап эргаш гапли қўшма гапнинг қайси турига синоним?

- A) шарт эргаш гапли қўшма гапга;
- B) аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга;
- C) равиш эргаш гапли қўшма гапга;
- D) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга;
- E) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга.

3.3.1.Боғловчисиз қўшма гапнинг эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлиш сабабларини тушунтиринг.

3.5.1. Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми фарғонаман. Ушбу гап қўшма гапнинг қайси тури ва типига киради? Ўз фикригизни айтинг.

**Тавсия қилинадиган асосий адабиётлар**

1. И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.
2. У. Турсунов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1992.
3. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. «Ўқитувчи». Тошкент, 1995 й.
4. Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2- қисм, Тошкент, 1980.
5. А./уломов. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т. 1987.
6. /Абдурахмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси.Т.1999.
7. М.А.Асқарова. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент «Фан», 1966.
8. /Абдурахмонов. қўшма гаплар синтаксиси. Тошкен, 1964.

**қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбек тили грамматикаси. II том, «Фан». Тошкент, 1976 й.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том, Москва, 1981 й.
3. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1985 й.
4. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1974 й.
5. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўзбекистон», Тошкент, 1992 й.
6. А. Нурманов, Р. Расулов. Ўзбек тили жадвалларда.Т.,1993.
7. Неъматов Х-, Сайфуллаева Р., К.урбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. - Тошкент: Университет, 1999. -556 б.
8. Р.Сайфуллаева. Уюшган гаплар ўзбек тили ва адабиёти. 1988 й. №3. 21-27 бетлар.

**2-модул**

**5-мавзу: Мураккаб қўшма гап.**

***АЖРАТИЛГАН ВАҚТ: 4 соат***

***Мавзу бўйича асосий саволлар:***

1. Мураккаб қўшма гапнинг таърифи.
2. Боғланиш - тенгланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.
3. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап .
4. Боғланиш ва эргашиш йўли билан тузилган (аралаш алоқали) мураккаб қўшма гап

***Таянч тушунча ва атамалар.***

Мураккаб қўшма гап, компонент тушунчаси, тенгланиш ва боғланиш, боғланиш ва эргашиш, эргашиш ва тобелик тушунчалари, аралаш синтактик алоқа.

***Мавзуга оид муаммолар***

1. Мураккаб қўшма гаплар қўшма гапларнинг тузилишига кўра бир туридир. Бунда қўшма гапларни ҳосил қилган содда гапларнинг миқдори га қаралган. Нима сабабдан уларнинг мазмуний муносабати ҳисобга олинмаган?

**2. Мураккаб қўшма гаплар ўз ичида учга бўлинади: боғланиш йўли билан тузилган, эргашиш йўли билан тузилган, ҳам тенгланиш, боғланиш ва эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар. Сиз ушбу таснифга қандай қарайсиз? 1- ва 2-турни боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар доирасида ўрганиш тўғри эмасми?**

**1-масала. Мураккаб қўшма гапнинг таърифи.**

**Дарсинг мақсади:** Мураккаб қўшма гап, улар қисмларининг ўзаро боғланиши хусусида умумий тушунча ҳосил қилиш.

***Идентив ўқув мақсадлари.***

- 1.1.1. Мураккаб қўшма гапнинг таърифини айтиб беради.
- 1.2.1. Мураккаб қўшма гап турларини санайди.
- 1.3.1. Мураккаб қўшма гап қандай бўлишини тушунтириб бера олади.
- 1.4.1. қўшма гапнинг содда формаси билан мураккаб формасини ажратиб бера олади.

### 1.5.1. Мураккаб қўшма гапни топиб беради.

#### *1-масала баёни.*

Уч ва ундан ортиқ содда гаплар ёки предикатив бирикмаларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан тузилган синтактик тузилмалар мураккаб қўшма гаплар дейилади. қўшма гапнинг мураккаб формаси унинг содда (икки компонентли) формасидан:

1) компонентлар микдорининг кўплиги (иккитадан ортиклиги);

2) бирдан ортиқ боғланиш усулининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Масалан: Хунар ва истеъдод мушканбар кабидир, уни қанчалик беркитманг, у шунчалик атрофга ёйилиб, ҳамма ёқни муаттар қилиб юборади.

Мураккаб қўшма гап компонентларининг ўзаро грамматик муносабатига кўра уч гуруҳга бўлинади:

А) Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап;

Б) Эргашиниш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.

В) Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап.

#### **Муҳокама учун саволлар**

1.1.1. Мураккаб қўшма гапни таърифланг.

1.2.1. Мураккаб қўшма гап неча турга бўлинади?

1.3.1. Мураккаб қўшма гап қандай бўлади?

1.4.1. қўшма гапларнинг содда ва мураккаб деб турларга ажратишда асосан нималар эътиборга олинади?

1.4.2. қўшма гапнинг мураккаб формаси, содда формасидан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

1.4.3. Мураккаб қўшма гаплар нима асосда турларга ажратилади?

Мураккаб қўшма гаплар турли воқеа- ҳодисалар ўртасидаги муносабатни, мураккаб фикрни тўлароқ ифодалаш учун ишлатилади. Шунинг учун улар боғланган (тенг алоқали) уч ва ундан ортиқ содда гаплардан тузилган қўшма гапларни, бир неча эргаш гапли қўшма гапларни, уч ва ундан ортиқ компонентли боғловчисиз қўшма гапларни, шунингдек, юқорида саналган қўшма гапларнинг боғланган ва эргашган қўшма гаплар билан аралашиниш натижасида ҳосил бўладиган синтактик бутунликларни ўз ичига олади.

#### **2-масала. Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.**

**Дарсинг мақсади:** Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.

#### **ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ.**

2.1. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапни таърифлайди.

2.2. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап компонентлари кесимларининг қандай ҳолатда бўлишини тушунтириб беради.

2.3. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапни мураккаб қўшма гапнинг бошқа турларидан фарқлай олади.

2.4. Матндан боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапни топиб бера олади.


2.5. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапни схематик тарзда ифодалай олади.

#### *2-масала баёни.*

Уч ва ундан ортиқ содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлса ва тенг боғловчилар ёки шу вазифадаги бошқа воситалар билан боғланган бўлса, мураккаб қўшма гапнинг боғланиш йўли билан тузилган турини ташкил қилади. Бундай мураккаб қўшма гаплар маълум бир вақтда ёки кетма-кет рўй берган ёки рўй бермаган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди. Мураккаб қўшма гапнинг бу тури анча эркин тузилиб, очиқ гап қурилмаларини ташкил қилади. Отдайсиз, бой, битта-яримта шиш бор, аммо безарар, биров борсин, дори бераман, шишларингиз, бутун иллатларингиз бирпасда қайтади. Бундай қўшма гап кесимларнинг шаклланишида икки ҳолат кузатилади.

1)компонентлар кесимларининг ҳаммаси баъзан тўла шаклланмайди-шахс –сон, замон кўрсатувчи элемент –боғлама охирги гапнинг кесимида қўлланилади ва қисмларнинг ҳаммасига тегишли бўлади. Лукмончанинг ёноқлари сарик, қарашлари қорамтир,кўзлари катта-катта,лекин кўримсиз ва хира эди.


Бу гапни схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.



2.Олдинги компонентларда боғламагина эмас,кесимлар ёки унинг бирор қисми қўлланмаслиги мумкин.Бунда ҳам кейинги компонентнинг кесими бошқаларига ҳам тегишли,умумий бўлади.

Шижоатли ва кучли ботирлар-урушда; хотин ва фарзандлар- камбағалликда; дўст ва биродарлар бошга кулфат тушганда таниладилар.

Бу гапнинг схематик тузилиши қуйидагича:



### Муҳокама учун саволлар

- 2.1.1. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гапнинг тавсифи?
- 2.2.1. Бундай мураккаб қўшма гапларда компонентлар қандай алоқада бўлади?
- 2.3.1. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гап компонентларининг кесими қандай ифодаланади?

**3-масала.Эргашиш (тобе алоқали) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.**

**Дарсинг мақсади :** Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.


**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ:**

- 3.1. Эргашиш йўли билан мураккаб қўшма гапларни таърифлайди.
- 3.2. Эргашиш (тобе алоқали) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап қандай бўлишини тушунтиради.
- 3.3. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап компонентларини боғловчи воситаларни кўрсатиб беради.
- 3.4. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапларни топиб беради.
- 3.5. Биргалик эргашиш ва кетма-кет эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапларни схематик тарзда ифодалай олади.

**3- масала баёни.**

Бирдан ортиқ эргаш гапларинг бир бош гап билан бирикишидан ташкил топган синтактик тузилмалар эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап дейилади. Масалан: Шундай

пайт юзага келдики, ёлғиз сенгина бу ишни бажара оласан, сендан бўлак ҳеч ким уни ҳал эта олмайди.




Бунда эргаш компонентлар бош гапга икки хил йўл билан бирикади. Биргалик эргашиш ва кетма-кет эргашиш йўли билан.

Эргаш гаплар бош гапга алоҳида - алоҳида (мустақил) боғланса, биргалик эргашиш дейилади. М: Ўтириш қанчалик содда, дастурхон қанчалик фақирона бўлса, суҳбатимиз шунча самимий ва ширин бўлади.


Юрса агар томирда қонинг,  
Азиз бўлса бир парча нонинг,  
Керак бўлса номус-виждонинг,  
қўлингга қурол ол!

Эргаш гаплар бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиб биргалик эргашишни ташкил қилиши мумкин: Агар бирон одам бу ишдан хабар топса, бизнинг биродарлигимиз шундай бузиладики, уни ҳеч қандай мол, адолат билан тиклаб бўлмайди ва бу кейинги авлодларга мерос бўлиб қолади.



Бирдан ортиқ эргаш гапларнинг бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига тобеланиб бош гапга боғланишидан ҳосил бўлган гаплар кетма-кет эргашув йўли билан тузилган мураккаб гап дейилади. Бундай боғланишда бош гап олдидаги эргаш гап биринчи даражали, ундан олдингиси иккинчи даражали ва ҳақозо номланиб, маълум занжирни ташкил қилади.

Бундай қўшма гапларда бир эргашган баъзан бошқасини ўзига тобе қилиб, ҳам эргаш гап „ҳам нисбий бош гап ролини бажариб, асосий бош гапга боғланади. М: Сахро шундай оламки, ишчи қўллар бўлса, ҳамма нарса бор, улар бўлмаса, ҳеч нарса йўқ.



#### Муҳокама учун саволлар

3.1.1 Тобе алоқали мураккаб қўшма гап қандай бўлади?

3.2.1. Тобе алоқали мураккаб қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапга қандай йўл билан бирикади?

3.3.1. Бундай мураккаб қўшма гапларда бош гапнинг ўрни қаерда бўлади?

**4-масала. Боғланиш ва эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап (аралаш алоқали мураккаб қўшма гап)**

**Дарсининг мақсади:** Аралаш турдаги мураккаб қўшма гап ҳақида ўқувчиларда аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ.

4.1. Аралаш турдаги мураккаб қўшма гапни таърифлайди.

4.2. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап компонентлари қандай боғланишини билади.

4.3. Матндан аралаш алоқали мураккаб қўшма гапни ажратиб бера олади.

4.4. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гапларни схематик тарзда ифодалаб бера олади.

**4-масала баёни.**


Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап тенг алоқали компонентлар ва тобе алоқали компонентлар бирикувидан тузилади.

Бошқача айтганда, мураккаб қўшма гапнинг бу тури боғланган қўшма гап ва эргаш гапли қўшма гаплардан ташкил топади. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гапнинг кўпрок учрайдиган турларига қуйидагилар киради; бир эргаш гап ва икки бош гапдан; икки компонентли эргашган қўшма гап ва икки компонентли боғланган қўшма гапдан; икки эргаш гап ва иккита бош гапдан тузилган аралаш алоқали қўшма гаплар.

1. Бир эргаш гап ва икки бош гапнинг бирикишидан иборат аралаш алоқали мураккаб қўшма гапларда:

А) Эргаш гап олдин келиб, икки бош гапга алоҳида-алоҳида боғланади: Бу гап кутилмаган бўлса ҳам, Мирҳомидхўжанинг ёшига муносиб равишда таранг ва тиниқ қизил юзи оқаришди, оқ оралаган чўққи соқоли хиёл титради.


СХЕМАСИ



Б) Баъзан бунинг тескараси бўлади, яъни эргаш гап қўшма гапнинг охирида келиб, ўзидан аввалги гапларга алоҳида-алоҳида боғланади. Бу гаплар эргаш гап учун айрим-айрим бош гап ҳисобланади.


Юлдузнинг муомаласи шу қадар майин эдики, кулиши шу қадар жозибали эдики, ҳар қандай одам ҳам у билан гаплашиб тўймасди.

Боғланиш схемаси:



В) Эргаш гап ўзидан кейинги содда гапларнинг биринчисига эргашиб, қўшма гапни ташкил қилади ва улар биргаликда учинчи содда гап билан тенг алоқали қўшма гап ҳосил қилади. Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишлар эди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўларди.


Боғланиш схемаси.



Г) Эргаш гап бир бош гап билан бирикиб, эргашган қўшма гапни ташкил қилади, бу эргашган қўшма гап бошқа бир гапнинг бирор бўлагини бутунлигича изоҳлаб, яна эргашган қўшма гап ҳосил қилади.

Шуни айтмоқчи бўлганки, у вақтда камбағал нон деб бош кўтарса, бой муштумзур қон деб бош кўтарарди.


СХЕМАСИ:



2.Икки эргаш гап ва икки бош гапдан ташкил топган аралаш қўшма гапларда:


А)иккита эргаш гап бирдан ортиқ бош гапга алоҳида –алоҳида эргашиб келади:Агар трактор берилса,ерлар трактор билан ҳайдалса, биринчидан,меҳнат унумдорлиги ортади,иккинчидан,ҳосил мўл бўлади.

СХЕМАСИ:




Б)Эргаш гапли қўшма гап боғланган қўшма гапга эргашиш йўли билан бирикади.

СХЕМАСИ:



В) Бир неча эргаш гапли қўшма гап кейинги бош гапга эргашиш йўли билан бирикади: Шунинг айтмоқчиманки, бирлашган жамоа бўлсак, ҳокимият трактор олиб берса,ишимиз икки эмас, ўн бўлади,юз бўлади.


С Х Е М А С И :



Г) Икки эргаш гапли қўшма гап ўзаро тенгланиш йўли билан бирикади:

Карим келгач, сен кетгин; лекин мен бора олмайман, чунки ишларим кўп.


С Х Е М А С И :



Д)Иккита эргаш гапли қўшма гап ўзаро эргашиш йўли билан бирикиб келади.


Жадаллаштириш ҳақида миш-миш гаплар кўпайгандан кейин,бунга ҳамма қизикди,шунинг учун туман ҳокими Аҳмедов мажлис ўтказиш учун келганда,залга одам сиғишмай қолди.

С Х Е М А С И :






3.А)Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап баъзан маълум бир гапга эргашади.Мен сизга шуни айтаманки, агар шу таклифга қўнсак, жамоамиз колхозимиз йириклашади ва моддий манфаатдорлиги ошади.




Б)Аралаш қўшма гапларда эргаш гаплар ундаги тенг компонентларнинг биригагина эргашиб келади,сўнгги гап эса тенгланиш усулида бирикади Уни таниб олиш қийин эди, чунки елкалари кенгайган,қиёфаси анча кескинлашган ,катта кўзлари думалоқ шакл олган, аммо бақувват келган қомати аввалгича эди.


С Х Е М А С И:



4.Иккитадан ортиқ эргаш гапли қўшма гап тенгланиш йўли билан бирикади: Кўкда парвоз этса лочин,ерга тушгай зоғлар; кишнаган от ўтса чўлдан қўзғалур тупроқлар; қонга тўлгай; жангга ботир кирса, сулу соғлар.



5.Бир бош гапга ҳам эргаш гап, ҳам эргашган қўшма гап бирикиб келади: Билиб қўйинг, марднинг сўзи бир бўлур; Бирлашсак , душман холи танг бўлур.



6.Аралаш алоқали мураккаб гап эргаш гапли қўшма гапга тенгланиш йўли билан бирикади: эл яширмас,ер кўкармас, бўлмаса,кўк томчиси,қайдин олсин шоир шеърни бўлмаса илҳомчиси. Демак, муракаб қўшма гапларнинг тузилиши ҳам, таркибий қисмлари ҳам, қўлланиши ҳам ҳар хил.

## **Муҳокама учун саволлар**

4.1.1. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гаплар қандай тузилади?

4.2.1. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап компонентлари асосан қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?

## **Мавзу бўйича ечимини кўтаётган илмий муаммолар**

1. Мураккаб қўшма гапнинг таснифий асослари.

2. Мураккаб қўшма гапларнинг лисоний синтактик қолипи.

### **5- Мавзу бўйича амалий машғулот**

#### **Ажратилган вақт – 4 соат**

**Дарснинг** мақсади: талабаларнинг мураккаб қўшма гап тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матндан мураккаб қўшма гапни ажрата олиш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

1. Берилган матндан мураккаб қўшма гапларни топади.

2. Топган мураккаб қўшма гапларни таркибий қисмларга ажратади..

3. Таркибий қисмларнинг боғланиш усуллари ва воситаларини аниқлайди.

4. Мураккаб қўшма гапларни турларга ажратади.

### **Ишнинг бажарилиш тартиби**

1. Берилган матн (машқ)даги мураккаб қўшма гаплар топилиб, алоҳида ёзилади.

2. Топилган қўшма гапларни ҳосил қилган содда гаплар-предикатив қисмлар белгиланади.

3. Бу предикатив қисмлар ўзаро қандай воситалар орқали боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.

4. Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.

5. Топилган қўшма гапнинг тури аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.

#### *51-машқ*

Мен санъатшунос эмасман, бунинг устига, улкан санъаткоримиз Ҳалима Носирова ҳақида мутахассислар шу қадар кўп ёзганларки, улардан ўтказиб бирор нарса дейиш ҳам қийин.. Шундай бўлса-да, икки ҳолат мени бу андишани бир чеккага суриб туришга мажбур этди. Кекса ёзувчимиз, маданиятимизнинг ажойиб жонкуяри Комил Яшин билан дўст бўлганим учун бу хонадонга кўп йиллардан буён бориб-келиб тураман, унинг бир аъзосидек бўлиб қолганман.

Ҳалима опа уйда доим ораста кийиниб юради ва аввал куни ёки ўтган ҳафта келган одамни ҳам худди бир-икки йил кўрмаган азиз кишисидек кутиб олади, кузатаётганда узокдан-узок дуо қилади. Аввал – таом, кейин – калом, деган қоида бу оила учун қатъий таомил. Ўтириш аввалида асосан Ҳалима опа билан суҳбат бўлади, кейин у киши «Бўлди, энди сизлар ишланглар, мен борай», деб бизни ҳоли қолдириб ижодхонасига кириб кетади, у ерда шеърми, пьесами, насрий асарми – нимадир қоралайди, аммо ҳеч кимга кўрсатмайди, гарчанд кўзлари хира тортиб қолган бўлса ҳам, йирик – йирик ҳарфлар билан фақат ўзи ёзади.

#### *52-машқ*

Иссиқ кунда туз керак эмаслигини исботламоқ учун, ер юзидаги энг иссиқ жойлардан бири, Калифорния штатидаги ўлим водийсига, июл ва август ойларида сафарга жўнадим. 48 километрлик шу водийни кесиб ўтиш учун ўзим билан бирга боришлари учун коллеждан 10 та ёш спортчини ёлладим. Спортчиларни ҳар эҳтимолга қарши тузли таблеткалар ва сув билан таъминладим. Уларга ҳамроҳ бўлиб борадиган фургон нон, булочкалар, пишлок, консерваланган гўшт, сосиска ва бошқа кўплаб озиқлар билан тўла эди. Хоҳишга қараб ҳар қандай таомга туз қўшиб истеъмол қилиш имконияти ҳам мавжуд. Ўзим учун эса ҳеч қандай туз олмадим ва водийдан ўтиш учун оч юрадиган вақтимга тўғри келганди. Тажриба июл ойининг охирида бошланди. Иссиқ Цельсий бўйича 41 даражани кўрсатарди. Биз соат саккиздан ўтганда йўлга тушдик. қуёш кўтарилган сайин иссиқ тафти ҳам, термометр мили

ҳам юқорига ўрлайверди ва ниҳоят пешинда 52 даражага чиқди. қуруқ иссиқ бизни худди эритиб юбормоқчидай эди.

Спортчи йигитлар туз таблеткаларини сўрардилар ва устиларидан совуқ сув қуярдилар. Эрталабки нонуштага дудланган чўчка гўшти, пишлокли бутербурод едилар ва кока-кола ичдилар. Иккинчи овқатни ейишгандан сўнг ярим соат дам олиб қизиган қумлар орқали сафаримизни давом эттирдик. Кўп ўтмай паҳлавон йигитларимизнинг аҳволи анча танг бўлиб қолди. Аввал учаласининг аҳволи оғирлашди, улар қувватсизланиб қолдилар ва кўнгиллари айниб, қайт қила бошладилар. Уларни Фернес-Крик-Ранчога, яъни саёҳатимиз бошланган жойга оғир аҳволда жўнатиб юбордик. Лекин қолган еттитаси тажрибани давом эттирдилар. Улар ҳалиям олдингидай тузли таблеткаларни истеъмол қилар ва кўп сув ичардилар. Кейин тўсатдан бешаласининг ошқозони хуруж қилиб аҳволи ёмонлашди. Бу бешовини ҳам Ранчога жўнатиб юбордик. Энди азаматлардан иккитаси қолган эди. Соат ўн олтилар атрофида, кун исигандан исиган эди. Бу икки йигит ҳам иссиқ урганидан деярли бир вақтда йиқилиб тушдилар ва уларни ҳам Ранчога юборишга тўғри келди. Бу ерда уларга тиббий ёрдам кўрсатадилар.

Туз истеъмол қилмаган биргина киши сафарни охирига етказди. Бу буюк БРЭГГ бобо эди!

### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

#### **1-топшириқ**

1. Тенгланиш, эргашиш ва аралаш алоқали мураккаб қўшма гапларни тушунтиринг ва уларнинг фарқларини мисоллар асосида изоҳланг?
2. Бундай қабохатларга дам жаҳлинг чиқади, дам ачиниб йиғлагинг келади; на ўтириб бировга тушунтиргинг келади, на ичингда сақлагинг келади. Ушбу гапнинг схемасини чизинг.
3. Бадий матндан тенг боғланишли мураккаб қўшма гапларни топиб, улар компонентлари кесимларининг тузилишини тушунтиринг.

#### **2-топшириқ**

1. Бош гап мураккаб қўшма гапнинг ўртасида келган эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапга битта мисол келтиринг.
2. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гаплар қандай тузилади?

#### *Адабиётлар:*

1. А. /уломов, М.Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Университетлар ва педагогика институтларинг филология факультетлари учун дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» 1987.
2. /Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси «Синтаксис». Олий ўқув юртлари учун дарслик .Тошкент. «Ўқитувчи» 1996.
3. Н .Маҳмудов, А. Нурмонов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси(синтаксис). Тошкент, «Ўқитувчи», 1995
4. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, «Фан», 1976.

### **6-Мавзу: Ўзга гап ва уни ифодалаш усуллари.**

#### **АЖРАТИЛГАН ВАҚТ : 2**

#### **Мавзу бўйича асосий саволлар:**

1. Ўзга гап ҳақида тушунча .
2. Қўчирма гапнинг грамматик хусусиятлари.
3. Ўзлаштирма гап ҳақида маълумот.

#### **Таянч тушунча ва атамалар.**

Гап. Сўзловчи, муаллиф. Муаллиф гапи. Ўзганинг гапи. Қўчирма гап. Муаллиф гапининг кесими, ўзганики бўлмаган қўчирма гап.

#### **Мавзуга оид муаммолар**

1. Қўчирма гапли синтактик қурилмалар қўшма гапларнинг бирон таснифи доирасига киритилмайди. Ваҳоланки, улар ҳам икки ёки ундан ортиқ гаплардан тузилган. Уларда

муаллиф гапи ва кўчирма гап борлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Сиз уларни қўшма гапнинг қайси турига киритган бўлардингиз?

2. Кўчирма гапли синтактик қурилмалар ва ўзлаштира гапли синтактик қурилмалар тузилишига кўра икки хил доирага киритилади. Бунинг сабаби нимада?

3. Ўзганинг гапи ҳамма вақт ҳам сўзловчидан бошқа одамга тегишли бўлавермайди. Ўзганинг гапи сўзловчининг ўзига тегишли бўлиши ҳам мумкин. Нима сабабдан бу ҳолатлар ҳам ўзга гап доирасида ўрганилади?

**1-масала: Ўзга гап ҳақида тушунча.**

**Дарсинг мақсади:** Ўзга гап ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.

**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ:**

- 1.1. Ўзга гапни таърифлайди.
- 1.2. Ўзга гапнинг хусусиятларини тушунтиради.
- 1.3. Ўзга гапни топиб беради.
- 1.4. Ўзга гапнинг ифодаланиш усулларини асослайди.

**1-масала баёни:**

Маълумки, гаплар сўзловчига муносабатларига кўра ҳам турларга бўлиниб кетади. Баъзи гаплар сўзловчига тегишли бўлса, сўзловчининг ўз мустақил фикри бўлса, баъзи гаплар сўзловчини ки бўлмай, бошқа бировларга тегишли бўлади. Бошқаларга тегишли фикрларнинг ишлатилиши табиий бўлиб, деярли барча услубларда қўлланади. Бунинг боиси шундаки, сўзловчи ҳамма вақт ҳам ўз фикрининг баён этиб қолмайди, у баъзан ўзганинг гапини ҳам ўз нутқи ичида ишлатади. Ўзганинг гапини ишлатувчи шахс муаллиф, унинг гапи эса муаллиф гапи дейилади.

Муаллифнинг бирон бир шахс фикрини ўз нутқи ичида келтириши ўзганинг гапи дейилади. Баъзан муаллифнинг ёки сўзловчининг ўз гапи ёки ўйлаган фикри ҳам ўзганинг гапи шаклида берилади. Масалан: Мен нима қилишимни билмай: «Бу ёқда нима қилиб юрибсан?» - дедим. Менинг йўқлаб келганимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айтсам, зораки дармон бўлса, деб кутдим.

Бундан ташқари яна шундай ҳоллар ҳам борки, баъзан қушлар, ҳайвонлар товуши ёки баъзи предметларга нисбатан ишлатилган ундов ва тақлидий сўзлар ҳам ўзганинг гапи шаклида берилади. Ҳалигина пашша «ғинг» деса эшитилган жимжит ҳовли кий-чувга тўлди. Афанди «шиш-шиш» деб эшагини тўхтатди.

Ўзганинг гапи турли шаклда ишлатилади. Буларнинг асосий кўриниши икки хил: 1) Кўчирма гап; 2) Ўзлаштира гап.

### **Муҳокама учун саволлар**

- 1.1.1. Гаплар сўзловчига муносабатига кўра неча турга бўлинади?
- 1.1.2. Ўзга гапнинг таърифини айтиб беринг?
- 1.1.3. Нима учун сўзловчи ўзганинг гапларидан фойдаланади?

**2-масала: Кўчирма гапнинг грамматик хусусиятлари.**

**Дарсинг мақсади:** Кўчирма гап ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

**ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ:**

- 2.1. Кўчирма гапни таърифлайди.
- 2.2. Кўчирма гап ва муаллиф гапининг вазифасини тушунтириб беради.
- 2.3. Кўчирма гап ва муаллиф гапини шаклига кўра тавсифлайди.
- 2.4. Кўчирма гап ва муаллиф гапини топиб шаклига кўра турини аниқлайди.
- 2.5. Муаллиф гапини тавсифлайди.
- 2.6. Кўчирма гапга маъновий характеристика беради.

**2-масала баёни.**

### **КЎЧИРМА ГАП.**

Ўзгаларнинг мазмуний, лексик - грамматик хусусиятлари тўлиқ салаган ҳолда ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи кўчирма гап дейилади. Абдулла қаххор адабиёт тўғрисида шундай деган эди: «Адабиёт-атомдан кучли. Унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас».

Бу ўринда Абдулла қаххор адабиёт тўғрисида шундай деган эди: гапи муаллиф гапи ,

«Адабиёт-атомдан кучли.Унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас» кўчирма гапдир. Муаллиф гапи кўчирма гапнинг кимга тегишли эканлигини кўрсатиб келади.

Кўчирма гапдаги мазмун одатда тингловчига қаратилади. Кўчирма гап бир сўздан, бир гап ёки бир неча гапдан, баъзан бутун бир абзацдан иборат бўлиши мумкин. Муаллиф гапи эса кўпинча икки бош бўлакли биргина содда гапдан ташкил топади. кўшма гап ҳолида ёки бир бош бўлакли содда гап шаклида деярли қўлланмайди. Масалан; « Тўғон бузилибди .Йигитларни, сувчиларни чакқон олиб борсин», -деб буюрди Маҳкамов. У жой кўрсатиб, меҳрибонлик билан мурожат қилди. «Келганингга хурсандман».

Кўчирма гапнинг кесими турли сўз туркуми билан ифодаланади олади, лекин муаллиф гапининг кесими ҳамма вақт соф феъл билан ифодаланади.

қуйидаги феъллар муаллиф гапининг кесими бўлиб келади.

1.Гапириш, сўзлашиш маъносини билдирувчи демак, айтмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ,мурожаат қилмоқ сингари феъллар. Масалан: Шунда меҳнаткашлардан бири деди: «Бизлар меҳмонмиз: ким яхши,ким ёмонни билмаймиз».

2.Сўзлаш маъноси билан боғлиқ бўлган турли ҳолатни кўрсатувчи қичқирмоқ,пичирламоқ,буюрмоқ,ундамоқ,телефон қилмоқ сингари феъллар:

3.Олдинги фикр билан боғлиқлигини ифодаловчи жавоб бермоқ,бўлмоқ, (гапни бўлмоқ) : давом эттирмоқ каби феъллар.М:Раис сўзида давом этди: «Айниқса,Фарҳод тўғрисида сўз борганда ҳам сен айтгандай,кишининг кўнгли тоғдай кўтарилади».

4.Сўроқ маъносини ифодаловчи феъллар: «калай, бу йил буғдой режасини бажарасизми?-сўради Ўктам.

5.Сўзловчининг турли ички кечинмалари, муносабатлари, имо-ишораларини ифодаловчи феъллар:Насимжон бошини кўтармасдан минғирлади: «Хотиржам бўлинглар,бир илож қилиб кўндираман».

6.Тафаккур фаолияти билан боғлиқ феъллар :ўй суриб кетмоқ, ҳаёлдан ўтказмоқ,фикр қилмоқ, ҳаёлга ботмоқ, ўз-ўзи билан гапирмоқ кабилар М: «Чўлпоной бизларнинг розилигимизсиз эрга тегиб, балки яхши иш қилгандир?»-дея ўй суриб кетди у.

Кўчирма гапда баён қилинган фикрнигина билдирмай,балки ҳали ифода этилмаган, фақат ўйланган –тахмин қилинган фикрни ҳам билдириши мумкин. Шунинг учун бу ҳолда муаллиф гапининг кесими ўйлади, деди ичида, деди ўзига-ўзи, каби шаклида ифодаланилади.

Баён қилинган фикрни ифодаловчи кўчирма гаплар фикрнинг тенгловчига қаратилганини кўрсатса, баён қилинмаган фикрни билдирувчи кўчирма гапда фикр сўзловчининг ўзига қаратилган бўлади. «Наҳотки рост бўлса!-деди ичида йигит.-Демак, кишининг қўли узун бўлса, олмани ўша узади, дебди-да дўстим».

Кўчирма гапда баъзан бирор предметнинг «гапи» ҳам кўчирилиб берилиши мумкин.Бу ҳолат асосан поэтик асарлар учун хос: Пахта деди кулиб товланиб: Севган киши мени мақтасин.

Кўчирма гап ва муалиф гапининг ўрни услубий талабларга мувофиқ турлича бўлади.

1)Кўчирма гап муалиф гапидан олдин келади.Бунда муаллиф гапдаги кесим олдин,эга кейин жойлашади.

«Тўғри ,қолоқдан чўлоқ яхши,»-деди ковоғини солиб Дилшод.

Бундай гаплардаги демоқ феъли маъно ва функцияси жиҳатидан айтмоқ, сўрамоқ, гапирмоқ, сўзламоқ каби нутқ феълларига тенг бўлади. Бунда деб боғловчиси эмас, балки демоқ мустақил феъли қатнашади. Унинг маъноси ўта умумий бўлади.Шунинг учун деди феълнинг ўрнида деб сўради, деб буюрди бирикмаларини қўллаш мумкин.

Бироқ демоқ феъли сўзлаш ҳаракатга боғлиқ бўлмаган феъллар билан бирга келиб, деб ёки дея формасида муалиф гапи билан кўчирма гапни боғлаши мумкин.

Бунда кўчирма гап бутунлигича муаллиф нутқидаги феъл кесимга нисбатан ҳол ёки эргаш гап бўлиб келади. «Бу хом ҳаёл», -дея гапини бўлади акам. «Ундоқ қилдим, бундоқ қилдим, қойил қолдим» деб кўкрагига урадиганлар ҳам топилади. Бу хилдаги гапларда кўчирма гапни хусусияти кучсизлашган бўлади.

2.Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади.Бунда муаллиф гапининг кесими кўпинча айтмоқ,сўрамоқ, жавоб бермоқ, гапирмоқ, демоқ каби феълари билан ифодаланади.Масалан:

У бирдан енгиллашиб, хўрсинди-да, Ўктамга мурожат килди: «Мана бу мавзуга нима дейсиз?»

Муаллиф гапи кўчирма гапдан олдин келганда, гап бўлақларининг тартиби одатдагича бўлади.

3.Кўчирма гап муаллиф гапининг ўртасида келиши мумкин.Бунда муаллиф гапининг эга состави кўчирма гапдан олдин, кесим состави кўчирма гапдан кейин келади.Масалан: Сайрамов чолни... секин кучоқлаб : « Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш, биламан,» -деди.

4.Кўчирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонидан келганда ҳам, муаллиф гапидаги кесим состави олдин, эга состави кейин келади. «Жуда тўғри ҳақ, гап,-деди Болтабоев,- ҳамма ютуқларингиз бирлик орқасидан келаётир»

#### **Муҳокама учун саволлар**

2.1.2. Кўчирма гапнинг таърифини айтинг.

2.1.3. Муаллиф гапнинг кесимлари ҳақида маълумот беринг.

2.2.1. Кўчирма гапнинг вазифалари нималардан иборат?

2.2.2. Муаллиф гапи қандай вазифаларни бажаради?

2.3.1. Кўчирма гапларга шаклига кўра тавсиф беринг.

2.3.2. Муаллиф гапни тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?

*3-масала.ЎЗЛАШТИРМА ГАП.*

**Дарсининг мақсади:** Кўчирма гапларни ўзлаштира гапга айлантириш ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### *ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ:*

3.1. Ўзлаштира гапни тавсифлайди?

3.2. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда юз берадиган ўзгаришларни кўрсатиб беради.

3.3. Ўзлаштира гапларни топиб беради.

3.4. Ўзлаштира гапнинг грамматик хусусиятларини таҳлил қилади.

#### *3-масала баёни:*

#### **ЎЗЛАШТИРМА ГАП**

Ўзлаштира гап ўзга гапнинг яна бир кўринишидир.Бунда ўзгалар фикрининг асосий мазмуни сақланган ҳолда, кесимнинг грамматик хусусиятлари ўзгартирилиб берилади.Комилжон китоб кишини кўп нарсага ўргатишини айтди.Мазкур ўзлаштира гапда тубандаги кўчирма гап мавжуд : «Китоб кишини кўп нарсага ўргатади»,-деди Комилжон.

Кўчирма гап ,ўз составида нечта гап борлигидан қатъий назар ўзлаштира гапга айлантирилганда содда гап ҳолига келтирилади.

Ўзлаштира гапда муаллиф гапининг бош бўлақлари сақланган ҳолда (баъзан иккинчи даражали бўлақлар ҳам сақланади) кўчирма гап бирикмали тўлдурувчига айланади. «Ҳар соатни ғанимат бил », деди ўқитувчи.Бу кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилса, ундаги икки содда гап: (1.Сен ҳар соатни ғанимат бил. 2. Саксон ота деди) бир содда гапга айланади: кўчирма гап бирикмали тўлдирувчи шаклини олади: Саксон ота ҳар соатни ғанимат билиш кераклигини айтди.

#### **Муҳокама учун саволлар**

3.1.1. Ўзлаштира гапнинг асосий хусусиятини айтиб беринг?

3.1.2. Ўзлаштира гап муаллиф гапими ёки ўзганинг гапими?

3.2.1. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда нималар ўзгаради?

3.2.2. Ўзлаштира гапда муаллиф гапи ҳам бўладими?

#### ***Мавзу бўйича ечимини қутаётган илмий муаммолар***

1.Кўчирма гапли қўшма гапларнинг талқини.

2.Кўчирма гап ва гап бўлаги.

3 Кўчирма гапли қўшма гапларнинг лисоний синтактик қолипи.

#### **6-мавзу бўйича амалий машғулот**

#### **Ажратилган вақт – 4 соат**

**Дарсининг мақсади:** талабаларнинг ўзга гапли қўшма гаплар билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матндан ўзга гапли қўшма гапларни, уларнинг турли кўринишларини ажрата олиш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

### ***Идентив ўқув мақсадлари***

- 1.Берилган матндан ўзга гапли синтактик қурилмаларни топади.
- 2.Топган ўзга гапли синтактик қурилмаларни таркибий қисмларга ажратади..
- 3.Таркибий қисмларнинг боғланиш усуллари ва воситаларини аниқлайди.
4. Ўзга гапли синтактик қурилмаларни турларга ажратади.

### ***Ишнинг бажарилиш тартиби***

- 1.Берилган матн (машқ)даги ўзга гапли синтактик қурилмалар топилиб, алоҳида ёзилади.
- 2.Топилган ўзга гапли синтактик қурилмаларни ҳосил қилган ташкил этувчилар, содда гаплар-предикатив қисмлар белгиланади.
- 3.Бу ташкил этувчилар,предикатив қисмлар ўзаро қандай воситалар орқали боғлангани аниқланиб, ёнига ёзиб қўйилади.
- 4.Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.
- 5.Топилган ўзга гапли синтактик қурилмаларни тури аниқланиб,ёнига ёзиб қўйилади.

53-машқ. «Ақл тўрт турли нурдан майдонга келмишдир, - дейди Ҳожи Бектоши Вали, - биринчиси – ой нури; иккинчиси - куёш нури; учинчиси – сидратул мунтаҳо нури; тўртинчиси – арш нури... Тангри таолонинг инсонга бергани – бунчалик улуғлик, бунчалик нур, бунчалик каромат, бунчалик хилқатнинг барчаси баракотидан эрур». «Ақли жузъ ҳамма вақт субъектни объектга қарши қўяди, ақли кулл эса уларни уйғунликда тушунади», - дейди рус файласуфи Николай Бердяев. Ўз яхшиликлари билан мақтанган одамдан кўрқавер. (М.Эбнер-Эшенбах). Ақлнинг ҳалоллиги ҳақиқат олдида чекинмай, унга интилиш, ҳар қанча қийин бўлганда ҳам уни топиш, енгил, қулай, ярим-ёрти хулосалар, ҳақоратли сохтагарчиликлардан жирканишдадир.(Р.Ролан). Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди. (Ф.Шиллер)Кишини гўзал қилиб кўрсатадиган нарса унинг чиройи эмас, балки чиройли хулқдир. Чиройли хулқ хунук кишини ҳам чиройли қилиб кўрсатади. (Хуррабий) Энг яхши тил-тийилган тил, энг яхши нутқ-пукта ўйланган нутқ. (Л.Н.Толстой) Меҳнат юз йил умр кўриш санъатининг зарурий шартларидан биридир. (М.Шеврель). Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айна вақтда, касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади. (Ибн Сино).Бахт меҳнатни такомиллаштириб боришдадир.(Я.Райнис). Меҳнатдан яроқсиз бўлишдан кўра, одамни дангасалик худди занг сингари тезроқ ишдан чиқаради.(Б.Франклин). Одамлар ғоялар билан эмас, хулқ-атвор билан яшайдилар.(А.Франс). Ўзгаларнинг ярамас ишларини пеш қилиш мағзавада ювинишдир. (Ж.Пажи-Сон).

Турк назмида чу тортиб мен алам,

Айладим ул мамлакатни як қалам (А.Навоий).

Шоир -юррак пок тилаги, имонидир башарнинг, армон тўла юракдаги исёнидир башарнинг (Э.Воҳидов). Илм ўрганиш ҳар мусулмон учун фарздир (Ҳадис). Фойдали ишларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар (Ҳадис).

54-машқ.

Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди (А.қаххор). Донишмандлар сўзни жавоҳирга, одамни эса конга ташбеҳ қиладилар (Бархирдор ибн Маҳмуд). Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир (И.Каримов). Кишини кўнгли келишган ва тартибли ҳар нарсага қизиқади, тартибсиз нарсалардан нафратланади (А.Беруний). Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилу. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмайди, ўрни келганда сўмни аямас. (А.Авлоний). Инсон ҳатти-ҳаракатларининг қайси бири фойдали, қайси бири зарарли эканлиги ўзига равшан бўлмагунча, кузатади ва фойдалилигини танлаб олиб ўзлаштиради, зарарлиларини рад этиб, улардан ўзини олиб қочади. (Абу Наср Форобий). Жаҳон тижорат аҳли бирлан ободдир. (А.Темур). Енглари,

ичинглар, ҳадя қилинглари, аммо исроф қилманглари. (Ҳадис). Виждон- яхши хулқларнинг манбаи.(А.Авлоний). Хунар ва илм –инсоннинг беағиди.(«қобуснома» дан). Инсоннинг қиймати эмас сийму зар, инсоннинг қиймати илм ила хунар. (А.Бедил). Амалсиз олим- ёмғирсиз булут.(Араб мақоллари).

### ***Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар***

#### ***1-топшириқ***

1. Ўзга гапнинг кўчирма гап, ўзлаштира гаплардан бошқа яна қандай кўринишлари бор?
2. Кўчирма гап ва ўзлаштира гап ҳақида мустақил гаплар тузинг?
- 3.Кўчирма гап ва ўзлаштира гапнинг услубларга муносабати ҳақида гапиринг.

#### ***2-топшириқ***

1. Кўчирма гапнинг ўрни ҳақида маълумот беринг?
2. Муаллиф гапининг ўрнига кўра тиниш белгилари қандай қўйилади?
3. Ўзлаштира гапнинг асосий хусусиятини айтиб беринг?

#### ***АДАБИЁТЛАР***

- 1.А./уломов, М. Асқарова .Ҳозирги ўзбек адабий тили. .СинтаксисДарслик .Т «Ўқитувчи» 1987 , 240-245 бетлар.
2. Б.Ўринбоев Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маърузалар.Т. 1981 , 54-62 бетлар.
- 3.А.Хожиёв . Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Т. « Ўқитувчи» 1985 й. 48, 115, 116 - бетлар.

## **7-МАВЗУ : МАТН СИНТАКСИСИ**

### ***АЖРАТИЛГАН ВАҚТ : 2***

#### ***Мавзу бўйича асосий масала(савол)лар***

1. Матн ва унинг турлари .
2. Синтактик бутунликнинг семантик –синтактик яхлитлиги .
3. Синтактик бутунлик типларининг боғланиши .

#### ***Таянч тушунча ва атамалар.***

Матн, макроматн, микроматн, матншунослик ва тилшунослик. Суперсинтактик бутунлик. Мураккаб синтактик бутунлик, юқори даражадаги синтактик бутунлик.Мавзу ва унинг умумийлиги,мавзу ядроси.Коммуникация,тема,рема занжири.Ташқи сигнал.Анафорик ва катафорик воситалар,грамматик алмашиш, семантик яқин сўзлар.

#### ***Мавзуга оид муаммолар***

1. Ҳозирги пайтда синтактик бирликлар миқдори иккитадан тўрттагача кўрсатилади. Баъзилар синтаксиснинг бирлиги сўз бирикмаси ва гап деса, бошқалар бу доирага қўшма гапни ҳам алоҳида бирлик сифатида киритади. Айрим тилшунослар бу доирани микроматн билан тўртага етказишган. Сиз қайси фикрга қўшиласиз?Матн ҳам синтактик бирликми?

2 Матн қўшма гап эмас экан, унда унинг таркибий қисмлари гаплардан иборат бўлмайди, чунки гап қўшма гапларнинг таркибий қисмидир. Ушбу масала ҳали ҳануз ҳал қилингани йўқ. Сизнингча, матнлар нималардан иборат? Уларни қандай номлаш керак?

***1-МАСАЛА .Матн ва унинг турлари .***

***Дарсинг мақсади :***Матн ва унинг турлари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш.

#### ***ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :***

- 1.1. Матн ва унинг турлари тўғрисида тушунча беради .
- 1.2. Матннинг гапдан катта синтактик бутунлик эканлигини изоҳлаб беради .
- 1.3. Матн турларини фарқлайди .
- 1.4. Микроматнга турлича қарашларга баҳо беради .

#### ***1-МАСАЛА БАЁНИ :***

Матн синтаксиси тилшуносликнинг яқин вақтларда муаммалага кирган лисоний категориялардан биридир .Матн гапдан катта синтактик бирликларни аниқлаш жараёнида кашф қилинган ҳодисадир .Унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Мазмун тугаллиги,



тузилиш, боғланиш воситалари, оҳанг ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлган нутқ парчаси матн дейилади.

Матн икки турли бўлади :макроматн ва микроматн .

Макроматн матншуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.Ёзилган ёки босилган, айтилган нутқ, китоб, газета, журнал ва шу кабиларнинг расм, жадвал, безаклардан бошқа қисми, расмий ҳужжатларнинг шарҳ ва изоҳлардан бошқа қисми, мусиқа асарларига асос бўлган сўзлар, шеърлар макроматннинг кўринишларидир .

Микроматн тилшуносликнинг ўрганиш объекти,юқори даражадаги синтактик бирликдир.Микроматн тилшунослик нуқтаи- назаридан юқорида зикр этилганидек юқори даражадаги синтактик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, суперсинтактик бутунлик сифатида қаралади .Демак, уларнинг асосида бир ҳодиса ётади .Биз суперсинтактик бирлик (кейинги ўринда ССБ) атамасини маъқуллаймиз,чунки унда гапдан катта ,яна ҳам аниқроғи, энг катта синтактик бутунлик маъноси аниқроқ ифодаланган .

### **Муҳокама учун саволлар**

1.1.1. Матн ва унинг турлари

1.2.1.Матннинг гапдан катта синтактик бутунлик эканлиги нималарда кўринади ?

1.3.1.Микро ва макроматнга нималар киради ?

1.4.1.Микроматнни суперсинтактик бутунлик деса бўладими?

**2-МАСАЛА Синтактик бутунликнинг семантик –синтактик яхлитлиги .**

**Дарсинг мақсади:** ССБ ҳақида атрофлича тушунча ҳосил қилиш.

*ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :*

2.1.ССБ нима эканлигини айтиб беради .

2.2.ССБ нинг мазмуний ва синтактик жиҳатдан бир бутунлигини изоҳлайди .

2.3.ССБ қисмларининг боғланишни тушунтиради.

2.4.ССБ ни топиб беради .

2.5.Берилган матнни турларга ажратиб беради .

*2-МАСАЛА БАЁНИ :*

ССБ семантик бир бутундир. Бу ,биринчи галда, унинг мавзусининг умумийлигида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, кўпчилик матнлар мавзуси еки сарлавҳаси билан ажралиб туради. ССБ мавзуси бир бутун ССБ мазмунининг ядросидир, марказидир. ССБ таркибидаги ҳар бир кейинги гап коммуникатив планда олдинги гапга таянади, жумла мазмунини маълумдан янгига ривожлантиради . Натижада жумлалар ўртасида тема занжири ҳосил бўлади . ССБ таркибидаги жумлалар нафақат мавзу умумийлиги ва коммуникатив прогрессия асосида,балки унинг бир бутунлигини таъминлайдиган турли хил ташқи сигналлар орқали ҳам боғланади.Ташқи сигналлар сифатида олмошлар, айрим равишлар, такрор замон шакллари ССБ ҳосил қилиш функциясини бажаради .

### **Муҳокама учун саволлар**

2.2.1ССБ нима?

2.2.2. ССБнинг мазмуний ва синтактик бирлиги нималарда кўринади?

2.2.3. ССБнинг қандай кўринишлари бор?

**3-масала: Суперсинтактик бутунлик қисмларининг боғланиши.**

**Дарсинг мақсади:** Матн қисмлари ва уларнинг боғланиш воситалари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

*ИДЕНТИВ ЎқУВ МАҚСАДЛАРИ :*

3.1.1. Матн қисмларини боғловчи воситаларни санайди.

3.2.1.Анофорик ва катофорик воситаларни фарқлайди .

3.3.1.Анофорик ва катофорик воситаларни топиб беради.

3.4.1ССБларга боғловчи воситаларга кўра баҳо беради .

*3-МАСАЛА БАЁНИ :*

ССБ қисмларини Боғловчи воситалар характериға кўра икки хил : ССБ қисмларини чапга (олдинги қисмга караб) боғловчи воситалар, ССБ қисмларини ўнгга караб (кейинги

қисмга караб) боғловчи воситалар .Буларнинг биринчиси анафорик,иккинчиси катафорик воситалар деб ҳам юритилади.Анафорик воситалар тўртга бўлинади: алмашиш.такрор,тушиш,мувофиқлашиш, алмашиш барча тил сатҳларига оид бирликларни ўз ичига олади:

1.Фонетик алмашиш.Бу логик урғу асосида гапнинг оҳанг томондан турлича шаклланиши асосида юзага келади .

2.Грамматик алмашиш (феълларнинг замон шаклларининг,бўш бўлақлар тартибининг алмашиши),

3.Лексик алмашиш: а)олмошлар ёрдамида, б)гипонимлар ёрдамида, в)синонимлар ёрдамида, г) тематик яқин сўзлар ёрдамида, д) ўрин ва пайт маъноли сўзлар ёрдамида (у вақтда у ерда каби). ССБ қисмларини боғлаш учун олдинги гапдаги бирор тил бирлигининг такрорланиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Нутқий бирликларнинг тушиб қолиши ҳам қисмларни боғлаш вазифасини бажаради (кўпроқ контекстуал тўлиқсиз гапларда учрайди). Мувофиқлашув боғловчилар,юкламалар,кириш ва модал сўзларнинг қўлланиши билан амалга оширилади. Катафорик воситалар микдори кўп эмас: қуйидаги сўзи,умумлаштирувчи сонлар (менинг икки бобом бор биринчиси :Иккинчиси каби лексик воситалар ана шундай воситалардир.

Ана шу воситалар ССБ қисмларини боғлаб унинг бир бутунлигини таъминлаб туради.

### **Муҳокама учун саволлар**

3.1.1.Матн қисмлари ўзаро қайси воситалар орқали боғланади?

3.2.1Анафорик ва катафорик воситаларга нималар киради?

3.2.2.Матн қисмлари яна қандай воситалар орқали боғланади?

### **Мавзу бўйича ечимини қутаётган муаммолар**

1.Матн синтактик бирлик сифатида.

2. Матннинг бир бутунлигини таъминловчи омиллар.

3. Матн яратиш жараёнида лингвистик омилларнинг роли..

## **19-Мавзу бўйича амалий машғулот**

### **Ажратилган вақт – 2 соат**

**Дарснинг мақсади:** талабаларнинг матн ва унинг турлари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларда ҳар қандай матннинг турли кўринишларини ажрата олиш ва уларда матн яратиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

1.Берилган матннинг ҳажмий,услубий турини аниқлайди.

2.Уни таркибий қисмларга ажратади..

3.Таркибий қисмларнинг боғланиш усуллари ва воситаларини аниқлайди.

4. Мустақил равишда илмий ёки ижодий матн яратади.

### **Ишнинг бажарилиш тартиби**

1.Берилган матннинг ҳажмий, услубий тури аниқланиб, тагига ёзиб қўйилади.

2. Матннинг таркибий қисмлари ажратилиб, белгиланади.

3.Бу ташкил этувчилар,таркибий қисмлар ўзаро қандай воситалар орқали боғлангани аниқланиб, аввалги изоҳнинг ёнига ёзиб қўйилади.

4.Топилган боғловчи воситалар турларга ажратилади.

5.Берилган матн мавзусида мустақил равишда илмий ёки ижодий матн яратилади.

54-машқ

Ахлоқ нима?

Ахлоқ нима? У нимадан иборат бўлмоғи керак? Кишининг қадр-қиммати ва унинг юксак мавқеига қатъий, чуқур эътиқод, унга қизғин, сўнмас ишончдир. Шу эътиқод, шу ишонч жамики башарият эзгулигининг, барча амалий ишларнинг қайнар булоғидир.(В.Г.Белинский). Одамларга инсон табиаи, тажрибаси, идрокига асосланган ижтимоий ахлоқ керак. (К.Гельвеций).

Романни ҳали ўқиб тугатмаган эдим, ғалати ҳабар эшитдим у хайрон бўлиб қолдим. Ойбекни армия сафига чақириб, фронтга жўнатиб юборишибди. Тавба бу қанақаси бўлди? Бозор тўла

савдогар, чайқовчи. Арзимаган ишлар билан ивирсиб юрган сўлоқмондек йигитлар қолиб, ўзбекнинг фахри, ғурури, номдор ёзувчиси Ойбекни жангга жўнатишдими? Наҳотки раҳбаримиз бунга йўл қўйишди экан. (С.Аҳмад).  
Ҳар бир ёккан ёмғирни узоқ йиллар эслаб юришади. Балки бирон яқин кишиларингиз бўлиб чиқар? (Ч.Айтматов)

#### 55-машқ

##### қўшиқ

Муסיқа, куй, қўшиқ - Оллоҳнинг неъматиди, табиат мўъжизасидир. У ҳаммага ҳам насиб этавермайди, эҳтимол, мингдан, миллиондан бир киши асл қўшиқчи бўлиб туғилар. Аммо шу бир шахс инсон қалбидаги ҳудудсиз туйғу, кечинма, кайфиятларни ифодалайди, у одамзод руҳиятининг моҳир таржимонига айланади.

#### **МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР :**

##### **1-топшириқ**

1. Гап ва матн алоқадорлиги ҳақида маълумот беринг .
2. Матн қисмларини боғловчи воситаларни топинг .

##### **2-топшириқ**

3. Матн қисмларини юқоридаги ва синтактик воситалардан ташқари яна нималар боғлайди?
4. Матн қисмларини боғловчи воситаларга ролига кўра баҳо беринг

##### **АДАБИЁТЛАР :**

1. А./уломов, М.Асқарова .Ҳозирги ўзбек адабий тили .Синтаксис . Тошкент «Ўқитувчи», 1987.
2. А.Нурмонов, Р.Расулов.Ўзбек тили жадваллари . Тошкент «Ўқитувчи», 1993, 159-161 бетлар.
3. А.Мамажонов. Текст лингвистикаси (педагогика институтларининг ўзбек филологияси факультетлари студентлари учун махсус курс ) Тошкент , 1989 .
4. М.Ҳакимов. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари АКД. 1993.
5. М.Абдупаттоев. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. АКД. Тошкент 1998 .

#### **Модул бўйича якуний ҳулосалар**

1. Уч ва ундан ортиқ содда гаплар ёки предикатив бирикмаларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан тузилган синтактик тузилмалар мураккаб қўшма гаплар дейилади. қўшма гапнинг мураккаб формаси унинг содда (икки компонентли) формасидан:

- 1) компонентлар миқдорининг кўплиги (иккитадан ортиқлиги);
- 2) бирдан ортиқ боғланиш усулининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Масалан: хунар ва истеъдод мушкианбар кабидир, уни қанчалик беркитманг, у шунчалик атрофга ёйилиб, ҳамма ёқни муаттар қилиб юборади.

Мураккаб қўшма гапларни қанча гаплар ташкил этмасин, улар қандай мазмун муносабатларига киришмасин, бу қисмлар орасида асосан уч хил мазмун муносабати ифодаланади:

- воқеа-ҳодиса, хусусиятларни қиёслаш;
- воқеа-ҳодиса, хусусиятларини изохлаш;
- воқеа-ҳодиса, хусусиятларни бир пайтда, кетма-кет юзага келиши.

\*Мураккаб қўшма гап компонентларининг ўзаро грамматик муносабатига кўра уч гуруҳга бўлинади:

- А) Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап;
- Б) Эргашиниш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.
- В) Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап.

#### **Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.**

Уч ва ундан ортиқ содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлса ва тенг боғловчилар ёки шу вазифадаги бошқа воситалар билан боғланган бўлса, мураккаб қўшма гапнинг боғланиш

йўли билан тузилган турини ташкил қилади. Бундай мураккаб қўшма гаплар маълум бир вақтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа-ҳодисаларни( ёки уларнинг рўй бермаганлигини) ифодалайди.

**Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.** Бирдан ортиқ эргаш гапларинг бир бош гап билан бирикишидан ташкил топган синтактик тузилмалар эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап дейилади. Масалан: Шундай пайт юзага келдики, ёлғиз сенгина бу ишни бажара оласан, сендан бўлак ҳеч ким уни ҳал эта олмайди. Бунда эргаш компонентлар бош гапга икки хил йўл билан бирикади: биргалик эргашиш ва кетма-кет эргашиш йўли билан.

\*Эргаш гаплар бош гапга алоҳида - алоҳида (мустақил) боғланса, биргалик эргашиш дейилади. М: Ўтириш қанчалик содда, дастурхон қанчалик фақирона бўлса, суҳбатимиз шунча самимий ва ширин бўлади.

\*Бирдан ортиқ эргаш гапларнинг бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига тобеланиб бош гапга боғланишидан ҳосил бўлган гаплар кетма-кет эргашув йўли билан тузилган мураккаб гап дейилади. М.: Саҳро шундай оламки, ишчи қўллар бўлса, ҳамма нарса бор, улар бўлмаса, ҳеч нарса йўқ.

**Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап.** Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап тенг алоқали компонентлар ва уларга тобе бўлган компонентлар бирикувидан тузилади. М.: Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишлар эди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўларди.

Ўзга гап. Сўзловчи (муаллиф)нинг бирон бир шахс фикри(гапи)ни ўз нутқи ичида келтириши ўзганинг гапи дейилади.

Ўзганинг гапи турли шаклда ишлатилади. Бўларнинг асосий кўриниши икки хил: 1) Кўчирма гап; 2) Ўзлаштирма гап.

Кўчирма гапда баён қилинган фикрнигина билдирмай, балки ҳали ифода этилмаган, факат ўйланган – тахмин қилинган фикрни ҳам билдириши мумкин. Шунинг учун бу ҳолда муаллиф гапининг кесими ўйлади, деди ичида, деди ўзига-ўзи, каби шаклида ифодаланилади.

Баён қилинган фикрни ифодаловчи кўчирма гаплар фикрнинг тенгловчига қаратилганини кўрсатса, баён қилинмаган фикрни билдирувчи кўчирма гапда фикр сўзловчининг ўзига қаратилган бўлади. «Наҳотки рост бўлса!- деди ичида йигит.- Демак, кишининг қўли узун бўлса, олмани ўша узади, дебди-да дўстим».

Кўчирма гапда баъзан бирор предметнинг «гапи» ҳам кўчирилиб берилиши мумкин. Бу ҳолат асосан поэтик асарлар учун хос: Пахта деди кулиб товланиб: Севган киши мени мактасин.

Кўчирма гапнинг ўрни услубий талабларга мувофиқ турлича

( муаллиф гапидан кейин, ундан олдин, унинг ўртасида, унинг ҳар икки томонида) бўлади. Масалан: Сайрамов чолни... секин кучоқлаб : « Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш, биламан,» - деди.

«Жуда тўғри ҳақ, гап,- деди Болтабоев,- ҳамма ютуқларингиз бирлик орқасидан келаётир»

**Ўзлаштирма гап.** Кўчирма гапнинг муаллиф томонидан мазмуни сақланган ҳолда шаклан ўзгартирилиб берилиши ўзлаштирма гап дейилади. Ўзлаштирма гап ўзга гапнинг яна бир кўринишидир. Бунда ўзгалар фикрининг асосий мазмуни сақланган ҳолда, кесимнинг граматик хусусиятлари ўзгартирилиб берилади. Комилжон китоб кишини кўп нарсага ўргатишини айтди. Мазкур ўзлаштирма гапда тубандаги кўчирма гап мавжуд : «Китоб кишини кўп нарсага ўргатади», - деди Комилжон.

Кўчирма гап ,ўз составида нечта гап борлигидан қатъий назар ўзлаштирма гапга айлантирилганда содда гап ҳолига келтирилади.

Ўзлаштирма гапда муаллиф гапининг бош бўлаклари сақланган ҳолда (баъзан иккинчи даражали бўлаклар ҳам сақланади) кўчирма гап бирикмали тўлдурувчига айланади. М.: «Ҳар соатни ғанимат бил », деди Саксон ота.. Саксон ота ҳар соатни ғанимат билиш кераклигини айтди.

Мазмун тугаллиги, тузилиш, боғланиш воситалари, оҳанг ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлган нутқ парчаси матн дейилади.

Матн икки турли бўлади :макроматн ва микроматн .

Макроматн матншуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.Ёзилган ёки босилган, айтилган нутқ, китоб, газета, журнал ва шу кабиларнинг расм, жадвал, безаклардан бошқа қисми, расмий ҳужжатларнинг шарҳ ва изоҳлардан бошқа қисми, мусиқа асарларига асос бўлган сўзлар, шеърлар макроматннинг кўринишларидир .

Микроматн тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида гапдан катта юқори даражадаги синтактик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, суперсинтактик бутунлик сифатида қаралади.

Микроматн ёки суперсинтактик бутунлик (ССБ) семантик бир бутундир. Бу ,биринчи галда, унинг мавзуси – мазмуни)нинг умумийлигида ўз ифодасини топган. ССБ мавзуси бир бутун ССБ мазмунининг ядросидир, марказидир. ССБ таркибидаги ҳар бир кейинги гап коммуникатив планда олдинги гапга таянади, жумла мазмунини маълумдан янгига ривожлантиради. Натижада жумлалар ўртасида тема-рема занжири ҳосил бўлади . ССБ таркибидаги жумлалар нафакат мавзу умумийлиги ва коммуникатив прогрессия асосида,балки унинг бир бутунлигини таъминлайдиган турли хил ташқи сигналлар орқали ҳам боғланади.Ташқи сигналлар сифатида олмошлар, айрим равишлар, такрор замон шакллари ССБ ҳосил қилиш функциясини бажаради.

### *НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАРИ.*

#### *5- мавзу бўйича*

1.1.1.Мураккаб қўшма гапни таърифланг.

1.2.1. Мураккаб қўшма гап неча турга бўлинади?

1.3.1. Мураккаб қўшма гап қандай бўлади?

1.4.1. қўшма гапларнинг содда ва мураккаб деб турларга ажратишда асосан нималар эътиборга олинади?

1.4.2. қўшма гапнинг мураккаб формаси, содда формасидан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

1.4.3. Мураккаб қўшма гаплар нима асосда турларга ажратилади?

1.5.1. «Тонг отди ва кўёш чиқиши биланоқ, одамлар дала томон отланишди».

Ушбу гап мураккаб қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

А) Боғланиш (тенгланиш) йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.

Б) Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап.

В) Эргашини йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап.

Г) Бу гап содда қўшма гап.

2.1.1. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гапни таърифланг?

2.2.1. Бундай мураккаб қўшма гапларда компонентлар қандай алоқада бўлади?

2.3.1. Тенг боғланишли мураккаб қўшма гап компонентларининг кесими қандай бўлади?.

3.1.1 Тобе алоқали мураккаб қўшма гап қандай бўлади?

3.2.1.Тобе алоқали мураккаб қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапга қандай йўл билан бирикади?

3.3.1. Бундай мураккаб қўшма гапларда бош гапнинг ўрни қаерда бўлади?

4.2.1. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гап компонентлари асосан қандай мазмун муносабатларини ифодалайди?

4.3.1. Аралаш алоқали мураккаб қўшма гапни топинг?

А) Юлдузнинг муомаласи шу қадар майин эдики, ҳар қандай одам у билан гаплашиб тўймасди.

Б) Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишлар эди, бироқ хужайин болаларга кам ҳақ тўлар эди.

С) Отдайсиз, бой, битта-яримта шиш бор, аммо безарар, биров борсин, дори бераман, шишларингиз, бутун иллатларингиз бир паста қайтади.

Д) Мен ўзимни инсон билганда, гулга тўлиб баҳор келганда, юрагимда ҳавас уйгонди.

Е) Шундай ҳаёт туғилдики, у сенсиз яшай олмайди.

4.4.1. қуйидаги мураккаб қўшма гапни схемада ифодаланг.

Мен олмани сизларга шу истак билан бераман; қайси бирингизни хотинингиз ўғил туғса , отини Тохир қўйинг, қайси бирингизни хотинингиз қиз туғса, отини Зухра қўйинг.

#### **6- мавзу бўйича**

1.1.1. Гаплар сўзловчига муносабатига кўра неча турга бўлинади?

1.1.2. Ўзга гапнинг таърифини айтиб беринг?

1.1.3. Нима учун сўзловчи ўзганинг гапларидан фойдаланади?

1.2.1. Ўзга гапли синтактик қурилмалар, муаллиф, муаллиф гапи, ўзганинг гапи тушунчаларини изоҳланг?

1.2.2. Ўзганинг гапи шаклидаги муаллиф гапини тушунтиринг?

1.2.3. Ўзганинг гапи 1-шахсга тегишли бўладими?

1.3.1. қайси жавобда ўзганинг гапи берилган?

А) Мақсадга эришиш йўлидаги машаққатлардан чекинмаслик керак.

В) Онаю бола-гулу лола.

Д) «Нахотки рост бўлса!» –деди ичида йигит.

Е) Д. жавоб тўғри.

1.4.1. Нима учун ўзганинг гапи сўзлашув услубида кўп қўлланилади?

2.1.1. Кўчирма гап ҳақида тушунча беринг.

2.1.2. Кўчирма гапнинг таърифини айтинг.

2.1.3. Муаллиф гапнинг кесимлари ҳақида маълумот беринг.

2.2.1. Кўчирма гапнинг вазифалари нималардан иборат?

2.2.2. Муаллиф гапи қандай вазифаларни бажаради?

2.3.1. Кўчирма гапларга шаклига кўра тавсиф беринг.

2.3.2. Муаллиф гапни тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?

2.4.1. «Саҳронинг бағри ёмғирга ташна бўлгандек,-деди Султонмурод қўлини ҳаракатга солиб,-Хуросоннинг эли адолат ва ҳақиқат ёшига ташнадир.» Кўчирма гапли қўшма гапдаги кўчирма гап ва ўзлаштира гапни жойлашишига кўра тўғри тавсифланган жавобни топинг?

А) Кўчирма гап – эргаш гапли қўшма гап, муаллиф гапи-содда ёйиқ гап.

В) Кўчирма гап –боғловчисиз қўшма гап, муаллиф гапи- содда йиғиқ гап.

С) Кўчирма гап – боғланган қўшма гап, муаллиф гапи –содда гап.

Д) Кўчирма гап- қўшма эргаш гапли қўшма гап, муаллиф гапи- шахси аниқ гап.

2.5.1. Муаллиф гапининг кесими қандай сўзлар билан ифодаланилади?

2.5.2. Муаллиф гапининг кесими қандай пайтларда тушиб қолади?

2.5.3.Муаллиф гапининг асосий вазифаси нимадан иборат?

2.6.1. Кўчирма гап ўзгаларнинг баён килган фикринигина ифодалайдими?.

2.6.2. Кўчирма гаплар фақат шахсларнинг гапи бўла олмаслигини исботланг?

2.7.1. Кўчирма гапнинг ўрни ҳақида маълумот беринг?

2.7.2. Муаллиф гапининг ўрнига кўра тиниш белгилари қандай қўйилади?

3.1.1. Ўзлаштира гапнинг асосий хусусиятини айтиб беринг?

3.1.2. Ўзлаштира гап муаллиф гапими ёки ўзганинг гапими?

3.2.1. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда нималар ўзгаради?

3.2.2. Ўзлаштира гапда муаллиф гапи ҳам бўладими?

3.3.1. Ўзлаштира гап берилган жавобни топинг.

А) Яхшики ибн Синони Хоразмшоҳ ўз саройига чақиртирган-деб ўйлади Абурайхон.

В) Унинг ёнидаги бир косага: «Илмнинг ибтидоси аччик, сўнгги болдан ҳам тотли»-деб ёзилганди.

С) Ўктам давлат режасини бажариш, ишчиларни яхши таъмин этиш ҳақида сўзлади.

Д) Беруний софлик ҳақида сўзлади.

Е) С,Д жавоблар тўғри.

3.4.1. Ўзлаштира гапнинг грамматик хусусиятлари нималарда кўринади?

#### **7- мавзу бўйича:**

1.1.2. Матн ва унинг турлари тўғрисида тушунча беринг .

- 1.2.1. Матннинг гапдан катта синтактик бутунлик эканлиги нималарда кўринади ?
- 1.3.1. Микро ва макро матнга нималар киради ?
- 1.4.1. ССБларга турлича карашларга баҳо беринг.
- 2.1.1. ССБ ҳақида маълумот беринг ,
- 2.2.1. ССБнинг мазмуний ва синтактик бирлиги нималарда кўринади?
- 2.3.1. ССБга мисоллар келтиринг .
- 2.4.1. Берилган матнни турларга ажратинг (матнлар тарқатилади)
- 3.1.1. Матн қисмлари ўзаро қайси воситалар орқали боғланади .
- 3.2.1. Анафорик ва катафорик воситаларга қиёсий тасниф беринг .
- 3.3.1. Берилган матндаги анафорик ва катафорик воситаларни аниқланг.

### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.
2. У. Турсунов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1992.
3. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. «Ўқитувчи». Тошкент, 1995 й.
4. Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2- қисм, Тошкент, 1980.
5. А./уломов. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т. 1987.
6. /Абдурахмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси.Т.1999.

#### **қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбек тили грамматикаси. II том, «Фан». Тошкент, 1976 й.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том, Москва, 1981 й.
3. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1985 й.
4. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1974 й.
5. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўзбекистон», Тошкент, 1992 й.
6. А. Нурманов, Р. Расулов. Ўзбек тили жадваллари.Т.,1993.
7. Неъматов Х-, Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. - Тошкент: Университет, 1999. -556 б.

#### **3-модул**

#### **8-мавзу: Ҳозирги ўзбек адабий тилида тиниш белгилари ва уларни ишлатиш тамойиллари**

*Ажратилган вақт : 4 соат*

##### **Мавзу бўйича асосий масала(савол)лар**

1. Ўзбек ёзувида пунктуациянинг пайдо бўлиши ва ундаги асосий омиллар.
2. Ўзбек пунктуацияси асослари.
3. Ўзбек пунктуацияси принциплари.
4. Ўзбек тилида тиниш белгиларининг миқдори ва қўлланиш усули.

##### **Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар**

Пунктуация, пунктуация ва графика, орфография, пунктуация ва синтаксис, пунктуация ва интонация, тиниш белгилари ва гап семантикаси, тиниш белгилари ва гап структураси, тиниш белгилари ва гап стили, семантик- синтактик сигнал,пунктуациянинг семантик ва функционал тараққиёти, «таъкид» белгилари «маъно» белгилари «безак» белгилари; ёрдамчи воситалар, пунктуация ва полиграфия, пунктуация ва таржима санъати, пунктуация принциплари ва пунктуация асослари,маъновий асос, грамматик асос, интонацион асос, мазмуний структурал – интонацион асос, ўзбек тилининг грамматик системаси, рус пунктуацияси системаси, етакчи асос, логик-грамматик принцип, стилистик принцип, дифференциация принциплари.

### **Мавзуга оид муаммолар**

1. Ўзбек адабий тилида тиниш белгиларини ишлатилишнинг бир неча принципи ишлаб чиқилган. Улар орасида қайси принцип асосий ҳисобланади? Нимага асосан шундай деб ўйлайсиз?
2. Ўзбек тилида тиниш белгиларини фаол қўллаш асосан 19-асрдан бошланган. Бунинг сабаби нимада?
3. Ўзбек адабий тилида ҳозирги кунда 10 та тиниш белгиси ишлатилади. Баъзилар уларнинг сонини 11 тага етказди. қайси фикр тўғри? Тўғри деб билган фикрингизни изоҳланг.
4. Фонетик ёзувларни тиниш белгиларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нима учун?

#### **1-масала: Ўзбек ёзувида пунктуациянинг пайдо бўлиши ва ундаги асосий омиллар.**

1-масала бўйича дарснинг мақсади: Ўзбек ёзувида дастлабки тиниш белгиларининг пайдо бўлиши ва уларнинг тараққиёти, тиниш белгиларини қўллаш принциплари тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари.

- 1.1. Пунктуациянинг қачон пайдо бўлганини айтиб бера олади.
- 1.2. Пунктуациянинг пайдо бўлиши ижтимоий онгнинг ўсиши, ёзув тараққиёти билан боғланганлигини тушунтириб бера олади.
- 1.3. Пунктуация пайдо бўлишининг асосий омилларини санайди.
- 1.4. Пунктуация пайдо бўлишининг асосий омилларини тушунтириб беради.
- 1.5. Ўзбек пунктуацияси тарихи, тараққиёт йўллари ва илмий назарий асослари масаласи мураккаблигини асослаб беради.

1-масала баёни.

Тиниш белгилари ўзбек ёзувида XIX асрнинг II ярмидан сўнг қўллана бошлаган. Араб ёзувидаги «ёрдамчи воситалар», ўз моҳиятига кўра, пунктуацион белги эмас. «Ёрдамчи воситалар»дан айримларининг (масалан, безак белгиларининг) XIX асрнинг II ярмидан кейин «тиниш белгиси» вазифасида қисман ишлатилиши ҳам ўзбек тили пунктуацияси тарихи шу даврдан бошланганлигини кўрсатади.

Ўзбек пунктуацияси тарихининг XIX асрнинг II ярмидан бошланиш сабабларини кўрсатувчи объектив тарихий омиллар:

1. XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши Ўрта Осиё халқлари маданиятининг, шунингдек, ўзбек халқи маданиятининг янада ривожланишида муҳим омил бўлди. «Ҳақиқатан ҳам, Россия Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнайди. Россия ҳукмронлиги қора ва Каспий денгизлари, Марказий Осиё учун маданиятлаштирувчилик ролини ўйнайди». (Ф.Энгельс) Ўрта Осиё халқлари илғор рус маданияти – санъати, адабиёти, тили ва ёзуви билан таниша бошлайдилар; рус халқи маданиятининг Ўрта Осиё халқлари маданиятига таъсири кучаяди. Бундай маданий алоқа-таъсир, табиийки, маданиятнинг бир кўриниши бўлмиш ёзувда ҳам ўз ифодасини топади. Рус пунктуацияси ўзбек пунктуациясининг тараққиёт йўлини 150-200 йилга қисқартди: ўзбек пунктуацияси соҳасида, тахминан, 150-200 йил ичида эришиш мумкин бўлган ютуққа атиги чорак аср мобайнида эришилди. Бу улкан ютуққа эришишда илғор рус маданияти – рус ёзуви (рус пунктуацияси)нинг роли каттадир.

1. XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиёда (Ўзбекистонда) полиграфия (матбаачилик) вужудга келади: босмаҳоналар, нашриётлар пайдо бўлиб, китоб, газета ва журналлар нашр этиш ишлари бошланади. Шу муносабат билан тилнинг ижтимоий функцияси кенгайиб, ёзувнинг хўжаликдаги роли ортади. XIX асрнинг 70-йилларида ўзбек адабий тили матбуот тили даражасига кўтарилади ва турмушнинг энг муҳим тармоқларида қўллана бошлайди. Китоб, газета, журналлардаги ҳар бир фикрни ўқувчига аниқ ва тўғри етказиш зарурияти туғилади. Шу муносабат билан китоб ва газета саҳифаларида тиниш белгиларини қўллаш бошланади ҳамда бу процесс аста-секин одат тусига кира боради. Китоб ва газеталарда тиниш белгиларидан фойдаланишда русча китоблардаги традицияларга риоя қилина бошлайди. Ўзбек пунктуациясининг шаклланиши ва ривожиди, айниқса, 1871 йилдан мунтазам равишда



ва икки тилда (русча ва ўзбекча) нашр этилган “Туркистон вилоятининг газети” муҳим аҳамиятга эга бўлган.

3. XIX асрнинг II ярмидан сўнг Ўзбекистонда таржима санъати жуда ривожланланади. Рус тилидан ўзбек тилига қўплаб бадиий асарлар таржима қилинади. Таржима процессида русча текстдаги тиниш белгилари, табиийки, ўзбекча нусхага ҳам ўтади.

4. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида туркий тиллар ва туркий ёзувлар ҳақида турли типдаги илмий асарлар, грамматик қўлланмалар пайдо бўлади. Буларнинг маълум қисми рус турколог олимлар томонидан ёзилган бўлиб, бу асарлардаги текст парчаларида (мисолларда), рус ёзуви традициясига кўра, тиниш белгилари билан ажратиш ҳолатлари учрайди.

Демак, XX аср бошларида ўзбек пунктуацияси тўлиқ шаклланган.

Бунда ўша даврдаги ижтимоий-тарихий ва маданий – сиёсий шароит муҳим роль ўйнаган.

### **Ўзбек пунктуацияси тарихини даврлаштириш.**

Ўзбек пунктуацияси тараққиётини икки катта даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Октябрь тўнтаришидан олдинги даврда ўзбек пунктуацияси. Бу давр ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг қўлланилиши бошлаши ва бу қўлланганин одат тусига кириши ҳамда ўзбек пунктуациясининг шаклланиши билан характерланади. Бу XIX асрнинг II ярмидан то 1917 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, у икки босқичга бўлинади: 1) 1870-1905 йиллар; 2) 1905-1917 йиллар.

2. Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда ўзбек пунктуацияси. Бу давр ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг қўлланилиши муайян тартибга кирганлиги, ўзбек пунктуациясининг системалашуви ва ўзбек графикасининг алоҳида бир қисми сифатида ўрганилиши билан характерланади. Ўзбек пунктуациясини илмий асосда ўрганиш октябрь тўнтаришидан сўнг бошланди. Бу 1917 йилдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади ва қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) 1917-1930 йиллар; 2) 1930-1940 йиллар; 3) 1940 йилдан то ҳозиргача бўлган давр.

Ўзбек пунктуацияси тараққиётини бундай даврлаштириш ва босқичларга бўлишда ижтимоий – тарихий, маданий-сиёсий шароитлар ва ўзбек миллий ёзуви тараққиёти ҳамда ундаги ўзгаришлар ҳисобга олинади.

### **Муҳокама учун саволлар**

1.1.1. Пунктуацион белгилар қандай шароитда ва қачон пайдо бўлган?

1.1.2. Ўзбек тили пунктуацияси қачон пайдо бўлган?

1.3.1. Пунктуация пайдо бўлишида қанақа омиллар асосий роль ўйнаган?

### **2-масала: Ўзбек пунктуацияси асослари.**

**Дарсининг мақсади:** талабаларда пунктуация асослари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш;

#### **Идентив ўқув мақсадлари.**

2.1. Пунктуация асосларини нималар ташкил қилишини айтиб беради.

2.2. Пунктуация асосларини изоҳлаб беради.

2.3. Берилган матндаги тиниш белгилари асосларини айтиб беради.

2.4. Тиниш белгиларининг содда ва қўшма гапларда қўйилиш асосларининг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб беради.

2.5. Пунктуация асосларини умумлаштириб ифодалайди.

### **2-масала баёни.**

Пунктуация асослари масаласи фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки туркологияда ҳам энг актуал проблемалардан ҳисобланади. Пунктуация асослари масаласи билан пунктуация принциплари масаласини ўзаро фарқлаш лозим.

Пунктуация асослари тиниш белгиларининг қандай назарий фундамент, таянч, манба заминида ишлатилиши, пунктуация принциплари эса уларнинг қандай усул ва тартибда қўлланилишидир.

Пунктуация нутқнинг (ёзма нутқнинг) ифода мақсадига асосланади: тиниш белгилари ёзма нутқда ифодаланиши лозим ва зарур бўлган мақсадга боғлиқ ҳолда ишлатилиб, маълум

коммуникатив функция бажаради. Мақсад ҳар бир тил грамматик қурилишига мос равишда турли хил форма ва усулларда ифодаланади. Шунга кўра, тиниш белгилари тиллараро ҳар хил қўлланади.

Тилшунослик тарихига назар ташласак, пунктуация асосларини белгилашда, асосан, уч хил нуқтаи назар мавжудлигини кўрамиз. Бу оқимлар пунктуацияга турли жиҳатдан ёндошиш, унинг асосий функциясини турлича аниқлаш туфайли келиб чиққан.

1.Пунктуацияга маънони асос қилиб олиш. Бу оқим вакиллари (масалан, С.И.Абакумов, А.Б.Шапиро ва бошқалар) пунктуацион қоидаларни белгилашда кўпроқ семантикага-гапнинг маъносига, мазмунига – эътибор берадилар. Тиниш белгиларининг қўлланишини маънога боғлаб изоҳлайдилар.

2.Пунктуацияга грамматик қурилишни асос қилиб олиш. Улар (масалан, С.Булич, Н.Греч, Ш.Шоабдурахмонов ва бошқалар) тиниш белгиларининг қўлланишини аниқлашда кўпроқ гапнинг синтактик қурилишига диққат қилиб, тиниш белгиларининг ишлатилишини гап структурасига боғлаб изоҳлайдилар.

3.Пунктуацияга интонацияни асос қилиб олиш. Бу оқим тарафдорлари (Л.В.Шчерба, А.М.Пешковский, Ҳ.Рустамов ва бошқалар)пунктуацион қонун-қоидаларни гапнинг оҳанги, интонацияси билан боғлаб тушунтирадилар.

Пунктуация асосларини бундай белгилаш бир ёқлама бўлиб, масаланинг моҳиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Чунки интонация ҳам, нутқнинг синтактик структураси ҳам, гапнинг мазмуни ҳам алоҳида-алоҳида олинганда, яъни бир-биридан ажратилган ҳолда, пунктуация учун асо бўла олмайди, чунки булар бир нарсанинг уч томони – бир ҳодисанинг уч хусусиятидир.

Пунктуация асосларини белгилашда нутқ мазмуни, структураси ва интонацион хусусиятлари бир бутун ҳолатда олиб қаралиши зарур.

Пунктуацион асоси дейилганда мазкур тилдаги пунктуацион қоидаларнинг тафсилоти ва тиниш белгиларининг қўлланиши нималарга боғлиқлиги,яъни маълум таянч (фундамент) заминада муайян тил пунктуациясининг системалашуви тушунилиши лозим.

Ҳозирги ўзбек тили пунктуациясининг икки асоси мавжуд: 1. Ўзбек тилининг граматик системаси; 2. Рус пунктуацияси системаси.

Ўзбек пунктуацияси, аввало, ўзбекча нутқнинг граматик қурилишига асосланади, яъни ўзбек тилининг граматик структураси ўзбек пунктуацияси учун негиз, етакчи асос бўлиб хизмат қилади ва у ўзбек пунктуациясининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Граматик қурилиш нутқнинг мазмун, интонацион ва тузилиш жиҳатларининг бир бутунлиги (яхлидлиги) дир: бунда (нутқдаги семантик-грамматик муносабатнинг бутунлиги, диалектик бирлиги – мазмун ва шакл бирлиги- тушунилади. Шу яхлитлик заминада конкрет фикр – мақсад ифодаланади. Гапдаги мазмун унинг ички томонини, грамматик ҳолат эса унинг ташқи томонини белгилайди.<sup>1</sup>

Рус тили пунктуацион системаси, ўз навбатида, ўзбек пунктуациясининг иккинчи асоси ҳисобланади. Чунки, биринчидан, ўзбек тилидаги кўпчилик тиниш белгилари (сўроқ, ундов, қўштирноқ, кўп нуқта каби)рус тилидан ўзлаштирилган ; иккинчидан, рус пунктуацияси илмий – назарий жиҳатдан анча ишланган ва системалашган бўлганлиги учун ўзбек тилидаги айрим пунктуацион қоидалар шу рус пунктуацияси қоидалари асосида тузилган; учинчидан, ҳозирги кунда рус тили ҳамдўстлик мамлакатлари миллатлараро алоқа воситасига айланган.

Ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг қўшилишида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi, Ўзбекистонда матбаачиликнинг пайдо бўлиши муҳим роль ўйнади. Ўзбек ҳалқининг илғор рус маданияти (рус адабиёти, санъати ва ёзув системаси) билан яқиндан танишуви ўзбек ёзувида пунктуацияси системалашуви учун замин ҳозирлади ва унинг ривожини тезлаштирди.

Рус ва ўзбек ҳалқи ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий – маданий алоқалар Октябрь тўнтарилишидан сўнг янада ривожланди: рус тилининг таъсири ўзбек тилининг

---

1. «Грамматик ҳолат» деганда интонацияни ҳам назарда тўтамиз. Чунки интонация синтактик муносабатни ифодаловчи асосий воситалардан биридир.

ривожланишида, ўзбек графикасининг системалашувида, орфографик ва пунктуацияси қоидаларини ишланишида, ҳозирги ўзбек тилидаги киритма конструкциялар, ажратилган бўлақлар, бир составли гапнинг айрим турлари, турли хил оборот каби синтактик катигорияларнинг тариқий этишида ва уларда пунктуацияси қоидаларининг белгиланишида рус тилининг таъсири сезирларли даражада кўринди.

Кейинчалик русча ёки ўзбекча луғат ва қўлланмаларнинг тузилиши, рус тили дарслари асосида ўзбек тилида дарсликлар яратилиши ўқув – ўқитув соҳаларида ҳам пунктуациянинг такомиллашувини тақозо этди. Шунингдек, русча китоблар ўзбекчага таржима қилинди: бунда русча текстлардаги айрим тиниш белгилари, шубҳасиз, ўзбекча текстларга ҳам кўчирилди. Булар ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг кенг қўлланишида маълум омил (восита) бўлди.

Бу объектив ҳодисалар рус пунктуацион системаси ўзбек пунктуациясининг илмий – назарий асосларидан бири дейишга имкон беради.

### Муҳокама учун саволлар

2.1.1. Пунктуация асосларига нималар киради?

2.4.1. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг асослари қайси жиҳатдан ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга?

### 3-масала: Ўзбек пунктуацияси принциплари.

Дарсининг мақсади: талабаларга тиниш белгилари қандай принциплар асосида ишлатилишини кўрсатиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Ўзбек пунктуациясининг принципларини ташкил қилишини айтиб беради?

1.2. Пунктуация принципларини тушунтириб беради.

1.3. Пунктуация принципларини кўрсатиб беради.

1.4. Пунктуация асослари ва принципларини фарқлайди.

1.5. Лотин –грамматик принципининг етакчи принципларини асослаб беради.

3-масаланинг баёни

Пунктуация принципи тиниш белгиларининг қандай усул ва таркибда қўлланишини кўрсатади. Шунинг учун тиниш белгиларининг қўлланишидаги барча қонун-қоида ва тартиблар пунктуация принциплари асосида белгиланади; пунктуация принциплари тиниш белгиларининг маълум асосий усуллар заминида системалашувини таъминлайди.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгиларининг қўлланишига доир қуйидаги принципларни кўрсатиш мумкин:

**1. Логик-грамматик принцип.** Бу принцип нутқнинг семантик-грамматик томонини акс эттиради: бунда тиниш белгилари гапнинг (нутқнинг) мазмуний, тузилиш ва интонацион жиҳатларга боғлиқ ҳолда қўлланади. Шунинг учун логик-грамматик принцип қуйидагиларга асосланади:

1) **нутқ мазмунига.** Бунда тиниш белгиларининг гап мазмунига боғлиқ ҳолда қўлланиши тушунилади. Сўроқ маъносини англатса, бундай гаплар охириги сўроқ белгиси қўйилади: *Кимнинг илтимоси бу? Нима гап ўзи?* Гап хабар маъносини англатса, унинг охирига нукта, буйруқ ёки турли хил эмоционал муносабатлар ифодаласа, ундов белгиси қўйилади: *Партия меҳри, партия зиёси мўътабар она сутидек танамга сингиб кетди! Ҳамма ўз вазифасини бажарсин! Йўқ! Бу ифлосни отган мен бўламан! Яшашдан юз аср олтин қафасда – яшаш афзал бир ой эркин нафасда!* (Уйғун)

Тиниш белгилари нутқнинг маъно жиҳатига кўра ишлатилгнанда, улар бир гапдаги ёки гаплар орасидаги мазмуний муносабатни, шунингдек, гап бўлақларининг ва гапдаги айрим қисмларнинг ҳам ўзаро мазмуний муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади: *Ит ҳуради – қарвон ўтади.*

2) **нутқ тузилишига.** Бунда тиниш белгиларининг гап структурасига боғлиқ ҳолда ишлатилиши тушунилади. Маълумки, гаплар тузилиш жиҳатдан бир неча турли. Шунингдек, гапни ташкил этувчи воситалар (гапнинг таркибий қисмлари) бир-бири билан турлича

муносабатда бўлади. Бу муносабатлар ёзувда тиниш белгилари воситасида акс эттирилади. Масалан, киритма конструкцияларнинг айримлари асосий гап билан зич боғланган бўлса, баъзилари кучсизроқ боғланган бўлади. Шунга кўра, улар биринчи ҳолатда асосий гапдан қавс билан (қўш қавс – икки қавс билан), иккинчи ҳолатда тире билан (қўш тире – икки тире билан) ажратилади.

Гаплар таркибий жиҳатдан мураккаб бўлиб, унинг қисмлари орасидаги лексик-грамматик муносабатлар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам синтактик муносабат, улардаги маъно ва маъно оттенкалари тиниш белгилари воситасида аниқланади.

Тиниш белгилари нутқ структурасига кўра қўлланганда, тубандаги мақсадларда ишлатилади: а) уюшиқ бўлаклар муносабатини кўрсатиш учун; б) кириш ва киритма конструкцияларни асосий гапдан ажратиб кўрсатиш учун; в) гапдаги ундов сўз, тасдиқ ва инкорни билдирувчи сўзларнинг асосий гапдаги ўрни ва лексик-грамматик хусусиятларини кўрсатиш учун; г) ажратилган бўлакларни асосий гапдан айириш учун; д) қўшма гап қисмларини ажратиш, чегаралаш учун ва бошқалар.

3) **нутқ интонациясига.** Бунда тиниш белгиларнинг гап интонациясига мувофиқ ишлатилиши англашилади. Интонация синтактик муносабатни ифодаловчи, гапни шакллантирувчи асосий грамматик воситалардан бири бўлиб, тиниш белгиларнинг қўлланиши, ўз навбатида, интонацияга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан: *Юринг, Очил ўқув залига бориб бирпас Бегимовни ўқийлик (улар кўп фанларни ўқитувчининг номи билан атаб ўрганган эдилар).* (П.қодиров) Бундаги киритма гап пасаювчи интонация билан – кириш интонацияси билан – айтилади, шунга кўра, қавсга олинган; *Э, яқинда раис эшикдан кирса, қорни деразадан чиқадиган бўлади.* (А.қ.) *Барибир кечикдик, эҳ!* (Яшин) Биринчи гапда ундов сўз кучсиз интонация билан, иккинчи гапда кучли интонация билан айтилган, шунинг учун улардан сўнг икки хил тиниш белгиси (вергул ва ундов) қўлланган.

Интонация нутқ оҳанги, темп, пауза каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Тиниш белгиларнинг гап оҳанги, гапдаги эмоционаллик ва гапдаги паузалар асосида қўйилиши интонацияга боғлиқлигини кўрсатади. Масалан, гапнинг уюшиқ бўлаклари санаш интонацияси билан айтилади: бундаги санаш интонацияси уюшиқ бўлакларнинг бир-биридан қисқа паузалар орқали ажратиб талаффуз этилишидан туғилади.

Нутқнинг мазмуний, тузилиш ва интонацион жиҳатлари ўзаро зич боғлиқ бўлиб, нутқнинг ҳар қандай парчасида (гапда) шу уч хусусият мужассамлашган бўлади. шу жиҳатдан қуйидаги гапни текшириб кўрайлик: *Хўп, соат олтига етиб бораман.* (А.қаҳҳор) Бу гапдаги: а) *мазмуний жиҳат:* хабарни англатиш, воқеани констатция қилиш; б) *таркибий жиҳат:* содда гап шаклида, таркибида гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайдиган, тасдиқ маъносини англатувчи сўз (хўп)бор; в) *интонацион жиҳат:* пасаювчи интонация – дарак интонацияси билан айтилади, тасдиқ билдирувчи сўз қисқа пауза билан асосий гапдан ажратиб талаффуз этилади. Гапдаги бу уч томоннинг диалектик бирлиги қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўринади: *Онажонларим, нечук шамол учирди?* (А.қ.) *Югур, кўзим, болаларни чақириб кел.* (А.Макаренко) *Йўк, йўк! У менга бир оғиз ҳам сўз айтмади!* (Ш.Р.) *У қўшнисини – бир кампирни – чақирди.* (А.қ.)

2. **Стилистик принцип.** Бунда тиниш белгилари нутқ стилларига боғлиқ ҳолда ишлатилади маълумки, гап шакллари хилма- хил бўлиб, бу ҳолат, асосан, нутқ стилларига кўра белгиланади. Ҳозирги кунда тилларнинг функционал стиллари ривожланиб, турмушда кенг қўламда ривожланиши ва турли хил жанрларда кўплаб нашр ишларининг олиб борилиши, кишилар маданий савияси ва саводхонлигининг ошиши, шу туфайли уларнинг нутқнинг у ёки бу стилидан ўз фаолиятларида кенг фойдалана олишлари пунктуациянинг таракқий этишига олиб келади ва унинг стилистик функциясини кенгайтиради.

Демак, стилистик принцип тиниш белгиларининг барча нутқ стилларида қўлланиш қонуниятларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Стилистик принцип кенг маънода бўлиб, пунктуация қоидаларининг барча нутқ стиллари учун муштарак бўлган умумий қонуниятларини белгилайди. Тиниш белгиларининг индивидуал стилга кўра қўлланиши мазкур стилистик принципнинг бир кўриниши ҳисобланади ва шунга асосланади.

Стилистик принцип тиниш белгиларининг қўлланишидаги нутқ стилларига хос умумий ҳолатларни аниқлашда ва конкрет стилга доир типик жиҳатларни белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, кўп нуқта, вергул, нуқта, сўроқ ва ундов белгилари каби тиниш белгиларининг қўлланиши барча ёзув стилларида (илмий, бадиий, оммавий –сиёсий китобларда, газета ва журналларда) деярли бир хилдир. Лекин баъзи тиниш белгиларининг қўлланишида фаркланади. Масалан, илмий текстларда фикрнинг давомлилигини англатувчи гаплар охирига доим икки нуқта қўйилади. Бадиий асарларда эса бундай гаплар охирига кўпинча нуқта ишлатилади; кўчирма гап ўртасида келган автор гапи барча ҳолатларда (илмий,илмий-оммавий, бадиий, публицистик текстларда) икки томондан икки тире ва икки вергул билан ажратилади. Газеталарда эса фақат икки вергул билан ажратилишини кўрамиз. (Газеталарда тиниш белгиларининг бундай қўлланиши улардан фойдаланишда соддаликка, ихчамликка интилишини кўрсатди): Тошкент Декларацияси, д е й и л а д и я н а р е з о л ю ц и я д а, Ҳиндистон ва Покистон халқларининг дўстона муносабатлар ўрнатиш йўлида астойдил қилинаётган ҳаракатларига мос бўлиб тушади.

Нутқ стилларига хос барча ёзма текстларда диалоглар тире билан бошланганлигини кўрамиз. Аммо драмматик асарда ҳар бир диалог (шахснинг сўзи) тире билан бошланмайди. Бу ҳолат драмматик асарлардаги диалогларнинг берилишидаги услубга кўра белгиланади: драмматик асарда ҳар бир диалогни аytувчи шахс алоҳида – алоҳида таъкидланганлиги учун (диалогдан олдин шахснинг номи келтирилган бўлади) диалогларни ўзаро тире билан ажратишга эҳтиёж қолмайди.

Индивидуал стилда тиниш белгилари, асосан, турли субъектив мақсадлар, эмоционаллик учун қўлланади: Ёз. кyuёш ҳамма ёкни киздиради. (О.) Ёз! Пишиқчилик - тўкинчилик фасли! (У.) Кўринадики, ёз сўзидан ташкил топган бир составли гап орқали икки ёзувчи икки хил мақсадни, икки хил муносабатни ифодалаган. Бу муносабатлар тиниш белгилари (нуқта ва ундов) воситасида реаллаштирилган, яъни ёзувчилар тиниш белгиларидан ўз мақсадларига мувофиқ фойдаланганлар. Лекин бундан «ҳар бир ёзувчи тиниш белгиларидан ўз истагича фойдаланаверади» деган хулоса келиб чиқмайди. Тиниш белгиларининг индивидуал стилга мос равишда қўлланиши умумий нормага, стилистик принципга бўйсунди. Ёзувчининг у ёки бу тиниш белгисини қўллаши унинг мақсади, нутқ ҳолати (обстановкasi), қайси стилда, қандайи жанрда ва темада асар ёзаётганлиги билан белгиланади. Масалан, Уйғуннинг асарларида, айниқса, лирик асарларида ундов, сўроқ,сўроқ-ундов, ундов- кўп нуқта каби тиниш белгиларининг кўпроқ қўлланганлигини кўрамиз:

*Чиндан ҳам бекиниб турган бўлса-чи,*

*Кекса мажнун толнинг соясиди у!...*

*Сойда ким шивирлар? Оҳ, ҳаёл! Ҳаёл!!*

*Алдама?! Ёр бўлиб шивирлама, сув!... (У.)*

Тиниш белгиларининг қўлланишидаги бундай ҳолатлар нутқ стилларининг функцияси, структураси ва спецификасига боғлиқ ҳолда аниқланиши лозим.

**3.Дифференциация принципи.** Бу принципга кўра, тиниш белгилари ёзув техникаси (формаси)ни фарқлаш, тиниш белгиларининг қўша қўлланишидаги тартиб ва системани белгилаш, гапдаги мураккаб мазмунни конкретлаштириш учун қўлланади. Шунингдек, тиниш белгиларининг ўз шаклини ўзгартган ҳолда қўлланиши ҳам шу принципга асосланади.

Баъзан жумла бошида ёки охирида икки қўштирноқнинг параллел (баробар) ишлатилиши зарур бўлиб қолади ва бу икки тиниш белгиси ҳам баробар ишлатилади. Бундай ҳолатларда улардан бири (ёнма-ён турган икки қўштирноқдан биринчиси) бошқача шаклда ишлатилади: «*қутлуг қон,,романи Ойбекнинг биринчи йирик прозаик асаридир*», - деди ўқитувчи. Бу мисолда биринчи қўштирноқ «бурчак» шаклида қўлланиб, кўчирма нутқнинг бошланиш ва тугалланиш чегарасини аниқ белгилаш учун ишлатилган; иккинчи қўштирноқ эса, одатдагидек қўлланиб, асарнинг номини чегаралаб кўрсатган.

Агар икки қавснинг биргаликда ишлатилиши лозим бўлса, уларнинг биринчиси катта қавс (квадрат қавс) шаклида, иккинчиси эса одатдагидек (кичик қавс) шаклида ишлатилади: *Икки команда («Пахтакор» (Тошкент) – «қайрат» (Олма-ота) ўртасидаги учрашув майдон эгаларининг галабаси билан тугади.* қавснинг икки хил шаклда ишлатилиши тасодифий

ходиса эмас; бу билан ёзма нутқнинг стилистик равонлиги, ўзаро алоқадор қисмларнинг чегараси, синтактик муносабатлари аниқ кўрсатилади.

Илмий стилда, жумла ичида сўзларни қисқартиришда, цитаталарнинг манбаини кўрсатишда, ҳаволаларда, китоб муқоваларида нашриёт номи ва нашр вақтини кўрсатишда тиниш белгилари дифференциация принципига асосан ишлатилади. Масалан: *Тошкент* – 1965 ёки Т., 1965; «*Фан*» *нашриёти*, *Тошкент* – 1966 ёки «*Фан*» *нашр.*, Т., 1966. Мисоллардан кўринадики, сўзлар қисқартирилмаганда фақат тире ишлатилса, улар қисқартирилганда тиренинг ўрнига икки тиниш белгиси – нукта ва вергул қўйилади. Демак, тиниш белгиларининг ёзув формаларига боғлиқ ҳолда одатдагидан фарқли ишлатилиши дифференциация принципи асосида юз беради.

Демак, ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари уч принцип – логик-грамматик, стилистик ва дифференциация принциплари асосида қўйилади. Булардан логик-грамматик принцип етакчи бўлиб, кейинги икки принцип шунга асосланади.

### Муҳокама учун саволлар

3.1.1. Пунктуация принципи нима?

3.1.2. Ўзбек пунктуацияси принципларига нималар киради?

3.1.3. Принцип ва усулнинг фарқи.

**4-масала: Ўзбек тилида тиниш белгиларининг миқдори ва қўлланиш усули.**

**Дарснинг мақсади:** талабаларда тиниш белгиларининг миқдори ва қўлланиш қонун-қоидалари, усуллари тўғрисида аниқ тушунча ҳосил қилиш ва уларни чуқурлаштириш

#### Идентив ўқув мақсадлари

4.1. Ўзбек тилида нечта тиниш белгиси ишлатилишини айтиб беради.

4.2. Тиниш белгиларининг қўлланиш усуллари айтиб беради.

4.3. Ҳар бир усулни изоҳлайди.

4.4. Берилган матндаги тиниш белгиларининг қўлланиш усуллари аниқлайди.

4.5. қайси усул етакчи эканлигини асослайди.

#### 4-масала баёни

Тиниш белгилари ёзма нутқни ифодалашда муҳим воситалардан ҳисобланади. Ёзма текстда у ёки бу тиниш белгисининг ишлатилиши шу гапдан кузатилган мақсад ва унинг қандай формада ифодаланишига – семантик-синтактик структурасига – боғлиқдир. қиёсланг: 1. *Раис ака, қўл беринг. Майли, яна чўл беринг.* 2. *Раис ака, қўл беринг! Пахтага кенг йўл беринг!* (Ўткир Рашид) Келтирилган гаплар, кузатилган мақсадга кўра, буйруқ гап туркумига киради. Уларда тиниш белгиларининг икки хил қўлланганлиги мазкур гаплардаги мазмуний муносабатнинг (буйруқ маъносининг) турлилигига боғлиқ. Уларда лексик воситалар ва интонацион ҳолат ўзгача. Биринчи мисолда буйруқ маъноси *ташвиқ, мурожаат, илтимос* формасида берилган. Унда *ташвиқ, мурожаат, илтимос* оттенкалари кучли, умуман, «буйруқ илтимос» маъносини ифодалайди. Шунинг учун биринчи мисолдаги буйруқ гаплар охирига нукта қўйилган; иккинчи гап ҳам «буйруқ - илтимос» маъносини ифодалайди, бироқ унда *буйруқ оттенкаси* кучли. Шунинг учун кейинги гап охирига ундов белгиси қўйилган. Биринчи мисолда майли кириш сўзи гапнинг буйруқ маъносини кучсизлантирган. Демак, лексик воситанинг бошқачалиги («*майли*» нинг қўлланиши), шунга боғлиқ ҳолда структура ва интонацияион ҳолатнинг ўзгариши илтимос маъносининг кучайишига сабаб бўлган.

Тиниш белгиларининг қўлланиш хусусиятларини пухта билиши ва унга амал қилиш ёзма нутқни ҳар жиҳатдан тўғри, аниқ баён этишда, саводли ифодалашда, ёзув маданиятини эгаллашда, ёзма нутқни тараққий эттиришда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Пунктуация қоидалари ҳамма учун (ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам) умумийдир.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгиларининг қўлланиш доираси, функцияси кенгайиб, пунктуацион нормалар стабиллашиб бормоқда. Бу тире, вергул, қўштирноқ каби тиниш белгиларининг қўлланиш жараёнида очиқ кўринади. Бу процесс ўзбек ёзув маданиятининг, ўзбек тили синтактик қурилишининг ва ўзбек адабий тили функционал стилларининг ривожланиши, тараққиёти ва такомиллашуви билан боғлиқ.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари ўнта, уларнинг номланиши ва шакли қуйидагича:

| №   | Номи                      | Шакли     |
|-----|---------------------------|-----------|
| 1.  | Нуқта                     | .         |
| 2.  | Сўроқ белгиси             | ?         |
| 3.  | Ундов белгиси             | !         |
| 4.  | Нуқтали вергул            | ;         |
| 5.  | Кўп нуқта (уч нуқта)      | ...       |
| 6.  | Вергул (қўш вергул)       | , ёки ,,  |
| 7.  | Икки нуқта (баён белгиси) | :         |
| 8.  | Тире (қўш тире)           | - ёки - - |
| 9.  | қавс (қўш қавс)           | ( ), [ ]  |
| 10. | Тинок (қўштирноқ)         | “ “, « », |

Тиниш белгиларининг юқоридаги шакллари ҳозирги ўзбек тили ёзув системаси учун қабул қилинган ягона, асосий, нормал формадир. Шунга кўра, барча нашриёт ва босмахона ишларида, ўқув-ўқитув системасида мазкур тиниш белгисининг нормаллашган шаклидан (асосий формадан) фойдаланилади. Таблицада вергул, тире ва қавснинг икки хил шакли, тирноқнинг эса уч хил шакли кўрсатилган. Буларнинг биринчиси асосий форма, қолганлари эса вариант (ёрдамчи форма) саналади. Ҳар бир вариант ўз қўлланиш қонуниятларига эга. Масалан, тирноқ (қўштирноқ) одатдаги шаклидан ташқари «бурчак» ва «якка тирноқ» формаларида, қавс эса катта қавс ва кичик қавс формаларида ҳам ишлатилади. Тиниш белгиларининг турли шаклда ишлатилиши техник сабабга, нашрий қулайликка, стилистик ҳолатга (услуга) ва индивидуал бадиий ёзув стилига кўра белгиланади.

Тиниш белгиларининг, ёзма текст характериға кўра ўз шаклини ўзгартган ҳолда қўлланиши муайян шарт-шароитлар, қонун-қоидалар, кўпроқ услуб талаби билан бўлади.

Тиниш белгиларининг миқдори ва шакли ҳар бир миллий тилнинг ўз нормаларига кўра белгиланади. Масалан, инглиз тилида дефис ва апостроф ҳам тиниш белгиси ҳисобланади. Испан тилида сўроқ ва ундов белгилари гапнинг бошида ва охирида қўлланиб, жумла бошида ишлатилганда тесқари шаклда қўйилади.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари қуйидаги усулда қўлланади: а)якка ҳолатда; б)қўша ҳолатда.

Якка ҳолатда қўлланганда, бир белги муайян текстда алоҳида функцияни бажаради: *Тишинг қани? қани, ўғлим, кечаги чўпчакни айт!* (Ойбек)

қўша қўлланганда эса улар такрор ҳолатда ёки икки ва ундан ортиқ тиниш белгиси биргаликда (кетма-кет, ёнма-ён)қўйилади: - *Ўлим ёвга!!!* (Ҳ.О.)

*қачонгача бизни алдайсизлар?!*

*Бўлди энди!.. Энди тоқат йўқ!..* (Уйғун)

Келтирилган мисолларнинг биринчисида ундов белгиси учтагача такрор ишлатилган: иккинчисида сўроқ ва ундов, учунчи ва тўртинчисида эса ундов ва кўп нуқта биргаликда (қўша) қўлланган.

### **Муҳокама учун саволлар**

4.1.1.Ҳозирги ўзбек адабий тилида нечта тиниш белгиси ишлатилади?

4.2.1.Ҳозирги ўзбек адабий тилида тиниш белгилари қандай меъзонларга кўра ишлатилади?

4.2.2. Тиниш белгиларининг ишлатилиш усуллари деганда нимани тушунишимиз керак?

4.3.1.Тиниш белгиларининг ишлатилиш усуллари билан уларни ишлатиш принциплари ўртасида қандай фарқлар бор?

4.3.2. Ҳозирги кун матбуоти тилида тиниш белгиларини ишлатишда қандай ҳатоларга йўл қўйилмоқда, бунинг сабаблари нимада?

## **8-мавзу бўйича амалий машғулот**

### **Ажратилган вақт - 4**

**Дарснинг мақсади:** талабаларнинг ўзбек тилида тиниш белгиларнинг пайдо бўлиши, тиниш белгиларнинг микдори, турлари, уларни ишлатиш асослари ва тамойиллари, усуллари, асосий тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари тўғрисидаги билимларини мустақамлаш, уларда тиниш белгиларини мустақил ишлата олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

- 1.Берилган матнга керакли тиниш белгиларини қўйиб чиқади.
2. Нотўғри қўйилган тиниш белгиларини аниқлайди.
- 3.Ишлатилган тиниш белгиларини турларга ажратади.
4. Тиниш белгиларининг қандай тамойиллар ва усулда ишлатилганини Аниқлайди..

#### *Ишнинг бажарилиш тартиби*

- 1.Берилган матнга керакли тиниш белгилари қўйиб чиқилади.
2. Нотўғри қўйилган тиниш белгилари аниқланиб, сабаблари изоҳланади.
- 3.Ишлатилган тиниш белгилари турларга ажратилиб, қайд этилади.
4. Тиниш белгиларининг қандай тамойиллар ва усулда ишлатилгани аниқланиб, асосланади.

## **56-машқ**

### **КУЁВ БЎЛДИНГИЗ, КЕЙИНЧИ?**

Тўйингиз бўлди Елкангизга қўйилган бу юк рўзғордир Бу юз ор ва юз кор демакдир Бир томонга қарасангиз - севикли жуфт Бир томонда сизни умрларидан узиб ясаган ота-онангиз Бир ёқда жигарбандлар Сиз учун уйлар қурилди, пуллар сарфланди Ота-онангиз сиз туфайли келинли бўлдилар. Улар учун сиз шу бугундан бошлаб «катта» бўлиб қолдингиз Бу "катта" бўлишингизни туғилган кунингиздан то тўйингизгача кутдилар Уларнинг сизга аталган дуоларини китоб қилса бўлади Ул дуолар ота-онангиз наздида тўйингиздан бошлаб оқибат бўладиганга ўхшайверади. Атрофдагилар сизни жиддий кузата бошлайдилар, ҳар бир ҳаракатингизни тарозига соладилар Бироқ сизлар ҳаммаша ҳам зийрак эмассиз «ота-онамнинг кечаги боласиман-да улар менинг ҳамма феълимни кўтараверишади» дейсиз Тўйгача қандай бўлсангиз тўйдан сўнг ҳам ана шундай тутаберасиз ўзингизни-дарз кетиш шундан бошланади Ота-она уйланиб «катта» бўлиб қолган боласидан катталардан кутган вафони кутади. Салгина гапингиз оғир ботиб салгина ишингиздан ранжийдиган бўлиб қолади Бунинг устига сиздаги жами салбий жиҳатларни(аввалдан шундай бўлсангиз ҳам ) келиндан кўра бошлайдилар қарабсизки бегуноҳ келин ҳам хунук кўрина бошлайдилар Ўғил-қизи турмуш қурган ота-оналарнинг ҳаммаси шу тарзда нозик тортиб қолади Бу табиий ҳолдир! Яна қизиғи шуки, келинни ўз қизидай авайлаган энг яхши қайнона ҳам кўнглининг бир чеккасида уни имтиҳон қилиб туради Агар ота-онангиз орзу қилгандай бирданига яхши томонга ўзгара бошласангиз ҳаргиз бу ҳолга келиннинг ҳам таъсири бўлгандир дейишмайди Фақат ўзингиздан мамнун бўлишаверади. Буни ҳам уларнинг фарзандга бўлган муҳаббати, деб уқмоқ жоиздир

#### *Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар*

##### *1-топшириқ*

1. Пунктуация пайдо бўлишида қанақа омиллар асосий роль ўйнаган?
2. Пунктуация пайдо бўлишини таъминлаган асосий омилларни изоҳланг.
3. Ўзбек пунктуацияси тарихи, тараққиёт йўллари, назарий-илмий асослари мураккаблигини исботланг.

##### *2-топшириқ*

- 1.Пунктуация пайдо бўлишининг ижтимоий тил ва ёзув тараққиёти билан боғлиқлигини баён қилинг.
- 2.. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг асослари қайси жиҳатдан ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга?



### 3. Пунктуация асослари ва принципларини фарқланг.

#### **9-мавзу: Тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари ва ўринлари** **АЖРАТИЛГАН ВАҚТ: 4 соат**

##### **Мавзу бўйича асосий масала(савол)лар**

- 1.Ўзбек тилида тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари.
- 2.Нукта ва вергулнинг ишлатилиш ўринлари..
- 3.Сўроқ ва ундов белгиларининг ишлатилиш ўринлари.
- 4.. Тире ва нуктали вергул, икки нуктанинг ишлатилиш ўринлари.
5. Кўп нукта, қавс ва қўштирноқнинг ишлатилиш ўринлари.

##### **Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар**

Нукта, вергул, нуктали вергул, сўроқ белгиси, ундов белгиси, тире, икки нукта, кўп нукта, қавс, қўштирноқ, якка ишлатилиш, қўша ишлатилиш.

##### **Мавзуга оид муаммолар**

- 1.Тиниш белгиларининг фикрнинг тўғри талқинида баъзан ҳал қилувчи рол ўйнашини мисоллар асосида кўрсатиб бериш.
- 2.Тиниш белгиларини ўринли ишлатилиш саводхонлик ва тафаккур даражасининг юксаклиги нишонаси эканлигини асослаб бериш.

**1-масала:** Ўзбек тилида тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари.

**Дарснинг мақсади:** талабаларга ўзбек тилида тиниш белгиларини ишлатилиш усулларини тушунтириб бериш.

##### *Идентив ўқув мақсадлари*

1. Тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари айтиб беради.
2. Тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари изохлайди.
- 3.Тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари ва принципларини бир-биридан фарқлайди.
- 4.Ишлатилган тиниш белгиларининг усули ва принципларини белгилайди.

##### **1-масала баёни**

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгиларининг қўлланиш усули, ўрни, функцияси турличадир. Масалан, нукта кўпроқ гап охирида қўлланиб, фикрнинг тугалланганлигини билдирса, вергул ҳар доим гап ичида қўлланиб, турли семантик-синтактик функцияларни бажаради: гап ва гап қисмларини бирикиш, айириш ва чегаралаш учун хизмат қилади.Масалан:*Ингичка, а мм о д а р о з, чўтирнамо тарозибон қулди.*(О.) Баҳор келди, гуллар очилди. Вергул биринчи мисолда маълум бўлакни айириш, ажратиш; иккинчи мисолда эса қўшма гап қисмларини бириктириш (боғлаш)вазифасини бажарган. Чунки бунда гаплар ўзаро бириктириш интонацияси асосида муносабатга киришган ва бу ҳолат ёзувда вергул билан кўрсатилган.

Ўзбек тилида тиниш белгилари икки хил усулда ишлатилади.а)якка ҳолда,б)қўша ҳолда.

Тиниш белгиларини якка ҳолда ишлатилиш кенг тарқалган. Чунки ҳар бир тиниш белгиси ўз вазифасига эгадир.

Тиниш белгиларини қўша қўллаганда ҳам маълум мақсадлар кўзда тутилади. Ўзбек нутқида кўпроқ ундов, ундов ва сўроқнинг қўша ишлатилиши кузатилади. Лекин баъзан вергул ва тирелар ҳам қўш вергул, қўш тире тарзида такрор (қўша, биргаликда) ишлатилади. Вергул ва тиреларнинг қўша қўлланиши алоҳида хусусиятга эга:

1. Гап ўртасида келган кириш сўзлар, кириш сўз бирикмалари қўш вергул билан ажратилади: Бу, бир т о м о н д а н, т ў ғ р и ф и к р к у – я, аммо қора доналарда ўйнаб туриб, ютукни мўлжалга олиш учун бундан яхшироқ дебютни топиш ҳам қийин-да!!

1.Гап ўртасида келган ундалмалар қўш вергул билан ажратилади: *Гувоҳ бўлинг, ў р т о қ л а р, шу – менинг ўғлим бўлади.* (!./.)

2.Бош гапнинг ўртасида келган эргаш гаплар қўш вергул билан ажратилади: *Йўлчи шу чоқ, қ а н ч а а қ ч а с и бўл с а ҳ а м, беришга тайёр эди.* (О.)

3.Гап ўртасида келган ва турли хил модал муносабатларни ифодалаган *ҳа, йўқ, қани, хўш, хўп* каби сўзлар ва ундовлар қўш вергул билан ажратилади: *қани, х ў ш, хизмат? – деди ҳаяжонини босишга уриниб.*

4.Гап ўртасида келган ажратилган иккинчи даражали бўлаклар қўш вергул билан ажратилади. Агар ажратиш, таъкид жуда кучли бўлса, бундай вақтларда қўш вергул ўрнида қўш тире ишлатилади: *«Оқлон» шаҳарчаси, с о б и қ К ў к ч а д а р в о з а с и д а, улар машинадан тушишиди.* (О.)

Тутилиб, шошилиб, ҳовлиқиб тиллар

Парашютчи қизни – Б а ш о р н и – сўзлар. (У.)

5.Кўчирма (ўзга) гапнинг ўртасида келган автор гапи ҳам қўша вергул, ҳам қўш тире билан ажратилади: «Биз, - д е д и жамҳа р а и с и,- пахта планини ортиғи билан бажарамиз».

Бундай вақтларда баъзан (кўпроқ газеталарда) қўш вергулнинг ўзи ишлатилади: Вазифа, т а ь к и д л а д и д о к л а д ч и, ғўза парваришини ўз вақтида сифатли ўтказишдан иборат.

### **Муҳокама учун саволлар**

4.3.1.Тиниш белгиларининг ишлатилиш усуллари ва ўринлари масаласининг алоқадорлиги ва фарқлари.

4.3.2. Тиниш белгиларининг турлари ва уларни ишлатиш ўринлари муносабати.

### **2-масала:Нукта ва вергул, уларнинг ишлатилиш ўринлари.**

**Дарснинг мақсади:** талабаларга нукта ва вергулнинг ишлатилиш ўринларини кўрсатиб бериш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

- 1.Нукта ва вергулнинг ишлатилиш ўринларини билади.
- 2.Нукта ва вергулнинг ишлатилиш ўринларини изоҳлайди
- 3.Нукта ва вергулнинг қандай усулга кўра қўлланганини топади.

### **Нукта ва унинг ишлатилиш ўринлари**

Нукта – энг қадимги ва энг кўп қўлланувчи тиниш белгиларидан бири. Нукта ёзув белгиси сифатида арабча текстда Абдул Малик ҳалифалиги (ҳижрий I аср) давридан қўллана бошлаган. Лекин қадимги ёзувлардаги нукта том маънодаги тиниш белгиси сифатида эмас, умуман, ёзув белгиси сифатида қўлланган ва турли функцияларни бажариб, турли хил мақсадларда ишлатилган. Кейинчалик, XIX асрнинг II ярмидан бошлаб, тиниш белгиси сифатида ишлатилган. Нуктанинг асосий функцияси хабар маъносини англатувчи муайян бир фикрнинг (гапнинг) тугалланганлигини кўрсатишдир. Бундан ташқари, нукта шу гапда фактни, ҳодисани констатация қилувчи маъно борлигини ҳам англатади; бу жиҳатдан у маънони фарқловчи восита ҳамдир.

Нукта гап охирида қўлланади. Унинг қўлланиши логик-грамматик принципга асосланади.

Баъзан нукта шартли қисқартмалардан сўнг ҳам ишлатилади. Бунда стилистик ёки дифференциация принципларига асосланилади. Нуктанинг шартли қисқартмалардан сўнг қўлланиши унинг қўшимча (ёрдамчи) функциясидир. қиёсланг: *Алишер Навоий – улуг шоир! А.Навоий – улуг шоир !* Иккинчи гапда *Алишер* сўзидан сўнг нуктанинг қўйилиши индивидуал стил, ёзув услуби (техникаси) билан боғлиқ бўлиб, агар *Алишер* сўзи қисқартирилмаганда, иккинчи гапда ҳам нуктани ишлатишга эҳтиёж туғилмас эди.

Ҳозирги ўзбек тилида нукта қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Дарак гаплар охирига қўйилади. Маълумки, дарак гапларда хабар маъносини ифодаланади, воқеа, ҳодиса таъкидланади. Шунингдек, дарак гаплардан илтимос, насиҳат, орзу-истак каби маъно оттенкалари ҳам англашилади. Дарак гаплар тинч оҳанг, пасажовчи интонация билан айтилади, интонация, айниқса, охирги сўзда (бўлакда) жуда пасаяди. Бу «нукта интонацияси» деб юритилади.

Охирига нукта қўйилувчи дарак гаплар структура жиҳатдан хилма-хил бўлиши мумкин: содда ва қўшма, бир составли ва икки составли, тўлиқ ва тўлиқсиз гап каби. Масалан: қаранг, шу куни эрталабгача қор ёғиб чиқди.

-«Узр сўранг қамбардан». – «Ана энди тушундим».

-«Узр сўра, тушунсанг». (Уйғун)

Баён эт, эй кўнгул, розингни ҳар дам,

Эшитсун аҳли диллар бўлса ҳамдам. (Нозимахоним)

Нуктанинг бир составли гапларда (номинатив гапларда) қўлланиши характерлидир. Номинатив гаплар нарса ва ҳодисаларнинг номини (атамасини) билдириб, кўпроқ от туркумидаги сўзлар билан ифодаланади ва шу сўз англатган маъно мазкур номинатив гапнинг мазмуни ҳисобланади – мавжудлик маъноси тасдиқ йўли билан берилади. Номинатив гапларда эмоционал бўёқ бўлмайди. (Агар бу гапларда эмоционаллик қўшилса, шунга хос интонация билан айtilса, бу вақтда уларнинг охирига нукта эмас, ундов белгиси қўйилади.) Масалан:

қор. Совуқ. Бўроннинг ўчмаган уни.

Аёзнинг забтидан қалтирар дарахт. (У.)

2. Баъзан буйруқ гаплар охирига қўйилади. Бундай буйруқ гаплар соф буйруқ мазмунини англатмай, буйруқ билан бирга, эмоционал маъно ҳам ифодалайди: буйруқ - илтимос, буйруқ - ялиниш, буйруқ - истак, буйруқ - сўроқ, буйруқ - маслаҳат, буйруқ - насиҳат, буйруқ - огоҳлантириш, буйруқ - даъват этиш(ундаш), буйруқ - рухсат (ёки таклиф) каби. Бундай гапларнинг ҳар бири ўзига хос оҳанг ва интонация билан айtilади ҳамда ўз грамматик хусусиятларига эга бўлади. Масалан, буйруқ - истак маъносини ифодаловчи гапларнинг кесими кўпроқ шарт феъли формасида бўлади: Тезроқ, тезроқ кўзим очилса. (С.А.) («Кўзим очилсин» маъносида.) Мазкур гаплардаги интонация, синтактик ҳолатларни ўзгартириш орқали ҳам улардаги маънони фарқлаш мумкин. киёсланг: Менга сўз беринг. (буйруқ-илтимос маъносини) – Сўз беринг менга! (буйруқ-дўк) – Менга сўз беринг! (буйруқ - қатъийлик, қатъий буйруқ, кучайган буйруқ.) Баъзан бу маъно оттенкаларининг ифодаланишида айрим грамматик кўрсаткичлар (истак, шарт майли аффикслари ва баъзи юкламалар) муҳим роль ўйнайди. Масалан: *Шундай ёш хотининг умрига зомин бўлганингдан кейин жабрини ҳам тортда.* (/./.)

*қўрқма, қочсанг ўзингга жабр қиласан. қани, юр-чи ичкарига.* (П.Турсин)

Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма,

Иззатни бериб элга, беҳуда сафо қилма. (У.)

3. Ремарка типдаги гаплар охирига қўйилади. Маълумки, ремаркаларда пьесадаги воқеаларнинг тавсифи, персонажларнинг вазияти, ички кечинмалари берилади. Бу жиҳатдан ремаркалардаги мазмун дарак гапдаги мазмунга ўхшаш бўлади; факт, воқеа, ҳодиса, ҳолат таъкидланади. Масалан: - *Ҳалқимга, ижодимга!* (К е т а б о ш л а й д и.)- Ҳайр, шаҳаншоҳ! (Й ў л и да да в о м э т а д и. Ҳ а м м а б о ш э г и б т у р - г а н ж о й и да қ о т и б қ о л а д и. Т а ш қ а р и д а н Н а в о и й н и о л қ и ш л а г а н х а л қ н и н г о в о з л а р и э ш и - т и л а д и.) (У.)

Агар ремарка персонаж номини билдирувчи сўздан кейин келиб, унинг ҳаракатини англатса, бундай ремаркалар охирига нукта қўйилмайди. Чунки бу типдаги ремаркалар персонаж номи билан биргаликда бир синтактик бутунликни ташкил этади. Масалан: қ ў л д о ш (ч ў ч и б). Йўғе! Т о ш м а т (к у л и б). Ўн икки-ю н о л ь-н о л д а! қ о д и р (П а т т и х о н г а). Сиз ҳойнаҳой ремонт жўнидан келгандирсиз. қ о д и р (и ч қ а р и г а т а к л и ф қ и л и б). қани марҳамат! (У.)

Шунингдек, *давоми 3-бетда, давоми келгуси сонда, боши газетанинг аввалги сониди, давоми бор* типдаги иборалардан сўнг ҳам нукта қўйилади, чунки улар гапга тенг интонация билан айtilади ва уларда гапга хос предикативлик бўлади.

4. Нумеративлар билан санаб кўрсатилган гаплар охирига (агар улар ўзидан олдинги ва кейинги гаплар ёки нумеративлар билан изоҳланмаса) қўйилади. Масалан: ...қуйидаги оналарга «қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин:

Кенг маънода қарор, резолюция, декларация ва айрим ҳужжатлардаги пунктлар (нумеративлар) ҳам шунга киради.

Аммо нумеративлардаги гаплардан мазмуний боғлиқлик сезилса ёки улар тугалланмаган фикрни англатса, бундай пайтда уларнинг охирига нуқтали вергул қўйилади: нумеративни кўрсатувчи сон ёки ҳарфлар эса ярим қавсга олинган бўлади.

5. Бир нечта мустақил (бир-бири билан семантик-грамматик боғланмаган) дарак гаплардан ташкил топган йирик сарлавҳалар ва айрим йирик рубрикалардаги гаплар охирига нуқта қўйилади. Бунда нуқта гапларни ўзаро ажратиш учун хизмат қилади. Нуқтанинг бундаги вазифаси кўпроқ нуқтали вергулнинг вазифасига яқинлашади: сарлавҳа ва рубрикаларни ташкил этувчи қисмлар (гаплар) мазмунан бир-бирига унча яқин бўлмайди. Масалан: *Халқ контролига қўмаклашувчи группа. Постларга раҳбарлик – партиявий ишнинг муҳим қисми. Пахта нобудгарчилигига қарши кураш – халқ назоратчиларининг бурчи. Чорвачиликка алоҳида эътибор. Жонкуярлар ташаббуси ортмоқда. Оққўрғон, Бўка ва Ўрта Чирчиқ районларида машина билан пахта териш кун сайин кучайтирилмоқда. Ҳосил пишиб етилган жойларда машиналарнинг нормал ишлашини таъминлайлик. Бекобод, Калинин, Оржоникидзе районларида гўзани дефолиация қилиш кейинги кунларда сусайтириб юборилди. Пахта териш ва тайёрлаш суръатини ҳамма жойда кескин кўтарайлик.* («Тошк.ҳақ»)

6. Баъзан изоҳ мазмунини англатувчи гаплар охирига қўйилади. Бу ҳолат, асосан, бадий асарларда учрайди. Масалан: *Холмуродни бошлаб кирган Эргаи бу ердаги «ажойиботларни» тушунтирди. – Мана буларни «ванна» дейилади; мана буни эса «титан» дейилади...* (П.Турсун) *Уни келган меҳмонлардан, кампирдан холи қилиб гапга солдим: - Саодат опаларингникига менинг келганимни ҳабар қилдингми? (!/.)*

Нуқтанинг бундай ўринларда қўлланиши бадий услубга хос бўлиб, стилистик принципга кўра белгиланади. Чунки изоҳ маъносини англатувчи гаплардан сўнг нуқтанинг ишлатилиши бошқа нутқ стилларида, масалан, илмий стилда учрамайди. (Бундай пайтда бошқа стилдаги текстларда икки нуқта ишлатилади.)

7. Рақамлар ёки ҳарфлар билан кўрсатилган нумеративлардан сўнг қўйилади. Бунда нумеративдан кейинги гаплар мустақилликка эга бўлиши шарт. (Агар бундай гаплар бири иккинчисига боғлиқ, мазмунан тобе, тугалланмаган бўлса, унда нумеративни кўрсатувчи рақам ёки ҳарфдан сўнг ярим қавс қўйилади.)

8. Бош ҳарфлар ёки бўғинлар билан кўрсатилган шартли қисқартмалардан сўнг ҳам нуқта қўйилади. Бундай шартли қисқартмаларни айрим ташкилотларнинг номини билдирувчи қисқартма сўзлардан фарқлаш керак. қисқартма сўзлар умумнорма, умумқоидага мувофиқ бўлиб, уларнинг нуқтасиз ёзилиши қоидалашган бўлади; шартли қисқартмалар эса индивидуал услуб билан боғлиқ, ёзув техникаси усулига кўра қўлланади. Масалан: *Алишер Навоий – А.Навоий, Александр Сергеевич Пушкин – А.С.Пушкин* каби.

9. Цитатанинг манбаини кўрсатувчи киритмалар текст ичида ёки ҳаволада берилса ва манбада автор, асарнинг номи, асарнинг нашри, бети тўлиқ кўрсатилса, бунда автор номидан сўнг ва охириги сўздан кейин нуқта қўйилади. Масалан: «*Ҳар нарсадан олий юрт ва халқ бахти!*» (Уйғун. «Вафо».) Ёки ҳавола (сноска)да: *Ҳ.Олимжон. танланган асарлар, Ўздавнашр, Т.,1951 йил, 5-бет.*

Агар манбада фақат авторнинг номи тўлиқ шаклда ёки асарнинг номи ва бети кўрсатилган бўлса, бунда улардан сўнг нуқта қўйилмайди. Шунингдек, ҳаволада асарнинг номи кўрсатилмайди, *юқоридаги асар* ёки *кўрсатилган асар* дейилса, унда автор номидан сўнг нуқта эмас, вергул қўйилади. Манба *газетадан, журналдан, фалон асардан* деб кўрсатилганда ҳам, улардан сўнг нуқта қўйилмайди.

10. Математикада нуқта кўпайтирувчи аломати (ишораси, белгиси) сифатида қўлланади. Бунда у икки рақам ўртасида қўйилиб, кўпайтириш белгисини билдиради:  $2 \cdot 2 \text{ қ4 } (2 \times 2 \text{ қ4}), 3 \cdot 3 \text{ қ9 } (3 \times 3 \text{ қ9})$  каби.

Баъзан нуқта мураккаб сонларни (рақамларни) синфларга бўлиб кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Бунда мураккаб (кўп хонали) сонларни ўқиш осонлашади, методик изчиллик, қулайлик вужудга келади: 4.400.000 тонна «оқ олтин».

12.Баъзан нуқта числоларда кун, ой ва йилларни ажратиш учун ишлатилади. Бу давлат ҳужжатларида, айрим ёзувчиларнинг асарларида учрайди. масалан: 5.XII.1970 (5 декабрь,

1970 йил), 20.03.70 (20 март, 1970 йил). қиёсланг: 1915/IV70 йил (15 апрель, 1970 йил). Числони бу тартибда ёзиш врачлар услубига хос.

### **Вергул ва унинг қўлланиш ўринлари.**

Вергул ўзбек ёзувида XX асрдан қўллана бошлади. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида 1901 йилдан, Тошкентда нашр этилган «Тараққий» газетасида эса 1906 йилдан бошлаб ишлатилгани маълум. Вергул энг қадимги тилиш белгиларидан бўлиб, ўзининг узок тарихига эга: у /арбий Европа ёзувларида XV асрдан тилиш белгиси сифатида қўллана бошлаган.

Вергул энг кўп қўлланувчи ва энг кўп функцияни бажарувчи тилиш белгиларидан ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вергулнинг қўлланиш доираси, функцияси кенгайиб бормоқда. Масалан, илгари кўчирма нутқ ўртасида келган автор гапи икки томондан вергул ва тире билан ажратилган бўлса, ҳозирги кунда фақат қўш вергул билан ажратилмоқда; тиренинг функциясини ҳам вергул бажаряпти: Жамоамиз аъзолари, деди раис, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Вергул қуйидаги функцияларда келади: а) гап бўлаклари ва гапларнинг ўзаро бирикувини кўрсатади; б) гап бўлаклари, гаплар, айрим сўзлар ва ибораларни ажратади, айиради, бўлади; в) текстдаги айрим қисмларни чегаралайди.

Вергул содда гап таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам қўлланади. Вергул қўшма гап таркибида кўпроқ учрайди.

Муҳокама учун саволлар

1. Ўзбек тилида нукта қандай ўринларда ишлатилади ва қандай вазифаларни бажаради?
2. Вергулнинг вазифалари нималардан иборат, у қаерларда ишлатилади?

3- масала: СЎРОҚ ВА УНДОВ БЕЛГИСИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ЎРИНЛАРИ.

**Дарснинг мақсади:** талабаларга сўроқ ва ундов белгисининг ишлатилиш ўринларини кўрсатиб бериш.

### *Идентив ўқув мақсадлари*

1. Сўроқ ва ундов белгисининг ишлатилиш ўринларини билади.
2. Сўроқ ва ундов белгисининг ишлатилиш ўринларини изоҳлайди
3. Сўроқ ва ундов белгисининг қандай усулга кўра қўлланганини аниқлайди.

Сўроқ белгиси гап охирида қўлланувчи асосий белгилардан ҳисобланади. Бу белги мазмундан сўроқ англашилган гаплар охирига қўйилади; шу гапнинг тугалланиш нуқтасини, унинг бошқа гаплардан ажралиш чегарасини кўрсатади ва мазкур гапнинг ифода мақсадига кўра сўроқ гап эгалигини билдиради. Масалан: қайёққа чекинасан? Борми кераксиз еринг? Не учун одам бўлдинг, кемасанг душманга тенг? (Ҳ.О.) – Илгари ким бўлган бу одам? Турдивой ҳалфа нима деди? Ким тўй қиялди? – деб сўради Холмурод. (П.Турсин)- Нима? Нималар дединг? (У.) Проф. А.Н.Гвоздёв «сўроқ белгиси латинча *Questio* (сўроқ) сўзининг қисқаришидан келиб чиқади.» деб кўрсатади: аввал сўроқ маъносини ифодалаш учун бу сўз қисқартириб (Q - O) қўлланган; кейинчалик мазкур функция шу сўзнинг фақат бош ҳарфи ишлатилган (Q); бундан ҳозирги сўроқ белгиси (?) пайдо бўлган.

Сўроқ белгисининг ўзбек тилида қўллана бошлаши XIX асрнинг охириларида тўғри келади. Бу белги ўзбек тилига рус тилидан кирган. У 1885 йилдаги баъзи ўзбекча матнларда учрайди. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида 1900 йилдан кейин мунтазам қўллана бошлаган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўроқ белгисининг қўлланиши қуйидагича:

1. Соф сўроқ маъносини англатувчи гаплар охирига қўйилади. Бундай гаплар икки хил шаклланган бўлади: а) таркибида сўроқни билдирувчи воситалар иштирок этади. – Энди кетиб қолмайсизми? Ҳа, нима, ўласанми, қап-катта қиз-а? (/./.) б) таркибида сўроқни билдирувчи грамматик воситалар иштирок этмайди: бундаги сўроқ маъноси ёзувда сўроқ белгиси орқали оғзаки нутқда интонация орқали билинади: Тўйгача қўлимни ҳам ушлатмайман дейсиз чоғи? (У.)

Сўроқни англатувчи гаплар тўлиқ ва тўлиқсиз гап шаклида бўлганда ҳам, сўроқ белгиси қўлланади: Устингиздан шикоят тушди. - Шикоят?(К.Яшин) Бўлар – бўлмасга

йиғлаган вақтингиз ҳам бўлгандир? (А.қодиров) Бу иморат отангиздан қолган бўлса керак? (А.қаҳҳор)

Сўроқни англатувчи гаплар содда ва қўшма гап шаклида бўлиши мумкин. содда гап шаклидаги сўроқ гапларда таажжуб, тахмин, чама, буйруқ каби маъно оттенкалари ҳам ифодаланади. Масалан: - Менинг соатим тўхтаб қолибди. – Соатим тўхтаб қолибди? (А.қ.) Бас энди, ука, ичманг! – Ичманг? Сиз ҳам ичасиз! (А.қ.) Хўш, масалани ҳал қилдик, шекилли? (О.) Кечгача яна уч баробар бўлар? (А.қ.) План бажарилган бўлса керак?

қўшма гапларда сўроқ маъносининг ифодаланиши хийла мураккаб: қўшма гапни ташкил этувчи барча гаплардан (компонентларидан) сўроқ маъноси англашилади; қўшма гапни ташкил этувчи бир гап сўроқ маъносини англатиб, иккинчи (ёки бошқалари) шу маънони ифодаламайди; эргаш гапли қўшма гапларда эса сўроқ маъноси бош гапда бўлиши мумкин ва аксинча; эргаш гап сўроқ маъносини англатганда, кўпинча бош гапдан сўнг қўлланади.

Бундай ҳолатларда ҳам гап охирига сўроқ белгиси қўйилади. Масалан: *Ахир ҳар борганингизда, поччангиз қуруқ қўймас? (А.қ.) қандай ухлар, ойли тун қизнинг юрагига ҳаяжон солса? (У.) Ўзинг-ку хатингда қуёшим дебсан, Нега зарбга кетсам йиғлайсан тўлиб? (У.)*

2. Такризларда ёки цитаталарда бирон сўз ёки жумла ноаниқлик, гумон ва англашилмовчиликни билдирса, бундай сўз ва жумладан сўнг сўроқ белгиси қавсга ўралган ҳолда қўйилади. Масалан: *«Онанинг бокира сийнасида(?) гавдаланган...», кампир ўзининг содда тафаккури, ўтмиш онги(?) билан, тилидаги ўзбекча жозоба (?) билан эсда қолади. («Ўзб.мад.»)* Баъзан бундай пайтларда сўроқ белгиси қўша қўлланади. Бу жумладаги кўпол хатони, ноаниқликни, авторнинг кучли норозилиги кўрсатади. Масалан: *...умумтомошабиннинг қалбида асир этган кўрку-бастигами (??) ё жаҳоншумул аҳамияти сайқал бериб туради. («Ўзб.мад.»)* Бу ҳақда қуйида («Сўроқ белгисининг такрорий қўша қўлланиши»да) батафсил гапирилади.

3. Сўроқ гап типидagi сарлавҳалардан кейин сўроқ белгиси қўйилади: *Театр болаларга нима беради? («Тошк.оқшоми») Бу ҳақда нималарни биласиз? Инглизлар қандай саломлашади? («Тошк.оқшоми») Хўжалик йилини қандай яқунлаяпсиз?*

4. *Ким, нима қайси, қанақа, қандай қилиб, нима қилди* каби сўз ва сўз бирикмалари сўроқ маъноси учун ишлатилса, улардан сўнг сўроқ белгиси қўйилади. Масалан: *Эга ким?, нима?, кимлар?, нималар?* каби сўроқларга жавоб бўлади.

#### **Ундов белгиси ва унинг қўлланиш ўринлари.**

Ундов белгиси гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларига киради. Ундов белгиси ўз структурасига кўра, икки элементли тиниш белгиси.

Ундов белгиси бадиий асарларда (айниқса, поэзия, лирик асарларда) кўп қўлланади: ёзма нуқтадаги турли туйғулар, ҳолатлар, эмоционалликларни ифодалашда ундов белгиси роли катта. Шунинг учун бўлса керак, лирик шоир Уйғуннинг асарларида ундов белгиси бошқа шоир ва ёзувчиларнинг асарларига нисбатан кўп қўлланган.

Ҳозирги ўзбек тилида ундов белгиси такрорий, оддий ва мураккаб қўша (бирликда) қўлланиш хусусиятига эга: ундов белгиси бир ўринда уч мартагача такрорий қўллана олади. Масалан:

Сени унитолмас юрагим асло,  
Эй, Ўрта Осиё, Ўрта Осиё!!! (Ҳ.О.)

Ундов белгиси бошқа тиниш белгилари билан (вергул ва икки нуқтадан ташқари) бирликда ҳам қўлланади.

Ундов белгиси ундов ва буйруқ гаплар охирида қўйилади. Бунда бу мазкур гапнинг эмоционал ёки қатъий буйруқ маъносига эга эканлигини, тугалланганлигини бошқа гаплардан чегараланиш нуқтасини кўрсатади. Бундай гапларда тўлқинли интонация билан айтилади.

Ундов белгиси ўзбек тилига рус тили орқали ўтган. У, ўзбекча ёзувларда XX аср бошидан бошлаб мумтазам равишда ишлатилган. «Туркистон вилоятининг газети»да 1901 йилдан қўллана бошлаган. Проф. А.Н.Гвоздёв «Ундов белгиси лотинча lo (Lo) ундов сўзидан

келиб чиққан» деб кўрсатади; латинча L ҳарфининг нуқта билан қўшиливи асосида ундов белгиси ҳосил бўлган: l қ !

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундов белгисининг қўлланиш доираси функцияси кенгайиб бормоқда. Бадиий адабий, илмий-публицистик асарлар, газета ва журналларда ундов белгиси хилма-хил мақсадларда қўлланган ва у ишлатилган гаплар ҳам семантик, ҳам структура, ҳам синтактик жиҳатдан ранг – баранг. Ундов белгисининг, фақат ундов гаплардагина эмас, вокатив, баъзи номинатив ва сўроқ гап типларда ҳам қўлланиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундов белгисининг қўлланиши қуйидагича:

1. Ундов гаплар охирига қўйилади. Бундай гаплар эмоционалликни англатиб, кучли кўтарилувчан, тўлқинли интонация билан айтилади ва улар лексик-грамматик, интонацион ва структура жиҳатдан турлича бўлиши мумкин: Олтинсой ажойиб гўзал қишлоқ! (Ш.Р.) Бу ифлосни отган мен бўламан! (Я) Сенинг хотиранингни унутмас асло, менинг юракларим, Ўрта Осиё ! (Ҳ.О.)

1. Ундаш гаплар охирига ундов белгиси қўйилади: а) муомала мунасабатни билдурувчи ундаш гаплар кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, улар охирига ундов белгиси қўйилади. Мисоллар: Навоий: О... Марҳамат! Соз! Жойми? Салом, дўстлар! Мажиддин: Салом, покиза устоз! (Уйғун ва И. Султонов) б) кучли эмоционалликка эга бўлган тасдиқ ёки инкорни билдирувчи ундаш гаплар охирига ундов белгиси қўйилади: Ҳа! Хўп! Йўқ! В) хитоб, ташвиқни билдирувчи ундаш гаплар эмоционаллик ва кучли ундов интонацияси билан айтилса, улар охирига ундов белгиси қўйилади: Чух! Тсс! каби; г) кўрсатиш, ҳаяжон билдирувчи ундаш гаплар охирига ундов белгиси қўйилади: Ана! Ма! Бу-чи! каби

2. Номинатив гаплар ундов интонацияси билан айтилса ва эмоционаллик ифодаласа, улар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: Уруш! Дунё! Мустамлака! (Ҳ.О.) Топган сўзи: Оҳ, фалак! (!./.) Сигнал! «Тошк.ҳақ»

3. Кесими –**моқ**, –**ш(-иш)** аффиксли ҳаракат номи билан ифодаланган инфинитив гаплар эмоционалликка эга бўлиб, ундов интонацияси билан айтилса, улар охирига ундов белгиси қўйилади. Бундай инфинитив гапларнинг кесими «ҳаракат номи - *керак* (*лозим, даркор, зарур*)» типда ҳам бўлиши мумкин: *Пахта планини тез кунда бажариш керак!*

4. Сўроқ гап структурасидаги айрим гаплар, айниқса, риторик сўроқ гаплар ундов интонацияси билан айтилиб, эмоционалликка эга бўлса, ундов белгиси қўйилади. Бунда: а) сўроқни билдирувчи –**ми** юкласи бўлиши мумкин. Бундай гапларда умумий мазмун тасдиқни билдиради; б) сўроқ олмошлари бўлади: *қандай, қанча, қанақа, ким, нима, қани* каби. Булар сўроқ маъносини эмас, балки эмоционал (севинч, рағбатланиш, кесатик каби) маъноларни англатади. Масалан: *қутлаймиз янги йил, янги бахт билан, Дўстлар қадаҳларни кўтаринг, қани!* (У.) *Нима бизга Америка! Нима бизга унинг суръати!* (Ҳ.О.)

5. Кесими шарт, истак майли формасидаги айрим гаплар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: *қўшиқ айтгим келди сенинг тўйингда, қандай қилай, севинч сайратса тилни! қандай қилай, дўстим, бахт таронаси, Баҳор туйғулари яйратса дилни!* (У.) *Сенинг тўйинг, дўстим, ҳамаминг ҳам Янги ижодларга этсин сафарбар!* (У.)

6. Буйруқ гаплар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: 1. *Дўстим, сенга такрор, такрор айтаман: Билакни шимариб ишга туш, ишга!* (У.) 2. *қаҳрамоним, арслоним, меҳрибоним, бўл омон!* (Ҳ.О.)

#### **Муҳокама учун саволлар**

1. Нуқтанинг функциялари кенгайиб бориши нималарда кўринади?

2. Ўзбек тилида сўроқ белгисининг қандай ўринларда ишлатилади ва қандай вазифаларни бажаради?

3. Ундов белгисининг вазифалари нималардан иборат, у қаерларда ишлатилади?

**4- масала:** 4.. Тире ва нуқтали вергул, икки нуқтанинг ишлатилиш ўринлари.

Дарснинг мақсади: талабаларга тире, нуқтали вергул, икки нуқтанинг ишлатиш ўринларини кўрсатиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари

1. Тире, нуқтали вергул, икки нуқтанинг ишлатилиш ўринларини билади.

- 2 Тире, нуқтали вергул, икки ниуктанинг ишлатилиш ўринларини изоҳлайди  
3 Тире, нуқтали вергул, икки ниуктанинг қандай усулга кўра қўлланганини аниқлайди

#### **4-масланинг баёни**

Тире(фран.Tiret – чизикча, tiger – тортиш, узайтириш).Дефисга нисбатан узунроқ чизик билан ифодаланадиган тиниш белгисидир. Бу белги гаплар, қўшма гап қисмлари, гап бўлаклари орасидаги синтактик муносабатларни кўрсатиш учун ишлатилади.

**Ҳозирги ўзбек адабий тилида тиренинг ишлатилиш ўринлари** ва вазифалари ҳам кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин. Ҳозирги кунда тире куйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Эга ва кесим тенг муносабатда бўлса ва куйидаграмматик хусусиятларга эга бўлса:

- кесим от билан ифодаланган бўлса ва -дир кесимлик қўшимчасини олмаган бўлса; Масалан: Онам – ўқитувчи. Ётоқхона - иккинчи уйимиз; - кесим олмош(кишилиқ олмошларидан ташқари) билан ифодаланган бўлса ва -дир кесимлик қўшимчасини олмаган бўлса; Масалан: Ниятимиз шу – пахтадан мўл ҳосил олиш.

2. Кўчирма гапли қўшма гапларда муаллиф гапини кўчирма гапдан ажратиш учун ишлатилади. Бунда у якка ҳолда ҳам, қўша ҳолда ҳам ишлатилади. Муаллиф гапи кўчирма гапдан кейин келса, тире якка ҳолда ундан олдин ишлатилади. Масалан: «қалай, Турғунбой, хипчин қалай!» - сўрайди Аъзам.(О.) Муаллиф гапи кўчирма гапнинг ичида келса, тире қўша ҳолда муаллиф гапининг ҳар икки томонида ишлатилади. Бунда кўчирма гапнинг табиатига қараб муаллиф гапидан кейин вергул ёки нуқта ҳам ишлатилади. Кўчирма гапнинг бошланиш қисмидаги гап тугал келтирилса, муаллиф гапидан кейин нуқта, тугал келтирилмаса, вергул қўйилади. Масалан: 1.«Мехнатни сев, - дейди ойим,- мехнат кишига бахт келтиради».2., Гап дарсни ўз вақтида бажармаганингда, - деб қўйди акам. – Ўз вақтида бажарсанг, ойинглар уришмас эди“.

#### **Нуқтали вергулнинг ишлатилиш ўринлари**

Нуқтали вергул устма – уст жойлашган нуқта ва вергулдан иборат тиниш белгисидир(:). Мураккаб таркибли бу тиниш белгисининг ишлатилиш ўринлари ҳам биров мураккабдир, чунки бу белги тўлиқ тугалланганликни ҳам англатмайди, шунингдек, бир типдаги қисқа тўхтамни ҳам билдирмайди. Бу белги орасидаги тўхтам вергулдагидан фарқ қилади. Чунки улар вергулдан фарқли ўлароқ маълум мустақилликка эга бўлган бир неча масалалар орасидаги муносабатни билдиришга хизмат қилади. Шунинг учун у куйидаги ҳолатларда қўйилади:

- 1) таркиби мураккаб гап бўлаклари орасига;
- 2) қўшма гапларнинг мазмунан бир-бирига яқин бўлган қисмлари орасига;
- 3) рақамлаш билан саналган парчалар орасига. Сўнгги ҳолнинг иш кўриш жараёни куйидагича:

Бир сарлавҳа остида ёки бир муносабат билан баён этилаётган масалаларни билдирадиган рақамланган ёки бошқа усулда тартибланган гаплар, агар уларда мазмуний боғлиқлик сезилса ёки улар тугалланмаган фикрни англатса, бундай пайтда уларнинг охирига нуқтали вергул қўйилади: нумеративни кўрсатувчи сон ёки ҳарфлар эса ярим қавсга олинган бўлади. Масалан: Ҳозиргача эргаш гапларнинг куйидаги турлари аниқланган:1) эга эргаш гап;2)кесим эргаш гап;3)аниқловчи эргаш гап;4) тўлдирувчи эргаш гап; 5) равиш эргаш гап; 5) даража-миқдор эргаш гап; 6)чоғиштириш-ўхшатиш эргаш гап; 7)ўрин эргаш гап; 8)пайт эргаш гап;9) сабаб эргаш гап;10) мақсад эргаш гап; 11) шарт эргаш гап; 12) тўсиқсиз эргаш гап;13) натижа эргаш гап. Бундай синтактик қурилманинг охирига нуқта қўйилади. Нуқтали вергулдан кейин, агар қурилма гап бўлмаса, навбатдаги ташкил этувчи кичик ҳарф билан ёзилади.

**Икки нуқта ва унинг ишлатилиши.** Икки нуқта (:) устма – уст қўйиладиган иккита нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси бўлиб, асосан, куйидаги ҳолларда қўйилади:

- 1 ) уюшиқ бўлақлар олдидан қўлланган умумлаштирувчи бўлақдан сўнг: Сув очиш тантанасига қорабулоқнинг бутун аҳолиси: чоллар, хотинлар, болалар



чиқишди.(М.Исмоилий);2) боғловчисиз кўшма гап таркибидаги гапларни ажратишни кўрсатиш учун: Якун қилдим: кўз ёшларига икки боис бор экан асли.(Уйғун);3)кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан кейин: Ҳалқимизнинг севимли адибаси, суюкли момомиз Турсуной Содикова бир чиқишида баъзи бетгачопар келинларга қарата шундай деганлар: «... Ҳай келинчак шу кожлигинг бўлса, сенга гап уқдиришнинг иложи йўқ!»

#### **Муҳокама учун саволлар**

1. Тире ўзбек тилда қандай вазифаларни бажаради?
2. Нуқтали вергул қайси ўринларда кўпроқ ишлатилади? Нима учун?
3. Икки нуктанинг вазифалари нималардан иборат?

5- масала: **Кўп нуқта, қавс ва кўштирноқнинг ишлатилиш ўринлари.**

**Дарсинг мақсади:** талабаларга кўп нуқта, қавс, кўштирноқнинг вазифалари, ишлатиш ўринларини кўрсатиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари

- 1.Кўпнуқта, қавс, кўштирноқнинг ишлатилиш ўринларини билади.
- 2 Кўпнуқта, қавс, кўштирноқнинг ишлатилиш ўрин ларини изоҳлайди
- 3 Кўпнуқта, қавс, кўштирноқнинг қандай усулга кўра қўлланганини аниқлайди

#### **5-масала баёни**

**Кўпнуқта ва унинг ишлатилиш ўринлари.** Кўпнуқта горизонтал ҳолда қўйиладиган уч нуқта билан ифодаланидиган тиниш белгисидир. Кўпнуқта асосан қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) мазмуни тугамаган гаплар охирида: Сиз отасиз ...Ўз гапингиздан қолмас эдингиз;

в) цитата ёки олинган мисолларнинг тушириб қолдирилган қисми ўрнида: «Мен,- деган эди машҳур рус педагоги В.Сухомлинский,- тарбиянинг кучига ишонаман».

б) сўзловчининг ички ҳис-туйғулари, айтолмаган сўзлари ўрнида: Мен сизга айтсам, совғани менгами... деб ўйлаб, уни уйга олиб бориб қўйибман .

**қавс ва унинг ишлатилиш ўринлари.** қавс янги чиққан ярим ой ёки ёй шаклидаги икки қисмли(очилувчи ва ёпилувчи) тиниш белгисидир. қавс асосан қуйидаги вазифаларни бажаради ва қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) цитаталарнинг манбаини кўрсатиш учун хизмат қилади. Бунда асосан цитатадан кейин ишлатилади. Масалан: Бешикдан то қабргача илм изла.(Ҳадис)

б) киритмаларни ажратиш учун хизмат қилади. Бунда гап ичида ишлатилади. Масалан: Фузия( фран.fusion -қўшилиш, тўташишқлот. Fusio-қуйиш, қуйма дегани) фонема таркибининг ўзгариши(ёнма-ён фонемаларнинг сингишуви) натижасида фонемалар чегарасининг ноаниқлашуви, бир фонеманинг ҳар икки морфема таркиби учун умумий бўлиб қолишидир.

кўштирноқ ва унинг ишлатилиш ўринлари.

кўштирноқ икки (очилувчи ва ёпилувчи) қисмли тиниш белгиси бўлиб, ёзув ифодасига кўра икки шаклга эга:,, ”, « ». кўштирноқ ёзувда бир неча вазифаларни бажаради ва қуйидаги ўринларда ишлатилади:

а) кўчирма гаплар ва цитаталарни ажратиб кўрсатиш учун уларнинг ҳар икки томонидан қўйилади;

б) газета, журнал ва муассасаларнинг номларини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади;

в) кесатик, қочириқларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади: Ҳа энди сиз «каттасиз», «сиз» билан бирга ўтиришга бизга йўл бўлсин.

Муҳокама учун саволлар

- 1.Кўпнуқтани ишлатилишда қайси принципларга асосланилади?
2. қавснинг вазифалари нималардан иборат.
3. кўштирноқнинг ишлатилишида қандай ўзгаришлар рўй берди?

*Мавзу бўйича ечимини қўтаётган илмий муаммолар*

- 1.Тиниш белгиларини ишлатишда рўй берган ўзгаришлар.
- 2.Тиниш белгиларини ишлатишда рўй берадиган типик камчиликлар.

3. Ҳозирги матбуот тилида тиниш белгиларини ишлатишга эътиборнинг аҳволи.

### **АМАЛИЙ МАШ/УЛОТЛАР**

#### **Ажратилган вақт - 4**

Дарсинг мақсади: талабаларнинг ўзбек тилида тиниш белгиларнинг пайдо бўлиши, тиниш белгиларнинг миқдори, турлари, уларни ишлатиш асослари ва тамойиллари, усуллари, асосий тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларда тиниш белгиларини мустақил ишлата олиш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### *Идентив ўқув мақсадлари*

1. Берилган матнга керакли тиниш белгиларини қўйиб чиқади.
2. Нотўғри қўйилган тиниш белгиларини аниқлайди.
3. Ишлатилган тиниш белгиларини турларга ажратади.
4. Тиниш белгиларининг қандай тамойиллар ва усулда ишлатилганини аниқлайди.

#### *Ишнинг бажарилиш тартиби*

1. Берилган матнга керакли тиниш белгилари қўйиб чиқилади.
2. Нотўғри қўйилган тиниш белгилари аниқланиб, сабаблари изоҳланади.
3. Ишлатилган тиниш белгилари турларга ажратилиб, қайд этилади.
4. Тиниш белгиларининг қандай тамойиллар ва усулда ишлатилгани аниқланиб, асосланади.

#### **қўйиш**

Жалолиддин Румийдан шундай нақл қиладилар Бир кун йиғинда ваъз ўқиларди. Муслмонун кофир - ҳамма йиғлар, барча мўтаасир эди. Бири кофирлар нега йиғлайди устига устак тилни билмайди Муслмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган бу ваъздан улар нимани англаяптики бу қадар йиғлаб сиқтайдилар деб сўради Мавлоно айтдики, Сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ Улар моҳиятни мақсадни англаётми, Улар ҳам Тангрининг бирлигини эътироф этадилар, Унинг Яратувчи, Раззоқ, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи зот эканини ниҳоят ҳар Ким Унга қайтажагини авф ва жазо Ундан бўлажагини биладилар Шунинг учун ҳам улар Тангрининг васфи ва зикри бўлган бу сўзларни эшитиши Билан музтариб қалбларида севинч ва завқ туймоқдалар, Бу сўзлардан уларга севганлари ва дийдорини истаганларининг бўйи келмоқда. Йўллар турли туман бўлса ҳам ғоя бирдир

#### **Жигарбандлик**

Маълумки, ўғил бола кўчада катта бўлади. Учта-тўртта ёки ундан ортиқ ўғилни кўчага чиқариш учун ота қодир феълли бўлиши керак. Отанинг оталик салобати бўлмас экан, бу ёғи чаток.

Отангиз бўштабиат бўлди дейлик, онангиз ундан ройиш. Хўш, энди беш ўғил беш томонга йўрғалайверсинми? Ота-онадан кейин- чи? Ҳамма ўзига хўжайинми? Бундай ҳолатда хоҳламайдими, хоҳлайдими, бошқарувчилик катта ўғилда бўлади. Агар у ҳам аросат феълли бўлса, фарзандлар ичидан эслик, шудлик ва ориятлик биттаси ўртага чиқиши ва умрбод шу оиланинг маънавий бутунлиги учун жавобгарликни бўйнига олиши лозим. Фарзанди солиҳлик – шу.

Бошқарувчи фарзандга умр бўйи қийин бўлади. У бошқалардан ҳато қилмаслиги, назари тўқлиги, холислиги, жигарларига меҳрибонлиги Билан ажралиб туриши керак. Унинг фидойилиги эса ҳеч қачон қайтимсиз қолмайди. Аллоҳ унга у кутмаган томонлардан муруват етказди. Энг буюги шуки, ўзининг фарзандлари бир-бирига қуюмли бўлади.

Таъмизли жигар холис туриб ака-укалар ўртасидаги оқибатни асрайди орадаги гина-кудратнинг олдини олади.

Мўжиза

Биз ҳар куни неча бор такрор ва такрор турфа хил олам гўзалликларига гувоҳ бўламиз, улардан ҳайратланамиз, завқу шавққа тўламиз. Бу гўзалликлар ичида шунақангилари ҳам борки, уларни кўрганда, лол қоламиз, ҳайратимизни ифодалашга сўз ҳам тополмай қоламиз: қойил! Мўъжиза бу! Отангга балли! Ўргатган устозингга раҳмат! дея оламиз, холос.

Улар, дарҳақиқат, мўъжиза деган шарафли номга муяссар етти иқлимга машҳур ҳайратомуз яратиклардир. Жаҳонда бундай мўъжизалар кўп, лекин бундай мўъжизалар яратган халқлар кўп эмас. Не бахт, не ифтихорки, бундай мўъжизакор халқлар ичида туркийлар, хусусан, ўзбек халқи, бизнинг она халқимиз, салмоқли ўрин тутади. Зотан, жаҳон мўъжизаларининг орасидан энг сара еттитаси ажратиб олинса, бу буюк еттиликнинг биттаси ўзбекини бўлиб чиқиши аниқ. Кўпчиликка маълумки, етти мўъжизанинг бири – бобурийлар сулоласи бунёд этган ўша жаҳонга машҳур «Тожмаҳал»дир.

### ***Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар***

#### **1-топшириқ**

1. Пунктуация пайдо бўлишида қанақа омиллар асосий роль ўйнаган?
2. Пунктуация пайдо бўлишини таъминлаган асосий омилларни изоҳланг.
- 1.4.3. Ўзбек пунктуацияси тарихи, тараққиёт йўллари, назарий-илмий асослари мураккаблигини исботланг.

#### **2-топшириқ**

- 1.2.1. Пунктуация пайдо бўлишининг ижтимоий тил ва ёзув тараққиёти билан боғлиқлигини баён қилинг.
- 2.4.1. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг асослари қайси жиҳатдан ўхшаш ва фарқли хусусиятларга эга?
- 3.4.1. Пунктуация асослари ва принципларини фарқланг.

#### **3-топшириқ**

4.4.1. куйидаги гапларда тиниш белгилари қандай усулларда қўлланган? «Тожмаҳал»!  
Мислсиз меҳру муҳаббат, қалб кўри, ақлу дониш меваси бўлган ҳилқат бу! Бунақанги ёруғ шаффофлик, бунақанги чароғон оқликни қаерда кўргансиз? Фақат ва фақат «Тожмаҳал»да! Муҳаббатнинг борлигига, муҳаббатнинг абадийлигига, муҳаббатнинг сеҳрига қўйилган мунаввар ҳайкал бу! Бунда муҳаббат ва санъат уйғунлиги энг юқори чўққига кўтарилган. Дунё дунё бўлибдики, севги шарафига қурилган бунақанги қасри олий, санъат обидасини кўрмаган. Ҳаммасидан ҳайратланарлисиз шундаки, бу қасри олий ғойибдан келган эмас, уни сизу бизга ўхшаган одамлар яратишган! Демак, «Тожмаҳал»да инсоннинг энг олий мавжудот эканлиги ҳам мужассамдир. Мана, инсон қанчалар улуғ бунёдкордир!

#### **Модул бўйича якуний ҳулосалар**

1. Ўзбек тилида тиниш белгилари икки хил усулда ишлатилади. а) якка холда, б) қўша холда.

2. Нуқта – энг қадимги ва энг кўп қўлланивчи тиниш белгиларидан бири. Нуқта дастлаб ёзув белгиси сифатида арабча текстда Абдул Малик ҳалифалиги (ҳижрий I аср) давридан қўллана бошлаган. Кейинчалик, XIX асрнинг II ярмидан бошлаб, тиниш белгиси сифатида ишлатилган. Нуқтанинг асосий функцияси ҳабар маъносини англатувчи муайян бир фикрнинг (гапнинг) тугалланганлигини кўрсатишдир.

Нуқта гап охирида қўлланади. Унинг қўлланиши логик-грамматик принципга асосланади.

Баъзан нуқта шартли қисқартмалардан сўнг ҳам ишлатилади. Бунда стилистик ёки дифференциация принципларига асосланилади. Нуқтанинг шартли қисқартмалардан сўнг қўлланиши унинг қўшимча (ёрдамчи) функциясидир.

3. Вергул ўзбек ёзувида XX асрдан қўллана бошлади. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида 1901 йилдан, Тошкентда нашр этилган «Тараққий» газетасида эса 1906 йилдан бошлаб ишлатилгани маълум. Вергул энг қадимги тиниш белгиларидан бўлиб, ўзининг узок тарихига эга: у /арбий Европа ёзувларида XV асрдан тиниш белгиси сифатида қўллана бошлаган.

Вергул энг кўп қўлланувчи ва энг кўп функцияни бажарувчи тиниш белгиларидан ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вергулнинг қўлланиш доираси, функцияси кенгайиб бормоқда. Масалан, илгари кўчирма нутқ ўртасида келган автор гапи икки томондан вергул ва тире билан ажратилган бўлса, ҳозирги кунда фақат қўш вергул билан ажратилмоқда; тиренинг функциясини ҳам вергул бажаряпти: Жамоамиз аъзолари, деди раис, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Вергул қуйидаги функцияларда келади: а) гап бўлаклари ва гапларнинг ўзаро бирикувини кўрсатади; б) гап бўлаклари, гаплар, айрим сўзлар ва ибораларни ажратади, айиради, бўлади; в) текстдаги айрим қисмларни чегаралайди.

Вергул содда гап таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам қўлланади. Вергул қўшма гап таркибида кўпроқ учрайди.

4.Сўроқ белгиси гап охирида қўлланувчи асосий белгилардан ҳисобланади. Бу белги мазмунидан сўроқ англашилган гаплар охирига қўйилади; шу гапнинг тугалланиш нуқтасини, унинг бошқа гаплардан ажралиш чегарасини кўрсатади ва мазкур гапнинг ифода мақсадига кўра сўроқ гап эгалигини билдиради.

Ундов белгиси гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларига киради. Ундов белгиси ўз структурасига кўра, икки элементли тиниш белгиси.

5.Ҳозирги ўзбек тилида ундов белгиси такрорий, оддий ва мураккаб қўша (бирликда)қўлланиш хусусиятига эга: ундов белгиси бир ўринда уч мартагача такрорий қўллана олади.

Ундов белгиси ундов ва буйруқ, баъзан дарак, сўроқ гаплар охирида қўйилади. Бунда бу мазкур гапларнинг эмоционал ёки қатъий буйруқ маъносига эга эканлигини, тугалланганлигини баъзан эса ички таъсирчан мазмунга эга эканлигини, бошқа гаплардан чегараланиш нуқтасини кўрсатади. Бундай гапларда, кўпинча, тўлқинли ёки ўзига хос ҳаяжонли интонация билан айтилади.

Ундов белгиси ўзбек тилига рус тили орқали ўтган. У, ўзбекча ёзувларда XX аср бошидан бошлаб мумтазам равишда ишлатилган

6.Нуқтали вергул устма – уст жойлашган нуқта ва вергулдан иборат тиниш белгисидир:(;) У қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

4)таркиби мураккаб гап бўлаклари орасига;

5)қўшма гапларнинг мазмунан бир-бирига яқин бўлган қисмлари орасига;

6)рақамлаш билан саналган парчалар орасига.

7.Икки нуқта (:) устма – уст қўйиладиган иккита нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси бўлиб, асосан, қуйидаги ҳолларда қўйилади:

1 ) уюшиқ бўлаклар олдидан қўлланган умумлаштирувчи бўлакдан сўнг: Сув очиш тантанасига қорабулоқнинг бутун аҳолиси: чоллар, хотинлар, болалар чиқишди.(М.Исмоилий);2) боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гапларни ажратишни кўрсатиш учун: Якун қилдим: кўз ёшларига икки боис бор экан асли.(Уйғун);3)кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан кейин: Ҳалқимизнинг сеvimли адибаси, суюкли момомиз Турсуной Соддиқова бир чиқишида баъзи бетгачопар келинларга қарата шундай деганлар: « Ҳай келинчак шу кожлигинг бўлса, сенга гап уқдиришнинг иложи йўқ!»

8. Кўпнуқта горизонтал ҳолда қўйиладиган уч нуқта билан ифодаладиган тиниш белгисидир(.). Кўпнуқта асосан қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) мазмуни тугамаган гаплар охирида: Сиз отасиз. Ўз гапингиздан қолмас эдингиз;

в) цитата ёки олинган мисолларнинг тушириб қолдирилган қисми ўрнида: « Мен , - деган эди машҳур рус педагоги В.Сухомлинский,- тарбиянинг кучига ишонаман».

б) сўзловчининг ички ҳис-туйғулари, айтолмаган сўзлари ўрнида: Мен сизга айтсам, совға ни менгами деб ўйлаб, уни уйга олиб бориб қўйибман .

9.қавс янги чиққан ярим ой ёки ёй шаклидаги икки қисмли(очилувчи ва ёпилувчи) тиниш белгисидир. қавс асосан қуйидаги вазифаларни бажаради ва қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) цитаталарнинг манбаини кўрсатиш учун хизмат қилади. Бунда асосан цитатадан кейин ишлатилади. Масалан: Бешикдан то қабргача илм изла.(Ҳадис)

б) киритмаларни ажратиш учун хизмат қилади.

10.қўштирноқ икки (очиловчи ва ёпиловчи) қисмли тиниш белгиси бўлиб, ёзув ифодасига кўра икки шаклга эга: „, „, « ». қўштирноқ: а) кўчирма гаплар ва цитаталарни муаллиф гапидан; б) газета, журнал ва муассасаларнинг номларини ажратиб кўрсатиш;

в) кесатиқ, қочириқларни билдириш учун ишлатилади.

### **Назорат саволлари ва топшириқлари.**

#### **8-мавзу бўйича**

1.1.3.Пунктуацион белгилар қандай шароитда ва қачон пайдо бўлган?

1.3.1.Ўзбек тили пунктуацияси қачон пайдо бўлганини айтиб беринг.

1.2.1. Пунктуация пайдо бўлишининг ижтимоий тил ва ёзув тараққиёти билан боғлиқлигини баён қилинг.

3.1.1. Ўзбек пунктуацияси принципларига нималар киради?

3.5.1. Нима учун логик- грамматик принцип етакчи ҳисобланади?

#### **9-мавзу бўйича**

3.6.1. Нуқтанинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

3.6.2. Нуқта қандай вазифаларни бажаради?

3.6.3.Нуқта қандай усулларда ишлатилади?

3.7.1.Вергулнинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

3.7.2. Вергул қандай вазифаларни бажаради?

4.1.1. Сўроқ белгисининг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

4.1.2. Сўроқ белгиси қандай вазифаларни бажаради?

4.2.1. Ундов белгисининг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

4.2.2. Ундов белгиси қандай вазифаларни бажаради?

5.1.1. Икки нуқтанинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

5.1.2. Икки нуқта қандай вазифаларни бажаради?

6.1.1. Нуқтали вергулнинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

6.1.2. Нуқтали вергул қандай вазифаларни бажаради?

7.1.1. Кўпнуқтанинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

7.1.2.Кўпнуқта қандай вазифаларни бажаради?

8.1.1. Тиренинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

8.1.2. Тире қандай вазифаларни бажаради?

9.1.1. Тиренинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

9.1.2. Тире қандай вазифаларни бажаради?

10.1.1. қаваснинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

10.1.2. қавс қандай вазифаларни бажаради?

11.1.1 қўштирноқнинг ишлатилиши ўринларини баён қилинг.

11.1.2. қўштирноқ қандай вазифаларни бажаради?

#### **Тавсия қилинадиган асосий адабиётлар**

1.И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.

2.У. Турсунов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1992.

3.Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. «Ўқитувчи». Тошкент, 1995 й.

4.Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2- қисм, Тошкент, 1980.

5.А./уломов. М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т. 1987.

6./Абдурахмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси.Т.1999.

#### **қўшимча адабиётлар:**

1.Ўзбек тили грамматикаси. II том, «Фан». Тошкент, 1976 й.

2.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том, Москва, 1981 й.

3.А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1985 й.

4. А.Ҳожиёв. Лингвистика терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1974 й.
5. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўзбекистон», Тошкент, 1992 й.
6. А. Нурманов, Р. Расулов. Ўзбек тили жадвалларда. Т., 1993.
7. К.Назаров. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент, 1976.
8. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. «Ўқитувчи», Тошкент, 1995.

## Мундарижа

|                                                                         |     |
|-------------------------------------------------------------------------|-----|
| Сўзбоши.....                                                            | 3   |
| Қўшма гап ва унинг асосий белгилари.....                                | 14  |
| Қўшма гапларнинг турлари. Боғланган қўшма гап.....                      | 24  |
| Эргаш гапли қўшма гаплар.....                                           | 37  |
| Боғловчисиз қўшма гап.....                                              | 65  |
| Мураккаб қўшма гап.....                                                 | 84  |
| Ўзга гап ва уни ифодалаш усуллари.....                                  | 95  |
| Матн синтаксиси.....                                                    | 101 |
| Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари ва уларни ишлатиш тамойиллари..... | 111 |
| Тиниш белгиларини ишлатилиш усуллари ва ўринлари.....                   | 125 |
| Мундарижа.....                                                          | 143 |

**Ж. Абдуллаев**

Ҳозирги ўзбек адабий тили

**(синтаксис)**  
**Қўшма гап**

Дизайнер: Йўлдошев М.  
Компьютерда тайёрловчи: Бердиёрова Г.  
ИБ№....

Босишга 12.XII 2007 рухсат этилган. Қоғоз бичими  
60X841/16. Босма тобоғи 12. Адади 100 нусха. Баҳоси  
келишилган нархда. Буюртма №.....  
Манзил: 700800. Гулистон ш., 4-мавзе, Гулистон давлат университети.  
© “**Университет**” босмахонасида чоп этилди.